




УРГУТ ОҶАНГЛАРИ

43.
9.

УРГУТ ОҲАНГЛАРИ

“Zarafshon” нашриёти ДК
Самарқанд – 2012

Нашрга тайёрловчилар:

Файзи Ҳайдаров
Ҳусниддин Файёзов
Ёркин Йўлдошев

Ургут тумани мустақил Ўзбекистон Республикасининг энг сўлим гўшаларидан биридир. Ушбу тўпلامда бу ердан етишиб чиққан кўплаб ижодкорлар ҳақида маълумотлар ва улар ижодидан намуналар берилган.

Ушбу китобни чоп этилишига ҳомийлик қилган Мадаров Ғаффор Ваҳобович Ургут тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ва Ибрагимов Рустам Ҳамроқуловичларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

ISBN 978-9943-379-82-4

© Ф. Ҳайдаров, Ҳ. Файёзов, Ё. Йўлдошев
© “Zarafshon” нашриёти ДК, 2012.



ГУЛДАСТА МУБОРАК!

Ургут ўзининг тарихи, бой маданий мероси, илму урфон фарзандлари билан азалдан машҳур бўлиб келган. Викорли тоғ, зилол сувли булоқлари, азим чинорлари кўпгина шоир ва адибларга, ижодкорларга илҳом бағишлаган. Шунинг учун ҳам бу зумрад маскандан маънавиятимизга, илм-фанимизга хизмат қиладиган ажойиб кишилар етишиб чиққан ва чиқмоқда.

Ургутликлар қадим замонларданоқ маънавий покликка, илмга, адабиёт ва санъатга интилиб яшаганликлари замирида ҳам ана шу гўшага бўлган чексиз муҳаббат, садоқат руҳи мужассам. Бу ерда етишган шайх ва авлиёлар, уларнинг муқаддас зиёратгоҳлари халқимизнинг руҳиятини поклашга хизмат қилган.


Хожа Закариё, Ҳазрат Ғавсул Аъзам, Вали Хожа Омон, Қори Эшон Тўра, Валихон Эшон, Шайх Муҳиддин хўжа, Қутбиддинхон Эшон, мулла Жумъакули Ҳумулий каби улуг бобокалонларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Масалан, Қутбиддинхон эшон турли номдор мадрасаларда ўқиб, илм олган. Мумтоз адабиётга қизиқиш билан қараган. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Бедил асарларини кунт билан таҳлил этган. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида ишлаб, илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшган олим бўлган.

Мулла Жумаъкули Ҳумулийдан эса кўплаб адабий ва тарихий асарлар етиб келган. У 3200 мисрадан кўпроқ шеърларни ўз ичига олган девон муаллифидир. Иқтидорли олим, мумтоз адабиётга ўзини бағишлаган қулқишлоқлик Абдурашид Абдурахмонов Ҳумулий ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган биринчи тадқиқотчидир.

Абдулазиз Азизий, Равшаний, Мирзо Миржаббор, Таслим Қоратепагий, Муфтақир, Мирсарвар, Кунжков (Абдувоҳид Шукуров) каби кўплаб шоир, журналист ва хаттотлар етишиб чиққанки, бу зотлар ўз даврининг илғор кишилари саналган.

Ҳозирги замон ўзбек адабиёти, илм-фани, журналистикаси тараққиётини ургутлик истеъдод соҳиблари ижодисиз тасаввур



Ургут оҳанглари

этиб бўлмайди. Бунда Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобиловнинг номини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ардоқли шоир ўзбек ва жаҳон адабиёти ҳазинасига ўзининг элликка яқин асари билан муносиб ҳисса қўшган серқирра ижодкор ҳисобланади. Шеъриятда сонет жанрини ривожлантириб, буюк шоир Алишер Навоий адабий меросидан баҳра олиб, «Янги Хамса» яратиб бобокалонимиз даҳосини янада баланд кўтарган Барот Бойқобилов самарали хизматлари учун Ўзбекистон халқ шоири, Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби бўлди.

Барот Бойқобилов изидан эргашиб адабиётимизга, журналистикага кириб келган бир гуруҳ ургутлик ижодкорлар билан ғурурланамиз. Эркин Неъматов, Маматқул Ҳазраткулов, Ўлмас Жамол, Асад Дилмуродов, Жумагул Сувонова, Абдусайд Кўчимов, Карим Бахриев, Холмуҳаммад Нур, Адхам Ҳайитов, Абдували Қутбиддин, Нарзулла Файзиев, Эргаш Мажидов, Ёркин Йўлдошев, Файзи Хайдаров, Хусниддин Файёзов, Амрилла Аҳмедов, Тошпўлат Тугал, Абдулазиз Йўлдошев, Дилором Исмоилова, Ғолиб Ҳасанов, Исомиддин Пўлатов ва бошқа ўнлаб қалам аҳлининг хизматларини алоҳида эътироф этамиз.

Кенагаслик истеъдодли шоир Эркин Неъматов «Ошиқ булбул», «Табиат минбари», «Алангадаги садо» каби кўплаб шеърӣ китоблар яратган бўлса, Маматқул Ҳазраткулов «Оқ куш», «Чўл Ироқ», «Интизор», «Чироғи ўчмаган кеча» каби қисса ва ҳикоялар тўпламлари чиқарди, бир неча драмалар ёзди. Асад Дилмурод «Сирли зина», «Шердор», «Гирих», «Мулк», «Мезон буржи» каби қиссалари, «Маҳмуд Таробий», «Фано даштидаги куш», «Паҳлавон Муҳаммад» каби романлар чоп эттирди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдусайд Кўчимов узоқ йиллар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини бошқарди. Айни пайтда «Хабар» газетасига муҳаррирлик қилмоқда. Унинг «Тош бўргут», «Чанок», «Халқа», «Қиёфа», «Кўзларимнинг қарогидасан», «Менинг юлдузим», «Муҳаббат боғлари», «Эл сув ичган дарёлар»,

«Қайта тугилган бола», «Баланд тоғлар остида» сингари кўплаб китоблари, шеърӣ тўпламлари ўзининг ўқувчиларига эга.

Холмуҳаммад Нуруллаев жамоат арбоби бўлиши билан бирга, кўзга кўринган журналист ҳам эди. Унинг «Истиқлол ва маҳалла», «Улуғ мададкор» китоблари, ўнлаб публицистик мақолалари мушоҳадага бойлиги билан кишини ўзига тортади.

Бошқа қалам аҳллари ҳақида ҳам ана шундай илиқ гапларни фахр-ифтиҳорга тўлиб гапиришимиз мумкинки, уларнинг ижодлари ёш авлодни маънан ва баркамол авлод руҳида тарбияланишга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари томонидан адабиётга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик Ургутда ҳам кейинги йилларда адабий муҳитнинг шакилланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Туманимиз қаламкашларининг мазкур тўплами ана шу меҳрибончиликнинг ҳосиласидир. Бир сўз билан айтганда, Ургутда истиқлол ғояси асосида шакилланаётган халқнинг адабиётга, маданиятга, ижод аҳлига бўлган муҳаббати тобора ўсмоқда. Аждодларимиз руҳига садоқат, келажакни англаш, ҳар жабҳада ижодкорлик ва ташаббускорликни таъминлаш давримизнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Биз эса бундай иқтидорли инсонларни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Туманимиз қалам аҳли ижод маҳсулидан тузилган ушбу «Ургут оҳанглари» баёзи халқимиз учун муносиб тухфадир. Мазкур гулдастадан жой олган ёш ижодкорларга келгусида таниқли адибларимиз сафидан муносиб ўрин эгаллашларига тилакдошман.

Ҳиммат ОҚБЎТАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ургут тумани ҳокими.

I

МУМТОЗ АДАБИЁТИМИЗГА ДАХЛДОР



ҲУМУЛИЙ

Шоир Ҳумулий XVIII асрнинг охирларида Ургутнинг Чеп қишлоғида туғилган ва XIX асрнинг 70 йилларигача яшаган. Бухоро хони Амир Насрулло даврида Ургутда қозилик лавозимида ишлаган. Шеър ёзиш билан ҳам жиддий шуғулланиб, Ҳумулий (номнишонсиз) тахаллусини олади. Возеҳ Бухорий "Тухфат ул-аҳбоб" тазкирасида Ҳумулий шахсияти ва ижоди тўғрисида қимматли маълумотлар берган.

Ҳумулийнинг бизгача етиб келган "Тарихи Ҳумулий" (Ҳумулий йилномаси) "Шоҳ ва гадо", "Девони Ҳумулий", "Шайх Мусахон", "Ад-Даҳбедийнинг таржимаи ҳоли", "Манзумоти тарихия" ("Шеърӣ тарих") сингари асарлари Ўзбекистон Фанлар Академияси қўлёзмалар фондида ва бошқа асарлари Тоҷикистон Фанлар Академияси Шарқ қўлёзмалари ва адабий мерос фондида сақланмоқда.

Биз Ҳумулийнинг Ургутдан топилган бир қўлёзма девонидан ушбу газални келтиришни маъқул топдик.

* * *

Ваҳки, анжум дурларидан гавҳарафшондур фалак,
Бош оёғи кўз бўлиб ҳолимга ҳайрондур фалак.

Каҳкашон эрмаски, ҳар тун то саҳар бедодким,
Оташин оҳим билан дасти гиребондур фалак.


Эрта меҳр афшон килиб, окшом пушаймондур бу ким,
Пой то сар, пушти даст, захми дандондур фалак.

Бўлмаса маҳзун юзимдин мадди ганжи тарҳ этиб
Кундуз оташбоз, тунлар нуктапаррондур фалак.

Борса бир комил қилар оламда минг ноқис аён,
Мухр олиб анжун сотарга эски дўкондур фалак,

Бир куёш бедодидин тттар танним симобдек,
Ким бошидин чарх уриб афтону хезондур фалак.

Умр даврони, Ҳумулий, қилди кўнглимни синук,
Оре каттиқ донага кургон тегирмондур фалак.



МУФТАҚИР

(1875 - 1925)

Асрорхон ибни муфтий Умархон - Муфтақир Ургут шаҳрининг Калангар маҳалласида таваллуд топган. У ўз даврининг зулличонайн шоири, мударрис ва маърифатчиси эди. Кўп йиллар "Нақшин" мадрасаси масжидининг соҳиби, туман қозиси вазифаларида фаолият кўрсатган. Ургутда ёшларни шм-маърифатли қилиш мақсадида "Нақшин" масжиди қошида мадраса ташкил этиб, исломий-диний таълим-тарбия ишларини йўлга қўйган. Муфтақир замондошлари бўлган истеъдодли шоирлар Доий Ўратенагий, Садри Зиё Бухорий, Васлий Самарқандий, Неъматулло Муҳтарам, Абдулла Хўжа Абдий, Таслим Қоратенагийлар билан мунтазам ижодий мулоқотда бўлган.

Шоир лирик шеърларини Муфтақир, ҳажвий шеърларини эса Пашминапўш (пўстин кийган киши) тахаллуслари билан ёзган. Муфтақирдан икки девон қолган бўлиб, уларнинг ҳажми анча катта ва бу девонлар XIX аср охири XX аср бошлари Ургут адабий жамоатчилиги, тарихи ҳамда маданиятини кўрсатишида муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

ҲАЗАЛ

Экинзорлар аро гўё дарахти бесамардирман,
Ёмонликдан қочиб бошимгача сув ичра гарқдирман.

Чекай фарёд бу ранжу уқубатдин, ки кўп бора
Сочиб нафънинг уругин, лек кўргувчи зарардирман.

Чаманзор, ошнолардан жудо бир тўтидек фарёд
Этай, банди қафас куш, беканот, беболу пардирман.

Бу толеъи нигунликлар-ла бу бахтим қаролик-ла,
Шикастлиг, бу синуклик оламинда мўътабардирман.

Шу хужра ичра бир бурчакда мен бирла фироқ, хасрат,
Бу дунё ичра ўзга ҳеч недан беҳабардирман.


Ургут оҳанглари

Кувонч бирлан яшаш, иқболи айш овозасин тинглаб,
Валекин ҳеч ундан кўрмагувчи бир асардирман.

Бу журъанўш риндларнинг уйин оstonасин хатлаб,
Бу мен, ёраб, ахир кимманки боғловчи камардирман?

Оҳим ҳалқа бўлиб учса фалакка энди гар, не бок?
Дучори ой тузоғин, музтари руҳи камардирман.

Бўлиб булбул овозим Муҳтарамнинг изидан бордим,
Мусаффо Муфтакир табъи, ки гўё тонг саҳардирман.



ТАСЛИМ ҚОРАТЕПАГИЙ

Асли исми Оллоёрбек бўлган шоир Таслим XIX асрнинг 70-йилларида Ургутнинг Қоратепа кишлоғида туғилган ва XX асрнинг 20-йилларида вафот этган. Таслим ҳақидаги дастлабки ёзма манбалар Мухтарамнинг "Тазкират уш-шуаро" китобининг 77-78-бетларида берилган қайдларда учрайди. Тазкирада шоирнинг жумладан қуйидаги байти келтирилган:

Қаламим қатраларидан бунёд этилган ёзишмалар
Менинг саломимни мухтарам дўстимга етказар.

Таслимнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда самарқандлик шоир Васлий билан боғлиқ маълумотларни ҳам кўриб чиқиш зарур. Чунки Таслим Васлийнинг шогирдидир. 1911 йилда Васлийнинг девони нашр этилиб, асар охирида унинг шогирдлари девон нашр этилган йилда тарих битишади. Улар орасида Мулло Оллоёрбек Таслим Самарқандий Қоратепагий номи билан қуйидаги шеър берилган:

Юз шукурким, чоп бўлди чун ушбу китоби дилпазир,
Гўёки ўлди жилвагар олам узра меҳри мунир.


Васлийга чун шогирд эдим, очилди таъбим гул каби,
Таъби китобини билиб бўлдим зиёи файзгир,

Рухсори бажҳатни кўриб таърихи соли таъбига
Таслими бечора деди: "Девони Мавлий беназир".

XIX аср охири XX аср бошларида тузилган баёзларда Таслим асарларидан ҳам фойдаланилган. "Баёзи Махдий"нинг 135-136-бетлари ҳошиясида Таслимнинг қуйидаги ғазали берилган:

Ишқингни ҳавосидин агар тош,
Ёғилса анга нишона бу бош.

Рухсори янги куёш ўлонда,
Қолурми хилол бўлмайин кош.
Олам юзидин мунаввар ўлса,
Мункарлари бўлгайми хуффош.
Мақсад гар ўлса бизга маҳбуб,
Малҳуз ўлурму қавми-қардош.
Мажнуна муҳаббат ўлса ҳисса,
Юз шукурки, бизга бўлди юз чош.
Бир кеча жамоли офтоби
Манзур улурму менга эй кош.
Шаҳру ғамини қиларди Таслим,
Гар тонса эди жаҳонда сирдош.



КУНЖКОВ

Абдулваҳоб Шукуров - Кунжсков XX аср бошларида Самарқанддаги ўзбек ва тожик тилидаги адабий муҳитнинг вакилларида биридир. Унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда йиғирманчи аср бошларида нашр этилган "Зарафшон" газетаси, унинг қошида чиқариб турилган "Машираб" журнали, "Овози тожик" газетаси муҳим манбалардир. Кунжсков бу матбуот нашрларида ишлаган, ўз асарлари билан мунтазам қатнашиб турган эди.

Кунжсков сатирик шоир ва ёзувчидир. Унинг хизматини аниқлашда 1924-1927 йилларда нашр этилган "Машираб" журналинини кўриб чиқиш лозим. Журналнинг бу даврдаги сонлари кўздан кечирилар экан, унинг Садриддин Айний, Абдулҳамид Мажидий, Ҳамид Олимжон, Комил Алиев ва бошқа таниқли адиб ва журналистлар билан бир қаторда давр нафасини ҳис этиб, ижодий меҳнат қилганлигини кўрамыз.

БАЛО УРСИН

Йўқолсин, қолмасин оламда манманлик мақтаниш тухми,
Сўзида кадр билмас илмдонларни бало урсин.

Тамаъкор, икки юзли, фитначи, маймунсифат, Муфлис,
Хушомадчи, фирибгар, беимонларни бало урсин.

Амал, мансаб билан стул учун жонин фидо этган.
Курук савлат йўлида бағри қонларни бало урсин.

Қалб рафтори ҳар кун икки уч - хотинни расм этган
Ҳавас қурбони ул бедум фасонларни бало урсин.

Ҳукуматдан очилган дастгоҳу дўконга жойлаган,
Ҳамма савдогару қози, эшонларни бало урсин.

КУТБИЙ
(1906 – 1983)



Қутбиддин Муҳиддинов 1906 йилда Ургут шаҳрида Муҳиддинхон Валихон ўғиллари хонадонида дунёга келган.

Дастлабки илми боболари, ойиларидан олган. 10-12 ёшларида Ургутдаги "Мадрасаи Чубин", Самарқанддаги мадрасада таҳсилни давом эттирган. 1917-1920 йилларда "Қўқалдош" ва Мир Араб мадрасаларида таълим олади. Араб, форс тилларини, тиб, мантиқ, тафсир ва адабиётшунослик фанларини мукаммал эгаллаган. Шеъриятга меҳр қўйиб, Низомий, Жомий, Навоий, Бедил асарларини қунт билан мутолаа этган.

Қутбиддин Муҳиддинов Алишер Навоий асарлари тилига бағишлаб ёзилган Мирзо Муҳаммад Маҳдихоннинг "Санглох" асари устида узоқ йиллар давомида иш олиб бориб, 1971 йили номзодлик диссертациясини ёқлади. Бу иш ўзбек тилишунослиги тарихида муҳим янгилик бўлди.

Қутбиддин Муҳиддинов Ғафур Ғулом, Порсо Шамсиев, Солиҳ Муталлибов, Фузайл Исломов, Ҳоди Зариф, Ғулом Каримов, Эргаш Фозилов, Ботирхон Валихўжаев, Озод Шарафиддинов, Маҳмуд Саъдий каби йирик олимлар билан ҳамкорликда меҳнат қилдилар.

Қутбиддин Муҳиддинов Қутбий таҳаллусида ўзбек, тожик тилида гўзал газал ва рубоийлар яратган.

ҒАЗАЛ

Бекорликдан на олгайсан, бир иш бошида тур доим,
Ўзинг севган ҳунар-касбнинг кетидан қолма, юр доим.

Дилинг шоду жаҳон обод агарда айласанг ғайрат,
Ҳар оғир ишни ҳам ҳиммат билан осонга сур доим.

Солиб ақлингни ишга, тўғри йўлдан яхшилик изла,
Агар ақлингга бўйсунсанг ишинг ўнгдан келур доим.

Ургут оҳанглари

Хаёт мақсад сари от кўйгали бир катта майдондир,
Ва унда ўзни кўрсат, беллашиб қандингни ур доим.

Тиришсанг, айласанг ғайрат, берай бир маслаҳат, ўғлим,
Тоғиб туз йўл, саодат даргоҳига юз ўғур доим.

Кел, эй кўнгил, иқовлон ишни ўнглаш йўлин излайлик,
Тилу дил бўлса ҳамранг тез муродга етказур доим.

Дили уйғоқ, тили ҳақгўй одамларга тасаддуқким,
Алардан файз олиб давронимиз нурга тўлур доим.

Мурувват, марҳамат бўлса бу Қутбий руҳи яшнаб боз,
Буюк ишлар била икболи гулдай очилур доим.

РУБОИЙЛАР

Ким бўлсаг-у неларни яратсак бизлар,
Кулсак ва ё йиглар чоғимиз ҳар кезлар,
Неларни қаён этсаг-у келтирсак ҳам,
Такдирки агар қилмади, қолмас излар.

Ғофилмизу манманлигимиздан яна нодон,
Хатти ҳақиқат нуқтаси бизларга-ку пинҳон,
Борлиқ-ку недандир ва нечундир - не билурмиз?
Билганда-чи? Ўз билганига беамал инсон.

* * *

Арслон каби майдонга агар кирса биров,
Кўл қувватимас омади ёрликқа гаров,
Инсон-ку чин инсонлигин устун кўядир,
Ақлу шуури бирла бақувватдиру дов.

* * *


Ҳар дам, дегум, ўтса шодмонликлар ила,
Дўстлар ила, умри жовидон нектари-ла.
Бирликдаги унс суҳбатини англар эсам,
Сарватлилигимнинг шукри жондек зар ила.

* * *

Дўст суҳбати энг эзгу, азизрок дўстга,
Фарҳат ва нишот барчаси жам ост-устга.
Уйғун бу муҳаббат ғамию дил нафси,
Улфат самарин ким бўлолур мағз, пўстга?

* * *

Димоғимдир муаттар бу баҳорданким, тару тоза,
Фараҳ боли-ла дил жомим лаболабдир беандоза.
Сабо чун мушк сочди нофаи анбардин атрофга,
Машом айлар насими жонфизо сеҳрини овоза.



II

ТАНИҚЛИ АДИБЛАРИМИЗ

Барот БОЙҚОБИЛОВ

(1937-2006)



1937 йил 14 мартда Ургут туманидаги Кенагас қишлоғида таваллуд топди. Мактабни тугатгач, педагогика билим юртида ўқиб, бир муддат муаллимлик қилди.

1962 йилда Самарқанд дорулфунунини битириб, Тошкентга ишга кетди. Газета, нашриёт, ҳукумат идораларида масъул вазифаларда ишлади.

Барот Бойқобилов - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Ўзбек ва хорижий тилларда қирқдан ортиқ китоблари нашр этилган. Йигирмадан ортиқ дoston муаллифи. Сонет жанрида битилган асарлари бир неча тўплам ҳолида нашр этилган.

1994 йилда Б.Бойқобилонинг "Навоийнома" чор китоби Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти билан тақдирланди. 1997 йилда унга "Ўзбекистон халқ шоири" унвони берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ✓

Ўзбекистон - қомронли юрт,
Эътиқодли, иймонли юрт,
Хонадони меҳмонли юрт,
Ота маконим менинг.

Ўзбекистон - боғбонли юрт,
Бағри боғу бўстонли юрт
Эли марду майдонли юрт,
Тоза иймоним менинг.

Ўзбекистон - осмонли юрт,
Осойишу омонли юрт,
Қушлари ҳам ошёнли юрт,
Орзу-армоним менинг.

Ўзбекистон - кўргонли юрт,
Сарҳадлари қосбонли юрт,

Samarqand moliya-

Ургут оҳанглари

Кўкси зирху қалқонли юрт,
Дорул-омоним менинг.

Ўзбекистон - хирмонли юрт,
Дафинаси минг қонли юрт,
Хазинаси армонли юрт
Дурри рахшоним менинг.

Ўзбекистон - қарвонли юрт
Қарвонлари сарбонли юрт,
Сарбонлари унвонли юрт
Тахти равоним менинг.

Ўзбекистон - девонли юрт
Тожу-тахтли, султонли юрт
Бахти бокий, давронли юрт
Мулки жаҳоним менинг.

Ўзбекистон - ўғлонли юрт,
Ўғлонлари лукмонли юрт,
Лукмонлари тугёнли юрт,
Шеър дустоним менинг.

Ўзбекистон - икромли юрт,
Истиклоли пайғомли юрт,
Истиқболи илҳомли юрт,
Олтин ошёним менинг.

САМАРҚАНД ГЎЗАЛИГА

Қора кошнинг орасидай кўнглинг менга яқину
Қора кўзинг қарашлари юлдуз қадар йироқдир,
Қора сочинг чўлғаниши кўзларимга ёлқину
Қора холинг юрагимга азоб солган фироқдир.
Бойчечакдай сарғайтмасдан мени излаб келсайдинг,
Кўнглим эзган ҳижрон тоши мумдай эриб кетарди.
Ёш жонимга қасд этмасдан, жиндақ раҳм қилсайдинг,

Кафтинг узра кўтаргандай бошим кўкка етарди.
Келсанг агар куйлаб келгин "Самарқанд ушшоғи"ни,
Япроқ бўлиб окиб кетай бир умрга мавжида.
Меъморлардан қарзга олгин минорлар буёғини,
Севгимиз ҳам минорлардай бўлиб қолсин обида.
Сиёб сувин тўлдириб ол, Конигул кўзасига,
Барги билан узиб келгин Бағибаланд анжирин.
Чорраҳанинг пўлати-ю, нони Осиёсига
Бир кунгина инъом этгин кокилларинг занжирин.
Қош устига қўйиб олиб ироқи дўпписини,
Боғимайдон олмасидан бир сават узиб келгин.
Кийиб олиб, Қўшҳовузнинг хироми туфлисини,
Зарафшоннинг жавоҳирин бир ипга тизиб келгин.
Сўзангарон яхнаси-ю, Регистон қаймоғидан
Кулолчиён косалари жарангласин қўлингда.
Зардолзор данаги-ю, Бағдоднинг ёнғоғидан
Ховуч-ховуч ҳадя қилиб, боғлар қолсин йўлингда.
Гулисафсар гулин олиб кўҳна Афросиёбдан,
Боғишамол "саккиз тепки" атласидан кийиб кел.
Мўлиённинг узумидан, Ургутнинг шаробидан,
Шаробларнинг камёбидан бир пиёла қуйиб кел.
Севгимизга ошён бўлган Оромбоғ тупроғидан
Бир қисмча келтирсайдинг, сурма қилиб қўярдим.
Чўпонота чаманидан, Зарафшон қирғоғидан
Гули Наврўз олиб келсанг, юрт меҳрига тўярдим.
Оби раҳмат ҳиносидан хол қўйиб бармоғингга,
Ҳавзибаланд ипагидан шоҳи белбоғ тикиб кел.
Мотруднинг гилосидан сирға тақиб қулоғингга,
Навоийнинг ғазалини шому саҳар ўқиб кел.
Мени излаб йўлга чиқсанг Себзор хиёбонидан,
Улугбекнинг юлдузлари тўкилар оёғингга.
Висол чоғин сўроқласанг Хаймар гиёҳларидан,
Атиргуллар бўй уфурар пистадай дудоғингга.
Дийдорингни кўролмасдан соғинган кезларимда,
Ёшлигимиз ўтган боғлар самар қандин олиб кел.
Дил-дилимга сеҳрлаган қуралай кўзларингда
Самарқандни пинҳон этиб, Самарқандни олиб кел!

ҚАЙТГАНДА

Салом, Ургут!

Салом, онажон!

Ўзбекистон Кавкази, салом!

Сени кўриб ёнди ўтсимон

Юрагимда соғинч ва илҳом.

Ўша чинор,

Ўша булок, сой,

Юксак тоғлар жилвасин кўрдим.

Далаларга бахш этган чирой

Сўлим боғлар мевасин кўрдим.

Ҳар гўшаю

Ҳар дара, кишлок

Хазинамдан, майли, олгин, дер.

Соҳибкорлар қаршилаб қувнок.

Умринг бўйи бизда қолгин, дер.


О, она ер!

Меҳринг булоғи

То тирикман - жўшар юракда

Ва сен ёккан умрим чироғи

Порлаб турар юксак-юксакда!





Ўлмас ЖАМОЛ

1934 йил 17 майда Ургут шаҳрида тугилган. 1947 йилдан буён Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида яшайди. Ўрта мактабни битириб, Тожикистон давлат университетининг тарих-филология факультетида таҳсил олган. Ўлмас Жамолнинг шеърлари ўқувчилик йилларидаёқ матбуотда тез-тез чоп этилиб турарди. 1969 йили "Ирфон" нашриётида "Меҳр булоғи" илк шеърлар тўплами босилди. Кейинчалик эса 1988 йилгача Тошкент ва Душанбе нашриётларида тўққизта шеърый тўплами нашр қилинди. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг деярли барча таниқли санъаткорлари шоирнинг газалларини қўшиқ қилиб қўйлашган. Ўлмас Жамолга "Тожикистонда хизмат кўрсатган журналист" унвони, "Дўстлик" ордени берилган.

УРГУТ

Бокиб хуснингга тўймайман, ҳамиша баркамол Ургут,
Сабо, гул ошён этган ажаб соҳибжамол Ургут,
Шафак байроғини тиклаб этаркан уфқинг ол, Ургут
Тўшаб кифтингга зар кокил, қуёш бошингда лол, Ургут,
Ёшардинг, кунда иқболинг ошар, осудаҳол Ургут.

Келибман сенда дунёга, севиб меҳрингни қондирдинг,
Сени онам дейиш бахтин бериб ҳадсиз қувонтирдинг,
Ўзинг шеър ишқини офтоб этиб бағримни ёндирдинг,
Дегил, бундай саховатни нечук касб айлаган эрдинг,
Қуёш умрича бўл боқий, вале кўрма завол Ургут.

Сени жаннат демам, кўркин у ҳам кўркингдан олгандир,
Баҳор кўнгил узолмасдан ҳамиша сенда қолгандир,
Табиат яшнатиб бағринг, ўзи шайдойи бўлгандир,
Шунинг-чун чашмалар очиб, барин хизматга олгандир,
Самарқанд бир садаф эрса, сен унда дур мисол Ургут.

Сукут саклайди минг йиллар буюк ҳар бир чинорингда,
Ёзувлар тарихинг сўзлар ҳама кунжу канорингда,

Ургут оҳанглари

Эрур "Чилдухтарон" бокий баланд тоғ - ифтихорингда,
Асл ганжиналар пинҳон сенинг хаттоки горингда,
Қадимий Ўзбекистоним юзида ҳинду хол Ургут.

Йигитлар - шерюрак, қизлар - забардаст, окилу доно,
Бари меҳнатни дўндиргай, ўқишда олгани "аъло",
Яшайди лаҳзадан излаб улуг бир кашфиёт, маъно,
Сени сайқалламоқ ишки улар қалби ародир жо,
Бугундан нурлидир эртанг, килиб кўрсам хаёл, Ургут.

Кечир, мадҳингни куйлашда гар ожиз, англасам, созим,
Сенинг шаънингга шеър айтмоқ учун Ҳофиз бўлиш лозим,
Ғазал осмонида юксак эмас ҳозирча парвозим,
Қабул эт камтарин тухфам - шу шеърим сенга эъзозим,
Тилимдан томмади, афсус, сенинг мадҳингда бол, Ургут.

ОТАМ

Отам нонвой эди - очликдан ўлмас,
Тўкликдан ёрилмас, оддий бир косиб.
У ҳақда фикримни айтмасам бўлмас,
Ахир, умрим ўтар шеър, ғазал ёзиб.

Эллик йил нон ёпди, битта нон учун
Икки гал жаҳаннам - тандирга кириб.
Бу меҳнат шунчалик сўрарди кучин,
Фикримча, илиги кетганди эриб.

У менга покликнинг эди тимсоли,
Хушсўзлик бобида оламда танҳо.
Уриб-сўкмас эди кўплар мисоли,
Бир бокиб англатар эди минг маъно.

Жонбахш кўзларидан ёғарди меҳру
Нуроний юзидан боқарди офтоб.
Ҳар битта сўзида хувайдо сеҳру
Хулку рафторининг ўзи юз китоб.

Бўлдимми мен унга муносиб фарзанд?
Бу савол жавобин келажак айтар.
Ирсият қонуни гар бермаса панд,
Умримнинг баҳоси ўғлимдан қайтар.

ҲАЁТ


Ҳар эрта қуёшдан бўса оламан,
Тириклик завқидан энтикади дил.
Ҳаёт! Чин ошиғинг ўзим бўламан,
Васлингга қонмайман яшасам минг йил.
Борлигим-бағрингда бир воқеъ вужуд,
Нигоҳим ўзингга ошуфта олам.
Кўксим сен жой олган макон - беҳудуд,
Дил - меҳринг тафтидан ловулар лоланг.
Қайноғинг - мен учун пишмоққа имкон,
Тобланиш йўлида синовдир зарбанг.
Сенга фарзанд бўлиб нетдим, онажон,
Агар кўтармасам баъзида зарданг?!
Қадринг билмасалар, ҳаёт, айт ахир,
Қандай илинж билан сенга келади?
Завкингдан бенасиб қайси тошбағир
Сени ёмонлашга журъат қилади?
Яшаш - бу ҳар кимга маълум муддатда
Дунёга эгалик қилиш ҳуқуқи.
Ўзлигин кўрсатиш шодлик, кулфатда,
Инсонлик шарафин билиш ҳуқуқи.
Яшаш - бу одамлар олами аро,
Эзгу юмушлар-ла қолдирмоқлик ном.
Яшаш- бу Ватанга бермоқлик оро,
Унинг камолотин эттирмак давом.
Ҳозир мен дунёга эканман соҳиб,
Яшайман шу буюк номимни оқлаб.
Ҳамма ҳам мен каби гар бўлса содик,
Заминда тинч ҳаёт қолинар сақлаб.

ТҮРТЛИКЛАР

Инсонга умр деб бир йўл берилган,
Териб емокликка ризқ мўл берилган.
Оёқ берилгандир тўғри юргил деб,
Меҳнатда бахтинг топ деб кўл берилган.

* * *

Кўнгил кошонаси меҳр ила обод,
Меҳрдан бенасиб кимса бўлмас шод.
Меҳр топ, минг шонинг бўлса ҳам сотиб,
Арзийди десалар шунда одамзод.





Эркин НЕЪМАТОВ
(1942-2008)

1942 йил 3 декабрда Ургут туманининг Кенагас қишлоғида тугилган. Ўрта мактабни тугаллагач, 1958 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. "Зарафшон" газетасида адабий ходим бўлиб ишлаган. Шундан сўнг республика радиосида бўлим мудири, Ўзбек энциклопедияси бош муҳарририятида тил, адабиёт ва фольклор илмий таҳририяти бошлиғи, Ўзбекистон телевидениесида бош муҳаррир, директор ўринбосари вазифаларида ишлади.

1970 йилда унинг илк шеърлар тўплами - "Ойиқ булбул" босилиб чиқди. 1980 йилда "Табиат минбари", 1984 йилда "Алангали садо", 1990 йилда эса "Зомин қўнғироғи" (ҳамкорликда) шеърый тўплами нашр этилди.

ҚОРА КЎЗЛИГИМ

Қуёшнинг фарзанди Зардушт бобожон,
Алплар сардори - Эр Тўнга отам.
Спитамен, Тўмарис - ўлмас қахрамон,
Сиз билан улуғдир ўзбек деган ном.

Шарқнинг халоскори Тангрикут ботир,
Мағрибнинг отаси Отелло оғам.
Жалолиддин ёвга от солаётир,
Ўзбекнинг қалбидан ёришар олам.

Қитъалар кўзини очмаган чоғда,
Самолар бағрига етганда аклим.
Далварзинтепадан Анд тоғигача,
Ботик изларингни кўраман, халқим.

Темур нафасидан ёришди жаҳон,
Улуғбек кафтига осмон кўйди бош.

Ургут оҳанглари

Бухоро минори - Арслон ҳокон
Йиллар синовига бермоқда бардош.

Қанча авлиёлар, қанча донишлар,
Бир-бирин қалбидан олганлар таълим.
"Авесто" битигин йиллаб ёзмишлар,
Ўзингиз илк сабоқ берган муаллим.

Ойдин чехраларга тўймайман қараб,
Минбарларда мағрур яна ўзлингиз.
Дунёни кезаман ажлодим сўраб,
Ҳамма жойда буюк қора кўлингиз.

САМАРҚАНД САЙҚАЛИ

Оламда кўп эрур кентлар, шаҳарлар,
"Самарқанд сайқали рўйи замин аст".
Бир-биридан гўзал тоғлар, саҳарлар,
Самарқанд деганда осмон бўлар паст.

Зардўшт нафасидан гуллаган ҳаёт,
Эр Тўнга қалбидан таралган ҳавас.
Спитамен ботирга бахш этган нажот,
Рахшона сулуви ишқдан қилган маст.

Заминга ёғилди самовий ранглар,
Самарқанд кучоғи тўлди сеҳрга.
Юрт учун килинди беаёв жанглар,
Тангри тож кийгизди Амир Темурга.

Улугбек кафтида гуж-гуж юлдузлар,
Ҳадя этмоқ истар халқига бир дам.
Кўҳак соҳилида тунлар, кундузлар,
Алишер қалбида қуюлар илҳом.

Чокардиза узра неча донишнинг,
Мағрур таралмоқда ўтли хитоби.


"Авесто" битиги шунда битилмиш,
Жаҳонни лол этди Афросиёби.

Оккан дарё яна оқар дейдилар,
Самарқанд қаддини тутмоқда яна.
Тарих ўзанига яна куюлар,
Самарқанд ватандир, Самарқанд - она.

ЛОЛА

Қотиб қолган аланга,
Бағри куюк ситамгар,
Дунёга келдинг нега
Яшай олмасанг агар?

Бахт ахтариб еласан,
Қонлар тошар юзингда.
Қисматингни биласан,
Ўт кўясан ўзингда.



Асад ДИЛМУРОД



1947 йилда Ургут туманидаги Қоратена қишлоғида туғилди. Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика факультетида таҳсил олди. Бир муддат "Ургут садоси" газетасида адабий ходим бўлиб ишлади.

"Зарафшон", "Ўзбекистон овози" газеталарида, Республика "Камалак" нашриётида ишлади. Ҳозирги вақтда "Шарқ юлдузи" журналида наср бўлимини бошқараяпти.

У "Тош бургут", "Сирли зина", "Мулк", "Гирих", "Интиқо", "Шердор", "Мезон буржи", "Оқ аждар сайёраси" каби қиссалар, "Маҳмуд Торобий", "Фано даштидаги қуш", "Паҳлавон Муҳаммад" романлари муаллифидир. "Тош бургут" китоби Москвада рус тилида босилган. Туркияда нашр этилган туркий халқлар адабиёти энциклопедиясига "Маҳмуд Торобий" романидан парча киритилган.

1998 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига сазовор бўлган, Ўзбекистон Ёзувчилари уюмиси аъзоси.

КЎЛАНКА

(Ҳикоя)

Қаҳратон совуғи оёқ остини зарангдек музлатди. Сирғанчик йўлкалар ойнадек ялтирайди. Йўловчилар кўрка-писа оёқ босишади.

– Қорасовукдан кўра, қор ёғса ҳам яхшийди, - деди Кимё.

– Отам ҳам шунақа дейдилар! - Эргаш унинг фикрини тасдиқлаган бўлди.

Мудраб ётган каттагина боғ қаршисидан чикдилар. Бир-бирига чирмашган чинор новдалари изгиринда қасур-қусур силкинади. Кимё ўриндиқларига хазон ёпишган, кипикка кўмилган атиргул бутоклари сихдай диккайган шип-шийдам боғ ичкарисига назар ташлаб, хўрсинди.

– Эсингиздами? - деди секингина. - Уч йил аввал анови йўлакда танишувдик.

– Совуқ бўлса ҳам хаёлингизга яхши гап келди.

Эргаш мулойим куларкан, калта кинриклари пирпиради. Қизнинг қўлқопли қўлини юмшоқкина киеиб қўйди.

Кимё алланечук бўлиб кетди. Юрагини куйдирган чўгдек туйғу борлигига ёйилди. У ҳамниша шу туйғу билан яшашни истарди. Ўйлаб караса, ўша танишувдан буён уч йилга яқин фурсат гўё кўз очиб юмгунча ўтиб кетибди. Вақт тўхтовсиз ва шафқатсиз, ҳеч нарсани аямайди. Лекин Кимё ниманидир кутади, нитик кутади.

Ўшанда Кимё биринчи курсда ўқирди. Арзимаган баҳонада ораларидан қил ўтмайдиган қалин бўлиб кетишди. Кимё ундан бор-йўғи соат нечалигини сўради. Йигит тахта ўриндиққа бафуржа чўккандан кейингина вақтни айтди. Кўзлари тўкнашди. Қискагина суҳбатлашишди. Кейин Кимё уни факультетда учратди. Учратди-ю хаёлчан бўлиб қолди. Хушсурат ёш домлага ҳаваси келганини, унга ёқиб учун бир чиройини ўн чирой қилиб кўрсатишга уринганини энди қулиб эслайди.

Эргаш ўзидаги ўзгаришларни тан олишга ийманадимиз, чўчийдимиз, англаш мушкул эди. "Ота-онам, ёр-биродарларим нима дейишаркин?" Бу фикр кечалари уйқусини қочириб, ичидаги огир тошдек чўкиб ётарди.

Узуқ-юлуқ мулоҳазалар гирдобиди чарчади. Бир тўхтамга келиш учун қандайдир турткига муштоқ эди. Бир неча марта отасига дардини айтиш учун чоғланди. Иложини тополмади. Ҳар гал ҳовлиқиб, ўзини йўқотар, музлагандек тили айланмасди.

Амали, обрўси билан бутун шаҳарни оғзига қаратган Насри ака ўғлига нисбатан ортик даражада қаттиққўл эди. Эргаш баджаҳл ота измисиз девордан ҳам мўраламасди. Кино-цирк, жўралари билан ўйнаб-қулиш учун албатта ижозат сўрарди. Насри ака кўнгли ийиб турганда бош ирғаб рози бўлар, таъби хиралигида индамай ўқрай эди. Ота муддаосини тушунган Эргаш мунгайибгина хонасига кириб кетар эди.

Саккизинчи синфни битираётганида мактабга геологлар меҳмон бўлиб келишди. Маъданларни шунақа ошириб макташдики, Эргаш ўшандаёқ уларга қўшилиб кетмоқчи бўлди.

Аттестатини олгунига қадар геологлик ҳаваси билан юрди. Бошқа касб кўзига кўринмади. Ўша куни отаси ёнига чақирди. Икки оғиз ўғити унинг тақдирини ҳал қилди-қўйди.

Ургут оҳанглари

Эргаш бўзарди, гилтиллашиб ютинди, ичини нимадир ёндирди. Икки йил кўнглида асраган истагидан отаси беҳабар қолди. Бир оғизгина гап кифоя эди. Шунини айтолмади.

Ўша-ўша адабиёт наҳрига томчидай сингди. Отаси билан инок, ҳамиятли олим Тошмамат Қувватбеков ҳимоясида ўриниб-суриниб аспирантурани битирди. Миясини ачитиб, илмий ишини охирлатди. Ёқласа - тамом, ҳаётда бошқа ташвиши қолмайди.

Аммо Кимё-чи? Ҳаммасидан уники ошиб тушди. Нима қилсаки, маломатга қўйиш мумкин бўлган соядан қутулса... Қайда, ихтиёри доим мўрт чивикдай синади. Кўпинча оёғи тортмаган томонга боради. Кимёнинг қўлида сиртмоқ борга ўхшайди. Ўшани бўйнига солиб, етаклаб олди.

Кимё китобни унча суймайди. Унга кўпроқ кино ёқар экан. Охири Эргаш ҳам киносиз туролмайдиган бўлиб қолди. Ҳатто бир хил қаҳрамонлар тушида ҳам ҳаловатини бузади.

Богда гурунглашиб ўтирганларида Кимё сарик гулни ёмонлади. Сарик гул беҳосият деди. Ўчакишгандек ўша куни Эргаш тўқ сарик қўйлак кийган эди. Бирдан афти ўзгарди, қизга гуноҳқорона қаради. Шу-шу ўша янги қўйлагини қайтиб киймади. Сарик рангини кўрса кўнгли айнийдиган, ҳатто ёмонлайдиган, шунақа тусда кийим харид қилмайдиган бўлди.

Эргаш доим имога маҳтал. Салгина ишорага лаққа учади. Кейин юзидан ўтолмайдиган кишининг бир оғиз гап орқасида шундай бўлганини эътироф қилиш бўйини бир қарич ўстиради. Кимё дарсларига қатнашишдан бўйин товлаганида ҳам шунақа кайфиятга тушар, танбеҳ беришдан тортинарди. "Эсли-хушли одам бўлса, нима ҳам дердим, менсиз ҳам ўзини ўнглаб кетади", деб ўйларди.

Ёзги имтиҳонлар бошланди. Китобни тузукроқ олиб қарамаган бўлса ҳам Кимёнинг кўнгли тўқ. Кутганича бор экан, унга тузукроқ баҳо қўйдириш учун Эргаш уёқдан-буёққа югуравериш эти устихонига ёпишди. Ниҳоят, баҳо қўйиш гали ўзига келганда алланечук бир ҳисдан энтикди, боши гувиллади. Димикқан аудиторияда Кимё билан суҳбатлашиб ўтирди. Кимёнинг хотиржамлиги уни зериктирди, кўзларига тикилиб, шивирлади:

- Хўш, ўқидингизми ўзи? Неча қўяй?
- Ўқидим! - Кимё қалин киприкларини пирпиратди.
- Ихтиёрингиз...
- Йў-ў-ўқ!

Эргаш овозини чўзиб, столни чертди. Ўзича баҳо кўйишга журъати етмаганга ўхшарди. Кимёнинг хоҳиши қонун, шуни адо этсагина кўксидаги тушунуксиз ташналик қонади. Дардини англагандай, Кимё жилмайди. Тортинишни ҳам унутиб, беш панжасини столга авайлаб кўйди.

Бу арзон баҳолар қай бирига муҳимлиги жумбоқ эди. Иккаласи ҳам ҳузур қилди, иккаласи ҳам хижолат чекди. Лекин диплом сандикқа тушгач, Кимё хижолатпазликдан қутулди. Армони ушалди. Эргашнинг кўмагида абадиёт кафедрасига лаборанткаликка ўтиб олгандан кейин бутунлай тинчиди. Йўқ, қошки шу билан тинчисайди? Эргаш кун сайин ўзидан бегоналашаётганлигини илғайди. Бир куни хонада иккаласи қолганда Кимё ҳасрат қилди: "Мени назарга илмай кўйдингиз. Нима гуноҳ қилдим?" Эргаш мана шу саволга муносиб жавоб топиш учун бор-йўғини қурбон қилишга ҳозир эди. Ниманидир хаспўшламокчи бўлгандек, одатига зид равишда бидирлай кетди. Узок гапирди, аллақандай фикрни исботлашга уринди. Фақат отамнинг бетига оёқ босолмайман, деган гапигина Кимёнинг ёдида қолди. Кимё қачондир юрагига тушган чўғни алангалатадиган гапга мушток эди. Кўпдан мушток эди. Муздай совуқ чигал мулоҳазалар аччилигини келтирди.

– Отангизнинг фикри... нимага керак?

– Ҳарҳолда... тузук бўлмайдимми?

– Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида...

Эргаш афтини буриштирганини кўрган Кимё ўшанда йиглаб юборишдан ўзини зўрға тийди. Ҳозир негадир суҳбатни эсларкан, яраси янгиланди. Устига устак, Эргаш яна мингирлаб, отасини тикиштираётгани энсасини қотирди. "Оталари шунақа деганмиш! Тавба! Бу йигитнинг даҳани ҳам ўзиники эмас-ов?!"

– Айтгандай, отангизни бошқа шаҳарга ишга юбори-шибдимми?

– Э-э! - Эргаш кўл силтади. - Шу баҳонада бўшатишган.

Эргашнинг қазабида ҳам паришонлик бормиди ёки ўзи-ўзидан коникмаслик ҳисси ҳукмронмиди - Кимё тушунолмади. Йўлнинг давомини олис хотираларга чўмганча жимгина босиб ўтишди. Совуқда иккаласининг ҳам лаблари, яноқлари кўкарганди. Эргаш эшикни очиб, Кимёга йўл берди. Мармар плиталар ётқизилган кенг йўлакдан ўтиб, иккинчи каватга кўтарилдилар.

Ургут оҳанглари

Адабиёт кафедраси - зал тўридаги чоғроқ хона. Кўк эшикли, девори ҳаворанг, бежирим бу хона эртадан-кечгача келди-кеттидан бўшамайди. Ҳозир котиба - Мамлакатдан бўлак кимса кўринмасди.

– Эргаш ака, - деди Мамлакат саломлашгач, - бугун сизни Тошмамат Қувватбекович сўрадилар.

– Э-э, Тошкентдан қайтибдиларми?

– Шамоллаб келибдилар... Чамаси, келаси ҳафта кенгашда ишингиз кўриларкан...

– Ростдан-а?! Ўзлари айтдиларми?

– Ишонмасангиз, телефон қилиб била қолинг.

– Тўғри айтасиз, - деди Эргаш ва телефонга қўл чўзди.

– Шошманг. Безовта қилмаганингиз маъкул. Ётгандирлар.

– Э-э... Беморни безовта қилиш одобданмас.

Эргаш телефондан узоқлашган чокда эшик шарақлаб очилиб, Муллаев кирди. Паст бўйли, киррабурун, сийрак сочли бу киши мулоҳазакорликда унча-мунча одамга этак тутқазмасди. Ёлдираб тез гапиргани ва доим ўпкасини қўлтиклаб юрганлиги учун студентлар унга "ҳовлиқма" лақабини ёпиштиришган. Муллаев кизлар билан бош ирғиб саломлашди. Эргашнинг қўлини анчагина қўйиб юбормай, юзма-юз туриб қолди.

– Ишингизни бошидан-охиригача ҳижжалаб чиқдим, биродар! - Муллаев юмшоқ креслога чўкаркан пишиллаб нафас олди. - Сиз мени кечиринг-у, ғоянгиз нималигини фаҳмламадим.

– Нахотки? - Эргаш томоғини қирди... - "Ўтган кунлар" романида характер яратиш маҳорати...

– Баракалла! - Муллаев қизишиб, кафтларини бир-бирига ишқалаганча сапчиб турди, аммо дарҳол яна ўтирди. - Бу - мавзу... Сиз, назаримда, мавзу ичига киролмай, атрофида айлангансиз. Хафа бўлаяпсизми? Майли, менга бари бир!.. Хўш, кейин баъзи фикрларни ундан-мундан юлиб елимлагансиз.

– Бу нима деганингиз?

– Курок...

– Тушунмадим?

– Ҳмм! - Муллаев чакчайди. - Сизнингча, Отабек идеал образ эмас. Ўтмиш кишисига қанақа даъво қилмоқчисиз?

Эргашнинг кенг пешонасида тер йилтиради. Думалок юзидан кон қочди, қалин лаблари куруқшаб, бир-бирига чиппа ёпишди.

Эҳтимол, ҳозир ёнида Кимё бўлмаганда юрагини жизиллатган бояги сўзлар иззат-нафсини унчалик огритмасди.

Эргаш пойгакрокдаги стулда ич-этини еб ўтирган Кимё билан кўз уриштиргач, бафуржа Муллаевга яқинлашди. Кимё унинг бакиришини, каттик баҳслашишини ёки бисотидаги илмокли сўзлар билан Муллаевнинг фикрларини бўлиб ташлашини кутарди. Лекин Эргаш шошилмади, ҳовликмади.

— Сизга нима десам? - деди босиклик билан ва какраган лабларини ялади. - Биласизми, Тошмамат Қувватбекович бошқача фикрдалар.

— Қўйинг-е, - деб тўнғиллади тутакиб кетган Муллаев. У шунча гапни гўё деворга пайсаган-у, буни кеч билиб қолгандек эди. Афсус билан бош чайқаб, ташқарига чиқди. Мамлакат илгакдаги кизил жерси пальтосини елкасига ташлаб, унга эргашди. Боядан бери ўзича тутаб, бўғилиб ўтирган Кимё қалам сурилган ингичка қошларини чимирди.

— Отангиз хоҳишидан қайтса, нима қилардингиз?

Бу савол унга олдиндан маълумдек, лоқайдлик билан елка қисди. Кимё чимирилди. Яна ташқарига назар ташлади. Бебош шамол дераза ойналарини зириллатарди.

— Бояги ҳовликма диссертациясини қанақа ёклаганига хайронман, -деб у деразага тирсакларини тираб, ташқарига кўз югуртирди. - Бир қариндошининг қўли бор дейишади. Энди тили етти қарич, ҳеч кимга гап бермайди. Адабиёт бир чаман, ундан ҳар ким дилига яраша гул дасталайди.

— Профессор Шукуров фикри.

— Нима бўпти? Яхши гапнинг оҳори тўкилмайди.

— Тўғри. Лекин...

Аччиқ бир нарсa Кимёнинг суяк-суягини зиркиратди. Кимё тутилди, ғашланди. Аллақандай ўкинч борлигини ёндирди-ю, ўзини Эргашнинг ўрнига қўйиб кўрди. Балки шунақаси ҳам маъкулдир. Сих ҳам, кабоб ҳам қуймайди. Аммо буни ўйлаши билан беихтиёр сесканди, нафрати кирғоғидан тошди. Эргаш унинг миясини ғовлатган гапларни сезаётгандай, хижолат ичида жимгина ўтирарди. Узок сукутдан кейин: «Эртага Тошмамат акамга учрашиб, ҳаммасини бир ёкли қиламан!» - дея гўлдиради.

Шу фикрни кўнглига каттик тугган ҳолда Кимё билан хайрлашди. Бахтга қарши, Тошкентдан келишда тумовланган

Ургут оҳанглари

устози эртаси куни ҳам ишга чиқмади. Тушгача муштоқ бўлиб йўл пойлади. Охири, умидини узиб, уйига жўнади.

Тошмамат Қувватбековнинг хотини – узун бўйли, тўладан келган, очик чехрали аёл, Эргашни гулдор пат гилам солинган шинам хонага бошлаб кирди. Иссиқ халат кийган домла хона ўртасидаги юмшоқ креслога ўзини чалқанча ташлаб, оёқларини узатиб ўтирар, олдидаги столда китоблар, журналлар тахлаб қўйилганди. Домланикига гоҳ у, гоҳ бу ташвиш билан мудом катнасада, салобат босиб, остонада каловланди. Эшитилар-эшитилмас салом берди. Домла инқиллаб оғир гавдасини кимирлатиб қўйди.

– Ҳимм, кел! - деди димоғида, Эргаш ийманиброқ курсига ўтиргач, сўради: - Хўш, тинчликми?

– Шу... Отам юбордилар. Ишимни суриштирганлари суриштирган.

– Ҳимм! Отам дегин? Бу, нима, отанг оғзидаги ошини олдириб қўйибдими?

– Билмадим.

– Яхши бўлмабди.

– Бошқалар айтса-айтмаса шундай. Тиргак эди-да! Нима дединг!

– Тўғри, домла.

– Хўш, келаси ҳафта ишингни муҳокамага қуйсакмикин?

– Ихтиёрингиз.

– Ҳимм! - домла иягини кафтига тираб, ўйга толди. - Ё сал кейинроққа сурсакми-а? Тузукроқ тайёрланардинг, сал-пал уёқ-буёгингни йиғиштиардинг.

– Сиз нима десангиз шу-да, домла!

Асл муддаоиси ичида чўкиб қолаверди. Домланинг маслаҳатидан қоникқан, мамнун эди. Ташқарига чиққанидан кейингина қовоқ-тумшуғи осилди. Вужудига нимадир игнадек қадалиб азоб берди. Оғриқ эрталаб ҳам баданини тарк этмади. Оёғига тош боғлагандай, зўрға судралиб университетга келди. Ўчакишган каби эшикда Муллаев билан тўкнашди. Бирдан феъли айниди, каловланди. Хайриятки, Муллаев уни кўрмагандек, индамай ўтиб кетди.

Эргаш тўлиб турар, кимга ёрилишини билмасди. Ҳасратини факат Кимёгина эшитиши мумкин. У эса ҳали келмабди.

Негадир Муллаевни эслаб, юраги зиркиради. Назарида, у Азроилнинг ўзгинаси, бировга истаган ёмонлигини қилишга қурби етади. Эргашнинг тоқати қолмади. Бунақада ўз этини ўзи ейди. Кимё эса хануз дараксиз. У билан гаплашса сал кўнгли ёзилармиди. Икир-чикирларга кўмилиб, кунни ерга совурди. Кимёни эсламай қўйди. Ниҳоят, Мамлакат унинг касал ётганини айтди.

Эргаш қутилмаган хабарни совуққина эшитди. Сўнг кути учди, елкаси тиришди. Яхшими-ёмонми ўртадаги хотиралар доводиратди. Биринчи қаватга гандираклаб тушгунча ҳаёлан турли кўчаларга кириб чиқди. Кимларгадир тўкнашиб, кимлардандир сўкиш эшитиб, кўчага отилди. Бекатга чоғиб борди. Автобус зинасига оёқ қўйганда иккиланди: "Нима деб бораман? Ота-онаси ёқтирадимми, йўқми? Битта-яримта билан қўшилиб борсам бошқа...".

Кимёнинг заъфарон чехраси шундоққина кўз ўнгида эди. Назарида, у эшикка термулиб, кимгадир интиқ ётибди. Чакки бўлди, бормаи юргани Кимёга каттик ботади. Бир иложини қилиб, холини сўраб келмаса, эрта юзига қандай қарайди. Ота-онаси ҳам тушунар, бирга ишлашади. Илгари ўқитган...

Охири, яна жўнади. Икки ёни пишиқ ғишт билан кўтарилган баланд дарвозагача борди. Қоғоз халтани қўлтиклаб остонада пича турди. Қўнғирок тугмачасига тикилиб, иккиланди. Бирор киши чиқиб қолишини кутди. Йўқ, ҳеч ким кўринмади. Бу айни муддао бўлгандай, аста изига қайтди.

Ўша қайтиш билан ўз ёғига коврилиб юраверди. Атайлаб қилгандай, уни биров бу ёққа тур демасди. Пишиб қолган диссертациясини ҳам эслашмайди. Устози ҳам кўринмай кетди. Илгари Эргаш деса оғзидан бол томарди. Энди бўлса... У кунни қанақа пичинг отди? Отанг тиргак эди, дедими? Гап шундами ёки бошқа сабаб борми? Устози яширди-ю, афтидан, домлалар жиддий савалашган. Эргаш беҳабар эди. Мамлакат шипшиди.

Сабр косаси тўлди, эзилди, афт-ангоридан файз кетди. Муҳокамага тавсия шунақа мушкул, ҳимоя қандай бўларкин, деган фикр сўнгги вақтларда ҳаёлига чарх уравериб, телбага айланаёзди. Энди нима қилади? Ёки устознинг... Юзидан каттиқроқ олсинми? Ахир, шунча чидагани етар! Бошқалардан қаери кам?

Ҳа. Шундай қилади. Устознинг юзига солади. Йўқ, Ўша одам ийса бас...

Ургут оҳанглари

Эргаш фикрларини тиндиргунча ҳафта охирлади. Ниҳоят, шанба кунни тушдан сўнг Тошмамат Қувватбеков ҳузурига юрак ютиб кирди. Чамаси, ҳали устози тузалмаган, жунжикиб, мушукдай жавдираб ўтирарди. Эргашнинг қонсиз афтига қарадию, ковоғи солинди.. Ундан «ҳа» деганда садо чиқавермаслигини билгани учун ўзи гап очди.

– Яна пича чида.

– Хўп, домла. Лекин унақа-мунақа гаплар...

– Э-э, олақарға қағ этади, ўз вақтини чоғ этади.

– Ҳа-а...

– Кейин, вақтинг борида охирги бобларини қайта ишласанг... Сал қурукроқ чоғи... Ҳам бошқаларникига ўхшаб қолган.

– Рост...

Бу сўзлар оғзидан чиққанда Эргаш ҳалимнинг ўзгинаси эди. Миясига эса бошқа фикр лоп этиб урилди: "Илгари қурук эмасди. Бошқаларникига ҳам ўхшамасди!" У иржайди, талмовсиради, секин изига бурилди. Катта-катта қадам ташлаб, ҳеч кимга парво қилмай, гавжум залдан ўтди. Энди англади. Муллаевнинг тарафдорлари домлага ҳукмини ўтказишибди. Ишонгиси келмайди. Отасининг дўриллаган овози телефонлаб тинчлигини бузиб турганда-ку, Тошмамат Қувватбеков бунақа осон тоб ташламасди. Наҳотки, қайтадан бошлайди.

Хаёл суриб, зинадан тушаркан, Кимёга дуч келди. У палтосига ўралиб, дераза олдида орқа ўгириб турарди. Югуриб ёнига бориб дардлашмоқчи, соғлиғини сўрамоқчи бўлди-ю, негадир, бирдан ҳафсаласи совиб, фикридан Қайтди.

Эргаш янглишди: Кимё зина бошидаёқ уни кўрган, юраги ҳапкириб, ўзини сал босиб олиш учун четга чиққан эди. Мени кўради, ўзи ёнимга келади, деган фикрга шунчалик қаттиқ умид боғлаган эдики, у бир неча қадам наридан мум тишлаб ўтганини кўргач, ток ургандек бўшашди. Эргашнинг қадам товушлари тингунча кечирган дақиқалар оғирлиги каддини букаёзди. Гўё қалбида кўмилиб ётган ўтли дардлар портлади. Сўнгра, канча тиришмасин ўзини босолмади. Тинимсиз очилиб-ёпилаётган эшик сари отилди.

Эргаш анча олислабди. Ойнадек силлиқ йўлакдан шошилмай борарди.

Кимё югурди. Қулоклари остида совуқ шамол увиллаб, тивит рўмол учини, пешонасида тўзгиган калта сочларини юлқитарди. Эргаш шахд билан олдига ўтиб тўхтаган, нафаси тикилиб хансираётган Кимёни кўриб, ўзини йўқотаёзди.

– Сездемади деб ўйладингизми? – Кимё унга каттиқ тикилди.

Эргаш нигоҳини яширди. Юрагини зардобдай ачитаётган пушаймонни сездириб қўйишдан чўчигандек оғиз очмади. Ҳануз ўзидан кўз узмай энтикаётган Кимёнинг билагидан оҳиста ушлаб илгари бошлади.

– Тузалиб кетдингизми?

Кимё индамади. Гапириш, айниқса бу саволга жавоб бериш жуда-жуда малолдай туюлди. Боғ этагидаги кичикрок қаҳвахонага киришди. Совуқлиги учунми ёки овқатланиш пайти эмасми, одам сийрак, ходима бурчакдаги столда жунжикиб ўтирибди.

Тўрдан жой олишди. Қалин ойнадан кенг хиёбон, онда-сонда нари-берига шошилаётган кишилар кўзга ташланади. Гоҳида изғирин кучайиб, дарахтларнинг эгри-бугри йўгон шохларида нажотсиз увиллайди, урина-сурина боғ тўрида ҳолдан тояди.

– Кимё, – деб оғир жимликни Эргаш бузди. – Сизни қийнавордим. Бунақа юришимиздан нима наъф?

Ойнаванд эшикдан ёнғокдай шараклаган бир тўда йигит-киз бостириб кирди. Зал ола-ғовурга тўлди. Кимё ҳолсизланди, чув тушган одамдай, бўзарди, оғзидаги оғзида, қўлидагиси қўлида қолди. Хаёли қоронғилашди-ю, ҳамма нарса шовуллаган аллақандай ўпқон қонига тортиди.

– Балки, мен сизни қийнаб қўйгандирман?

– Билмадим! – деди Эргаш. – Сизми, бошқами, билмадим!

– Билмаганингиз ҳам тузук...

– Лекин, армон қиламан...

– Нимани?

– Ота-онамнинг қўнглини билишни.

– Армонингиз катта.

– Топганлари амакимнинг қизи.

– Нима бўпти?

– Раъйларини синдирилмайман. Иложим қанча, Кимё?

Унинг товуши жуда олисдан, якка қоя акс садосидай, жонсиз эшитилди. Ё Кимёнинг кулоклари битдимми? Буни билолмади, ютинди. Санчкини столга аста қўйди. Панжалари титрар эди. Яна хаёлини зим-зиё тун ўради, борлиқ халиги ўпқон қаърида йўқолди. Қаршисида фақат барваста гавдагина хиёл чайқалар, хира парда ортида йироклашиб борарди.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ



1947 йили Мингбулоқ қишлоғида туғилди. ТошДУнинг журналистика факультетида ўқиган. 1965 йилдан "Ўзбекистон маданияти" газетасида меҳнат фаолиятини бошлади. 1981 йилдан 1991 йилгача "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида масъул котиб, 1991 - 1993 йилларда Президент девонида масъул вазифаларда фаолият кўрсатди. Айни вақтда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг Бош директори лавозимида ишламоқда.

Маматқул Ҳазратқуловнинг "Оққуш" (1981), "Чўли ироқ" (1983), "Ҳаётнинг бир парчаси" (1983), "Интизор" (1985), "Қуёш мен томонда" (1986), "Кўзичоқнинг кўз ёшлари" (1987), "Журъат" (1988), "Эшиклар очик" (1995) каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари нашр этилган. "Шарқ юлдузи", "Ёшлик", "Звезда Востока" журналларида бир неча ҳикоя ва қиссалари босилган. "Меҳр кўп кўргаздим" (1985), "Меҳмон" (1986), "Қадрим" (1992), "Афандининг янги саргузаштлари" (1993) номли пьесалари республикамизнинг марказий ва вилоят театрларида сахналаштирилган. Бир қанча новелла ва ҳикоялари, телефьесалари телевидение орқали намойиш қилинган. М.Ҳазратқуловга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси.

ДОВОН

(Ҳикоя)

Мурод энди ўн тўққизга кирди. Бироқ шу муддат давомида ўзи билиб-билмай бир неча марта оғир довлардан ўтишига тўғри келган.

Бу ҳақда жўраларига ҳикоя қилиб берса, улар "Ҳа, энди тоғ қишлоғида туғилган одамга довлардан ўтиш нима бўпти", деб ҳазиллашадилар.

У иккинчи курсни битираяпти. Бугун охирги имтиҳон. Шунинг топшириб, эртага онаси билан қишлоққа кетмоқчи.

Охирги имтиҳон... Афсуски, шу имтиҳондан ўтолмади. Топширолмади. Йўқ, топширолмади эмас...

У аудиторияга кирганда кирк ёшлардаги кўркам, бўлик жингалак сочлари чиройли таралган домла очик дераза олдида тик турганча сигарет чекар эди. Икки талаба жавоб бериш учун тайёрланиб ўтрибди. Домла унга ўгирилиб қаради-да, бамайлихотир деди:

- Марҳамат, билет олинг.

Мурод билет олди.

- Нечанчи билет экан?

- Еттинчи...

- Яхши, - деди домла, - ўтириб тайёрланинг. Ўзим чақираман.

Мурод столга келиб ўтирар экан, негадир саволларни ўқиш ўрнига етти рақами ҳақида ўйлаб кетди. Илгари ҳам бирда шундай воқеа юз берганди. Нима бўлиб ўзининг ҳаётида етти рақами билан алоқадор воқеаларни ўйлаган эди. Бундай ўйлаб қараса ҳаётида етти рақами билан боғлиқ кўп воқеалар бор экан. Аввало ўзининг туғилган йили - 1957, оилада еттинчи фарзанд, етти ёшида мактабга борди. Еттинчи ойнинг еттинчи кунида институтга хужжат топширди. Ёши ролпа-роса ўн еттига тўлган куни - йигирма еттинчи августда мандатдан ўтиб, институтга қабул қилинди...

Талаба бўлгач, ижарада туриш учун жой кидирди. Жуда кўп эшикларга кириб чиқди, лекин рад жавобини олаверди. Охири бир кампирнинг кичкинагина уйчасидан қароргоҳ топди. Тасодифни қаранг: бу уй еттинчи боши берк йўлакдаги еттинчи уй экан...

Мурод шуларни ўйлаб, кўнгли бироз равшан тортди. "Насиб этса, бу имтиҳон ҳам беш бўлади". У саволларни ўқиди: "Биринчи саволнинг жавоби тайёр". Иккинчисини ўқиди: "Бунга ҳам жавоб беришим мумкин. Лоақал учга..." Учинчи саволга кўз югуртирди: "Хайрият... Осон савол экан... Иккитасига яхши жавоб берсам, ҳеч курса тўрт кўяди..."

У енгил нафас олиб домлага қаради. Олдин кирганларнинг бирини имтиҳон қилар эди. Мурод тезроқ топшириб, онасининг олдига югуришни ҳаёл қилди. "Энам бечора ҳам бу иссиқда кийналиб қолди. Кенг дала-даштга ўрганган одам шаҳарнинг каталакдек ҳовлиси-ю, димикқан ҳавосида юраги қисилиб кетгандир. Кетаверинг, десам кўнмасалар..."

- Қани, тайёرمىсиз?

Домланинг товуши Муроднинг ҳаёлини бузди. У индамай ўрнидан туриб, домланинг қаршисидаги стулга келиб ўтирди.

Ургут оҳанглари

- Билетингизни беринг-чи, - деди домла Муродга синовчан назар солиб. У билетни узатди. Домла саволларга кўз югуртирар экан, яна Муродга юзланди. - Қаерликсиз, ука?

- Ургутлик, - деди Мурод.

Домланинг очик чехраси янада ёришиб кетди. Гавдасини стул суянчигига ташлади.

- Ургутдан денг... Хўп ажойиб жой дейишади-а. Армияда бир ургутлик йигит билан дўст эдик. Жуда ажойиб, кўнгли очик, дилкаш, саховатли бола эди. Кўп таклиф килди Ургутга, лекин боришга ҳеч вақт топилмади. Ўзбекистоннинг Швейцарияси деб эшитганман. Шу гап ростми?

- Мен Швейцарияга бормаганман, домла. Лекин Ургут чиройли жой. Жавоб берайми?

- Шошилманг, ука. Жавоб берасиз. Мен сизнинг билимингизга шубҳа қилмайман. Ургутликлар жуда билимли, мард бўлишади. Армиядаги ўртоғимдан бошқа ҳам ургутлик танишларим кўп. Ургутда пахта йўғ-а?

- Йўк. Пахта экмайди.

- Қандай яхши-а. Боғдорчиликми?

- Боғдорчилик ҳам бор. Бироқ асосан тамаки экади.

- Тамакининг зарари йўкми?

- Ким билади, дейсиз. Етти ёшдан етмиш ёшгача ишлайди-ку. Бошқа нимаям қилишсин. Тирикчилик-да.

- Ҳа, тўғри айтасиз, - деди домла тагдор қилиб. - Тирикчилик курсин. Рўзгор дегани чиндан ҳам гор экан. Ҳали оила курсангиз биласиз. Ё уйланганмисиз?

- Йўғ-э, - деди Мурод уялиб.

- Тамакининг даромади кўп бўлади деб эшитганман, - домла Муродга яна ҳам синчиклаб термулди.

- Ёмон эмас ҳар ҳолда. Мехнати ҳам осон эмас-да.

- Машина олмаган хонадон йўк дейишади. Ростми шу?

- Жуда унчалик эмас.

Мурод домланинг узундан-узоқ бу савол-жавобидан мақсади нима эканлигини тушунолмай ҳайрон эди.

- Сизлар ҳам тамаки экасизларми?

- Ҳа, тамаки экмайдиган хонадон йўк деярли.

- Яхши, - деди домла салмоқлаб. - Хўш энди гап бундай, ука. Эртага кеннойингизнинг гапи экан. Биласиз, менинг ишим бошимдан ошиб ётибди. Бозор-ўчар қилишга ҳам вақт йўк. Сизлардан кейин бошқа курсларда имтиҳон - зачётларим бор. Шунинг учун сиздан

илтимос, Ҳозир эски шаҳарга тушингда, икки кило кўй, икки кило мол гўшти олинг. Факат шошилманг, кўриб, яхшисидан олинг. Бўлмаса бозордагилар сизни ёш бола биллиб эчки гўштини, суюқлисинини шартта қоғозга ўраб бериб юбориши мумкин. Жуда пихини ёриб, тулки бўлиб кетишган. Кейин бизникига элиб ташланг.

Мурод бу гаплардан довдираб колди. Нима дейишини билмас эди. Бутун куч-қувватини йиғиб базўр:

- Имтиҳон-чи?... - деди.

- Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Эртага тўртинчи курслардан имтиҳон оламан, келсангиз хоҳлаган баҳонгизни кўйиб бераман. Факат гўштининг тузукроғидан олинг, хўпми. Келишдикми? Хўп, хайр, эртагача.

Мурод ичи тўла гап, аммо тилига чиқаролмай, ношлож ўрнидан турди. У эшик томон юраркан, оёқлари кўргошиндай оғир эди. Сизганмисиз, оёқ увишиб колганда зилдай бўлиб, эгасига бўйсунмайди. Ҳозир Муроднинг оёқлари ҳам худди шундай зил-замбил, базўр кўтариб босарди.

У йўлакка чикканда курсдошлари ўраб олишди:

- Неччи олдинг?

- Қийнамадимми?

- Қани зачёткангни кўрсат...

Мурод индамай уларнинг орасини ёриб ўтди. Унинг бу ҳолатидан тенгқурлари хайрон. Мурод улардан ўн қадамлар чамаси узоклашганда кулогига "Йиқилган" деган товуш эшитилди. Бу гап унга жуда алам қилди. "Йиқилдимми? Мен имтиҳон топширолмадимми? Бу гапни қайси бир одамга тушунтириб чиқиш мумкин? Умуман, шунини бировга айтиш шартми? Энамга нима дейман? Эртага кетмоқчи эди-ку. Қандай кетаман энди?.."

У кичкина эшикдан ичкарига кадам кўйиши билан онасини кўрди. Олкиндидай ховли ўртасидаги қирғийнинг тумшуғидек эгилиб турган водопровод олдида чўнкайиб ўтирганча кир ювмоқда.

- Келдингми, болам. Вақтли келганинг яхши бўлди. У-бу нарсаларингни шошилмай йиғиштириб кўясан, - деди онаси.

Мурод индамай ичкарига кириб кетди. Кийим-бошини ҳам ечмай каравотга чўзилди. У юзини ёстикка босиб ётар, ўйларди: "Энамга нима дейман? Домланинг айтганини қилай десам пул йўқ. Унинг устига шунақа йўл билан баҳо оламанми? Шунча йўлдан шу мақсадда келиб юрибманми? Домла бошқаларга ҳам бирон нима буюрдимикин

Ургут оҳанглари

ёки ёлғиз менга айтдимми? Бояги савол-жавоблари бекорга эмаскан-да. Нима, мени бойвачча, деб ўйладими? Хўш, шундай бўлганда-чи?

Бари бир бу ишни қилмайман. Шунга зор болаларга айтмайдим. Нима қилиб бўлса-да, уч олиш пайида юрганлар бор-ку. Нега ўшаларга буюрмайди? Балки уларга ҳам айтгандир. Ахир тўрт кило гўшт билан зиёфат ўтказиб бўлмайди-ку. Яна қанча нарса керак. Бу қандай шармандалик?.

Ҳатто институтга кираётганимда ҳам бировнинг ёрдамига муҳтож бўлмаганман. Ҳолбуки, курсдошларимизнинг қанчаси тоғаю амакисининг ёки аллакимларнинг ёрдами билан ўқишга кирган. Нега энди шу ишни қилишим керак? Шундай қилмасам баҳо қўйиб бермайдимми? Нима учун қўймас экан? Кафедра мудирига айтаман. У ҳам кулоқ солмаса деканга бораман. Майли, комиссия тузишсин. Майли, беш бўлмаса тўрт, уч оларман. Майли, икки олай, институтдан кетай... Аммо бу ишни қилмайман. Бундай йўл билан ўқий олмайман".

- Муроджон, - деди уйга кирган Майрам хола. Мурод ўзини ухлаганга солди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ она бечора ўзига-ўзи гапирарди: "Чарчапти болам пақир. Ўқийман деб, рангида ранг қолмади. Ўқишим бор бўлсин..." Майрам хола ўзининг енгил чорсисини ўғлининг устига ёпиб қўйди: "Пашша чакмасин".

Мурод уйкуга тутинди. Шу билан бироз бўлса-да, бу гаплардан фориг бўлишни ният қилди. Лекин хаёл тинчлик бермади. Бунинг устига торгина хона офтобда кетаётган юк машина кабинасидек димиқиб кетган, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилар, ухлайн деган сайин уйкуси қочар эди. Охири бўлмади. Ўрнидан туриб, оёғини каравотга осилтириб ўтирди. Майрам хола кечагина ювган кўрпачасини қавиб ўтирарди.

- Турдингми, болам. Чой дамлаб келайми? Ҳаммасидан қутулдингми? Эртага қай маҳалда чиқамиз йўлга?

Мурод индамади. Онасининг саволларига жавоб беришдан ожиз эди. Унинг бу қадар камгап, вазмин бўлиб қолгани Майрам хола кўнглига шубҳа солди. "Доим қувноқ, шўх-шодон эди. Инчунин имтиҳон топшириб келган кунлари оғзи тинмас, бир гапириб ўн куларди. Бугун нима бўлди бунга?" Майрам холанинг хаёлидан шу фикрлар кечди.

- Сенга нима бўлди, болам? Бахайрликми?

- Ҳеч нарса, - деди Мурод, - чарчадим.

- Бир-икки пиёла иссиқ чой ичгин, чарчоғинг таркалади.

Майрам хола чой дамлагани чикиб кетди. Мурод ҳамон шу алфозда хаёл суриб ўтирар эди. Чой кўтариб кирган она ўгли нимадандир хафа эканига энди шубҳа қилмади. "Бўлмаса бунчалик бўшашиб қолмас эди. Мендан яширяпти..." Ўғлига чой куйиб узатди-да, унинг юзига термулди. "Кўзлари киртайиб қопти. Ранглари бир ҳол. Тузукрок овқат емаганидан лаблари гезариб кетибди". Муродга жуда раҳми келди. "Шунча кийналиб ўқиш зарилмикан? Менам, отасиям ўқимаганмиз. Шукур, ёмон яшамаяпмиз-ку. Хўп замонлар бўлди-да. Ўқимагани биров назарига илмайди. Кошки ҳамма ўқиганлар ҳам яхши одам бўлса".

Майрам холанинг хаёлига лоп этиб кишлоғидаги Эргаш бобонинг ўгли келди. Ўша бола олти-етти йил Тошкентда юриб, кишлоғига қайтиб борди. Институтни битирган-битирмаганини ҳеч ким билмайди. Қариндошлари сир тутади. Шунга ҳам икки йилдан ошди. Бир ишнинг бошини тутгани йўқ. Қачон карасанг маст-аласт. Одамлар безор бўлиб қолган. Узоқдан кўриши билан ҳамма ўзини четга олади. У кирган давра бўри оралаган қўйлардай тўрт томонга қараб тарқаб кетади. Жуда бўлмаса кўлмак сувидай совийди.

Майрам хола шуларни ўйлар экан, ўглидан кўз узмайди. "Унга ит ўхшасин-а. Муродим эсли-хушли. Насиб этса, ўқишни битирса уйлантириб кўяман".

- Менга қара, Муроджон, нима гап ўзи? Мендан ниманидир яшираяпсан-а.

- Ҳеч нарса бўлгани йўқ, энажон. Сиздан нимани яшираман, ахир.

- Йўқ, болам, - деди кампир хавотир олиб, - мени алдайман дема, кўзинг айтиб турибди. Айт, нима бўлди ўзи? Энагдан сир тутадиган дардинг борми, болам?

Мурод онасининг ёнига ўтирди-да, унинг кўксига бошини қўйди.

- Сиздан яширадиган сирим йўқ, энажон. Лекин сизни ҳам кийнашни нима кераги бор. Мени деб шунча азоб чекканингиз етмайдими?..

- Ундай гапларни қўй, болам. - деди кампир ўғлининг сочларини силар экан. - Айт, гапир нима гап? Биров хафа қилдими?

Мурод бошини ҳам қилиб, астагина гапирди:

- Имтиҳондан ўтолмадим...

- Вой, шўрим, - деб юборди Майрам хола. - Энди нима қиласан? Ўқишдан ҳайдайдими?

- Йўқ, - деди Мурод онасининг юзига қарай олмай. - Қайтадан топшираман.

Ургут оҳанглари

- Бўладими ишқилиб? Қачон борасан энди?

Мурод онасининг ажин босган меҳрибон юзларига термулди.

- Энажон, - деди охир юрагини очиб, - мен имтиҳон топширолмадим эмас... Йиқилганим йўқ. Агар билмасам... Жавоб беролмасам алам қилмас эди. Домла сўрамади...

- Сўрамади? Нимага? Домлангни хафа қилувдингми?

Мурод бўлган гапни онасига айтиб берди.

- Мана шу менга алам қилапти.

- Ҳа нафсингга ўт тушсин-а, - деди кампир. Бироздан сўнг деди: - Ке, кўй, болам, шунгаям куйинасанми, эрталаб бозорга тушгин-да айтганини олиб бер, гўрга. Яна ўчакишиб юрмасин.

Бош кўзингдан садқаисар шу. Пенсиямни олиб келганман, йўл қирамизга етса бас... Мен кирларингни қолганини ювиб кўяй.

Майрам хола ҳовлига чиқди. Мурод яна каравотга ташлаб, ўйга толди. "Бу нима деган гап? Нималар бўлаяпти ўзи? Энамнинг пенсия пулини порага бериб баҳо оламанми? Шуми менинг фарзандлик бурчим? Уят эмасми? Бугун гўшт олиб борсам, эртага эҳтимол каттароқ нарса сўрар. Унда нима қиламан? Яна энамдан пенсиясини оламанми? Энам бечора мени шу умид билан катта қилганми? Мен учун тортган азоблари етмайдими? Опамлар, акамлар неча марта гапириб беришган-ку? Шундаям энам бечора индамай ўтирадилар. Қайтанга опамларни ҳам гапиргани кўймайди: "Қараган бўлсам, ўзимнинг боламга қараганман-да. Нима, шуни ҳа деб айтавериш керакми? Бас қилинглар. Ҳаммаси ўтиб кетди энди. Муродим катта бўлиб уйланса, бола-чақа кўрса, невараларимни кўтариб юрсам - тортган азобларим чиқиб кетади".

Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ
(1947-2010)



1947 йилда Қулқишлоқ қишлоғида туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини битирган. Туман газетасида адабий ходим, Самарқанд вилоятининг "Зарафшон", Жиззах вилоятининг "Жиззах ҳақиқати" газеталарида масъул котиб, бўлим мудири бўлиб ишлаган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилояти бўлимини бошқарган. Филология фанлари номзоди, профессор. 1995 йилдан буён СамДУ ўзбек адабиёти тарихи кафедрасида фаолият юритди.

У бир неча илмий-услубий ҳамда бадиий рисолалар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси.

ҲАЁТ ҚОЗОНИ

Бу қутлуғ қозонни етмиш авлодим
Бир умр қайнатиб кетишган ташлаб.
Бир фурсат пасайтмай олов тафтини,
Биз ҳам қайнатамиз қалбларни қалаб,

Иккиси ҳам ўхшар: қозон қайнатиб,
Наслга қўямиз биз ҳам обида.
Лек бизнинг оловда ҳарорат тўлиқ,
Қозон ҳам қайноқдир шоир қалбидек.

СОНЕТ


Дорилфунун йўлларига яна тушди изларим,
Ўйинкарок ёшлигимиз зиналарда қолибди.
Теран илм денгизидан гавҳар излар кезларинг,
Сўнгги кўрмоқ аччиқ дардким, қалбга қайғу солибди.

Ургут охаиглари

Юрагимнинг супрасидан сахна ясаб бир маҳал,
Кўшигидан хушторманки шу даргоҳда кезардим.
Қалбни тирнаб куйлардинг-у, сўнгра менга бериб гал,
Чўлпон бобонг "сир"ларини айтмоғимни сўрардинг.

«Бир тутам сочларинг менинг кўлимда,
Ғижимлаб ўпайми, ё тараб сочай...»
Кўзларингда ўт чакнарди, не эрурди дилингда,
Ҳайҳот, энди бу сирларни ким тинглайди, айтгил, ҳай!

Бу кун даргоҳ сен ирмокни дарё сари сурибди,
Йўлларингда ҳамон ташна, бир саксовул турибди.



Ўткир РАҲМАТ



1948 йилда тугилган. Самарқанд Давлат Университети ва Тошкент Давлат ҳуқуқишунослик институтини тамомлаган. Ўз меҳнат фаолиятини матбуот нашрларида бошлаб, сўнг кўп йиллар нуфузли идораларда хизмат қилган. 1998 йилда “Шуҳрат” медалига ва 2005 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” унвонига сазавор бўлган. Халқаро Чўлпон мукофотининг соҳиби. Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси аъзоси.

Шоирнинг “Ирмоқ” (1998 й), “Созинч” (1991й), “Райҳон ҳиди” (1993 й), “Шукрона” (1995 й), “Ой ёғдуси” (1996 й), “Кўзим қорачиги” (1998 й), “Хаёл ифори” (2008й), “Юракдаги қуш” (2009й), “Хоксор майса” (2010й), “Дилчироқ” (сайланма китобининг биринчи жилди) каби ўндан зиёд шеърий тўпламлари нашр этилган.

Ўткир Раҳмат шеърлари самимий сатрлари, гўзал таъбиҳлари ва истиоралар акс этган мисралари билан ўқувчини мафтун этади. Айниқса, табиатнинг табиий бўёқлари сўзларга кўчиб ўтиш жараёнида нафис рангбаранглик ҳосил қилиши – шоир ижодининг ўзига хос жиҳати бўлиб яққол кўзга таъналади.

ТАСКИН

Мунтазир манзилим ҳали узокдир,
Опицлаб чарчамас сўнгсиз сўқмоқлар.
Гоҳ шаффоф булоқда дуч келар такдир,
Бошимда чараклар гоҳи чакмоқлар!

Кўксимда сигмайди ажиб бир нолон,
Ненидир зор излаб, куйдай эшилдим.
Такдирда бор экан омадли имкон,
Дил истар оқимга бориб кўшилдим.

Қалбимда сўнган ўт қайтадан ёниб,
Тафтини сезаман меҳр – куёшни,

Ургут оҳанглари

Киприклар ҳўл бўлиб ичади қониб,
Севинчга йўғрилган қайноқ кўз ёшни.

Нафаси қайтгудек титрайди тўфон,
Тузата бошлайди ўзин кам-кўстлар.
Роҳату азоблар турар ёнма-ён,
Бир ёнда қўл тутган елкадош дўстлар!

Орзулар бўй чўзиб жилмайди ахир,
Оташин муҳаббат пешвоз чикди зор.
Хайрият, қайтарди сени ҳам тақдир,
Она-Ўзбекистон – эй гўзал диёр!

* * *

Тушларимга киради – хотир,
Ўнгимда ҳам айланар хаёл.
Бунча инжиқ бўлмасанг ахир,
Кўнглим, берма бунча кўп савол.

Ахир узоқ армон манзили,
Қачонлардир, ундан ўтганман.
Азоб берар дилим яраси,
Нима қилай ҳали битмаган.

Ўтрикларнинг йўқдир адоғи,
Илинжларнинг сўнги кўринмас.
Сезилади умрим чарчоғи,
Соғинганим сўрай ҳам демас.

Соф севгини қиламан орзу,
Хаёл сурсам – сиғмайман нечун?
Айтинг, борми асли ўзи у,
Истаганим тушми, ё афсун?

Тунлар ой ҳам танҳо кезади,
Офтоб кўкда ахир ягона.
Кипригимдан ёшлар сизади,
Меҳр излаб сарсонман, она!..

ТОРИНЖАК¹

Бу кишлоқнинг одамлари зўр,
Ўта кескир, чақмоқ сўзлари.
Гап ташлашда минг бор уйлаб кўр,
Анойимас ҳатто қизлари.

Оллоёрон қаддидай гурур,
Боши узра хур юлдузлари.
Тоғ ҳавоси – маъвои масрур,
Тимсолидир кишлоқ қизларин.

Қирқ бор салом бермоқлик қарздир,
Тортиб келса тотган тузларинг.
Суймоқликка беадад арзир,
Садокатли кишлоқ қизлари.

Меҳнат билан бўйлари етган,
Офтобдан ранг олган юзлари.
Тонг сахарни улар уйғотган,
Жони қирқта кишлоқ қизларин.

Шаҳарликдай кўзин қилиб лўк,
Бозорга ҳеч солмас ўзларин.
Ибо ҳали яраланган йўк,
Омон сақлар кишлоқ қизлари.


Бу ошёнда юрак саҳнига,
Хиёнатнинг тушмас излари.
Садокатни сақлаб қалбига,
Авайлайди кишлоқ қизлари.

Бу дунёда не бўлмас ахир,
Тўкилар гоҳ кўз ёш – бўзлари.
Эзилса ҳам гулдайин бағир,
Сездирмайди кишлоқ қизлари.

¹ Кишлоқнинг номи

Ургут оҳанглари

Ич-ичида тутун ўрлайди,
Рост чикмаса йигит сўзлари...
Вафосизни ҳаёт хўрлайди,
Кечирса ҳам қишлоқ қизлари!



Абдусалом КЎЧИМОВ



1951 йилда Қулқишлоқ қишлоғида тугилган.
1972 йилда Тошкент Давлат педагогика
институтини тугатган.

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Республика
болалар газетасидан 1984-1991 йиллари
«Шарқ юлдузи»да масъул котиб, республика
болалар газетасида бош муҳаррир, 1991-2005
йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида
котиб, Вазирлар маҳкамасида бўлим мудири,

Президент девонида Ахборот маркази раҳбари, Ўзбекистон
телерадиокомпанияси раиси вазифаларида фаолият кўрсатди.
Ҳозир "Хабар" газетаси бош муҳаррири бўлиб ишляпти.

А.Кўчимов ўн бешга яқин шеърий ва насрий китоблар
муаллифидир. Унинг шеър ва ҳикоялари ўндан ортиқ тилларга
таржима қилинган. «Халқа», «Ҳаёт ҳукми» номли китоблари
Хитойда нашр этилган. У табиатни асраб-авайлаш мавзуидаги
очерклари учун Халқаро ЮНЕСКО мукофоти, ёшлар тарбияси
мавзуидаги қиссалари учун Фафур Фулом номидаги мукофот билан
тақдирланган. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист"
фахрий унвони, "Шуҳрат" медали, "Меҳнат шуҳрати" ордени
берилган. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси.

МАЙДА ГАП

Яшар эдим минг йил эҳтимол
Бўлмаганда агар майда гап.
Эговлайди жонни у баттол
Ҳар кун тинмай, майда-майдалаб.

Бўлмас эди адоват, жанжал,
Хусуматга қолмасди сабаб.
Бўлар эдик анча мукамал,
Бўлмасайди агар майда гап.

Бўғзигача ботиб гуноҳга,
Юрмас эдик қақшаб, калтираб.
Синар эди шайтоннинг шохи,
Бўлмаганда агар майда гап.

Ургут оҳанглари

Кўтармасди каллобу каззоб,
Дайдимасди ҳасад жойталаб.
Қийнамайди одамни азоб,
Ўлдирадн лекин майда гап.

Урушлардан безганмиз илло,
Уруш деса титрайди асаб.
Майда гапнинг олдида аммо
Урушлар ҳам жуда майда гап.

Осмон титрар, булутлар тўзар,
Тоғу тошни ташлар майдалаб.
Ҳатто бутун дунёни бузар,
Индамасанг агар майда гап.

Учма шайтон васвасасига,
Дилларни пок йўлларга бошла.
Эй дўст, барча майда гапларни
Энди майда-майдалаб ташла.

ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ

Юз йиллик маломат ёмғири тинди,
Қафаслар бузилди, калитлар синди.
Гулу-гулзоримга бахт куши қўнди,
Эй дилим, истиклол нурида яйра,
Туркистоним яйра,
Туроним яйра.
Не бахтки, бек бўлдинг ўзингга ўзинг,
Ўзингники бўлди ҳар бўтакўзинг,
Айтганинг айтгандир, сўзингдир сўзинг,
Эй дилим, истиклол нурида яйра,
Туркистоним яйра,
Туроним яйра.
Кўзингдан окирмай бир томчи ёшинг,
Кишанларни узди шердил юртбошинг.

Истиклол уфқида балқди куёшинг,
Эй дилим, истиклол нурида яйра,
Туркистоним яйра,
Туроним яйра.
Энди ганимларинг гамга ботурлар,
Тулкидек паналаб пусиб ётурлар.
Окланинг, Алпомиш, Авазботирлар,
Эй дилим, истиклол нурида яйра,
Туркистоним яйра,
Туроним яйра.
Садокатинг кўрсат, отамаконга,
Ота маконингни кўрсат жаҳонга.
Жаҳон кучоқ очди Ўзбекистонга.
Эй дилим, истиклол нурида яйра,
Туркистоним яйра,
Туроним яйра.

УРГУТИМ


Мовий самога туташ қояю тоғларингга,
Кўзларни қамаштирган мевазор, боғларингга,
Турнакўз булоқларинг, тошқин ирмоқларингга,
Қурбон бўлсин бу жоним-жондан азиз маконим.
Она юртим Ургутим!
Момо юртим Ургутим!
Бу курраи заминда заррадирсан эҳтимол,
Заррада куёш-сенда Ўзбекистон акси бор.
Самарқанддек сулувнинг ёноғида нукра ҳол,
Бу холга куёш хумор, ой хумор, юлдуз хумор,
Она юртим Ургутим!
Бобо юртим Ургутим!
Қизғалдоқлар кирми бу, Мирзо Бобур изими?
Бўзтўрғайлар навоси Хумулийнинг сўзими?
Шакармиди, болмиди Кулқишлоқнинг узуми?
Ота юртим Ургутим!
Она юртим Ургутим!
Кимки сенга қасд қилса, чакмоқ урсин, хор бўлсин!
Ниҳолларнинг ҳар бири азим чорчинор бўлсин!

Ургут оҳанглари

Кулдортена, Булбулсой, Бургутқоянг бор булсин!
Фарзандларинг қалбига Темур рухи ёр бўлсин!
Ота юртим Ургутим!
Бобо юртим Ургутим!

ХАЁТ ҲУКМИ

Сен пок қалбдан кулдинг,
Чидадим.
Сен пок қалбни тилдинг,
Чидадим.
Сен хиёнат қилдинг
Аҳдингга,
Човут солдинг ётдинг
Бахтига.
Сен дўстингнинг бағрин
Қилдинг қон...
Мен чидадим барига,
Нодон.
Бугун... тўқдинг
Онани ёшини...
Энди ейман,
Ейман бошингни!



Ўткир ЖЎРАЕВ



1952 йил Почвои қишлоғида тугилган. 1980 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқишунослик факультетини тамомлаган. Узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган, милиция полковниги. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул ходим бўлиб ишлади. Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаган, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ҳузуридаги

“Ижод” жамоат фондининг директори лавозимида фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

САМАРҚАНД БОҒЛАРИДА

Бугун кулади жаннат Самарқанд боғларида,
Кўнгиллар қураб суҳбат Самарқанд боғларида.
Дунё келар таъзимга даҳоларни соғиниб,
Топар ҳузур-ҳаловат Самарқанд боғларида.

Мирзо Улуғбек кезар гулу-райҳон оралаб,
Ўткир нигоҳи кўкда юлдузларни саралаб.
Ақл-шуур байроғин хилпиратиб бошида,
Топди кадр ва шухрат Самарқанд боғларида.

Атиргуллар уялур сулув қизлар кезсалар,
Шамшодлар бўйин эгар йиғитлари ўтсалар.
Булбуллари куйинга жўр бўлишиб сас олар,
Туғилар бахт-саодат Самарқанд боғларида.

Соғинганда ҳар сафар йўлга ўзим чоғлайман,
Меҳру-муҳаббатимни тақдиримдай боғлайман,
Қайда қолди шўх ёшлик? - юракдан сўроқлайман,
Топгай тан ҳам фароғат Самарқанд боғларида.

ОНАЖОНИМ, ҚАДРИНГ БИЛИНДИ

Агар бемор ётганим билсанг,
Учар эдинг мен томон, онам.
Бош ёстикқа ботганим билсанг,
Кучар эдинг иссиқ пешонам.

Йўғингни ҳеч билдирмадилар,
Оилам ҳам ёру дўстларим.
Бошим узра парвонадирлар
Билинтирмай каму-кўстларим.

Лекин онам йўғинг билинди:
Бўлолмади ўзингдек ҳеч ким.
Танга кирган оғрикқа ахир
Қўёлмади сен каби малхам.

Онажоним, ўрнинг билинди,
Йўлларингга кўзим термилди.
Кўринмадинг йўл бошида сен,
Тополмайин бағрим тилинди.

МУҲАББАТ

Тоғлар умри билан тенгдир ёшинг ҳам,
Умрин серфайз этдинг қари-ёшнинг ҳам,
Меҳрини жўштирдинг о, қуёшнинг ҳам,
Улуғликда танҳо ўзинг, муҳаббат.

Боғлар ҳам файзлидир, агар сен келсанг,
Дарёлар ўзандан тошар, сен келсанг,
Бахтга кон бўлгуси башар, сен келсанг,
Қалблардаги наво ўзинг, муҳаббат.

Гоҳида сен сабаб кўзлар аччиқ ёш,
Гоҳида қувончсан, гоҳида бардош,
Гоҳ ўтли газаб, гоҳ беҳад юввош,
Дардларимга даво ўзинг, муҳаббат.

Ўткир Жўра қалбин забт этдинг бугун,
Вужудим чўлғади ногоҳ хуш туйгу,
Билмам, тушимми ё ўнгиммикан бу?
Энг муқаддас маъво ўзинг, муҳаббат.

ЁДИНГНИ ҚОҒОЗГА БИТИБ БЎЛМАЙДИ

Мен сени Зухрога қиёс айладим,
Қўлни чўзган билан етиб бўлмайди.
Мен сени Узрога қиёс айладим,
Қанча бокқан билан тўйиб бўлмайди.

Булбул навосидир суханинг, жоним,
Тинглаб адоғига етиб бўлмайди.
Сен ҳаёт, беҳиштнинг сара боғисан,
Аммо остонангдан ўтиб бўлмайди.

Сен гулсан очилар-очилмас масъум,
Ўзга гулни асло сезиб бўлмайди.
Райҳон ҳидларини мен сенда туйгум,
Сен борсан, узлатга кетиб бўлмайди.

Қошларинг камони ёй мисолидир,
Минг истаган билан эгиб бўлмайди.
Сен тонг чоғидаги шудрингсан шаффоф,
Асло қўллар билан тегиб бўлмайди.

Сен - ҳали ёзилиб бўлмаган китоб,
Тилсимотсиз асло ўқиб бўлмайди.
Сен - дарё уммонга шошилган шитоб,
Сиру сироатинг ўқиб бўлмайди.

Гиркўку Самандек парвозинг баланд,
Ёвларинг минг бўлсин тутиб бўлмайди.
Ўткир Жўра кўзин қарогидасан,
Ёдингни қоғозга битиб бўлмайди.



Абдуғафур Маматов 1958 йил Бешкапа қишлоғида туғилган.

1980 йил Сирдарё давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. 1982 йилдан буён Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида ишлайди. Шеърлари матбуотда эълон қилинган.


ЎЗИМ БИЛАН СУҲБАТ

Дунё бахтга тўлади, ишон
Бахт сени кучган кун.
Ўша тун
Ҳасадлар ҳайратдан улар
Дунёнинг гами кўп
Ками кўп деган
Кимсани тинглама, ачинмагин, дил.
Эй дил, бил,
Тонг маҳал
Покликка тўлади олам.
Сўнг эса илтижо
интилиш, тилак барчаси
ижобатга айланар.
Билгин ҳасаднинг хили кўп
Ўзи кўп
Сен уйгон тонг маҳал,
Юзларига юзингни босгин.
Қуёшга карагин, қулочингни ёз,
Бу асли онангни кўргани борганингдай соз.
Табассум тўкилиб турсин лабингда
Тинглагин юрак
Бахт сени кучган кун...

ҲАСАДЛАР ҲАЙРАТДАН ЎЛГАН КУН

(«Кўнгил изтироблари» туркумидан)


Айтилмаган гапларинг кўпдир
Балки, балки
Тугаб бўлган сабру бардошинг.
Кўй куйинма, фурсати етган...
Сўзлайвергин, майли бемалол...
Тасаввурга сиғдирса бўлар
Отилмаган ўқнинг овозин
Қисматини қарғаган аёл
Бахтини ҳам кўрар эҳтимол
Девонанинг кўнглидай кўнглим
Хотиржам, жимликни истар.
Тинч кўйишга шошилмайди ҳеч
Остонада умид саргардон
Бир илинж йўқ, бахонага кеч
Остона йиғлайди оёқларимга:
- Мен ўрганиб бўлганман сенга
Кетма, қайғу қолмасин бўзлаб,
Тушунмайди, барибир, мендек
Гарчи келсанг бир куни излаб...
Исён қилар кўнглингдаги дард
Қийноқларга кўяди ўзни
Ҳиснинг сўроқ саволларидан
Алангада кўради ўзни
Бу ҳикоят, махзун ривоят
Ўқилмаган энг сирли оят.
Менга таскин бўлар ниҳоят
Умидни ҳам ўлдирмай шоят
Бир кун бахтли қиларку гоят.



ҲАСАДЛАР ҲАЙРАТДАН ЎЛГАН КУН

(«Кўнгил изтироблари» туркумидан)

Айтилмаган гапларинг кўпдир
Балки, балки
Тугаб бўлган сабру бардошинг.
Қўй куйинма, фурсати етган...
Сўзлайвергин, майли бемалол...
Тасаввурга сиғдирса бўлар
Отилмаган ўқнинг овозин
Қисматини қаргаган аёл
Бахтини ҳам кўрар эхтимол
Девонанинг кўнглидай кўнглим
Хотиржам, жимликни истар.
Тинч кўйишга шошилмайди ҳеч
Остонада умид саргардон
Бир илинж йўқ, бахонага кеч
Остона йиғлайди оёқларимга:
- Мен ўрганиб бўлганман сенга
Кетма, қайғу қолмасин бўзлаб,
Тушунмайди, барибир, мендек
Гарчи келсанг бир куни излаб...
Исён қилар кўнглингдаги дард
Қийноқларга кўяди ўзни
Ҳиснинг сўроқ саволларидан
Алангада кўради ўзни
Бу хикоят, махзун ривоят
Ўқилмаган энг сирли оят.
Менга таскин бўлар ниҳоят
Умидни ҳам ўлдирмай шоят
Бир кун бахтли қиларку гоят.





Ҳолмуҳаммад НУРУЛЛАЕВ
(1954- 2006)

1954 йилда Нисбот маҳалласида туғилган. 1975 йилда Самарқанд давлат педагогика институтини битиргач, "Жиззах ҳақиқати" газетасида ишлади.

Кейинчалик "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Туркистон")да мусахҳиҳ, "Зарафшон"да мухбир, бўлим мудир, масъул котиб ўринбосари, "Халқ сўзи"да вилоят мухбири бўлиб фаолият кўрсатди.

Вилоят ҳокимлигида таъкилий назорат гуруҳи раҳбари, вилоят ҳокими ўринбосари, Ургут тумани ҳокими лавозимларида ишлаган. 1997 йилда "Зарафшон" газетасига бош муҳаррир бўлди. Қисқа фурсат ишлаган бўлсада, газетанинг оммавийлигини оширишга муносиб ҳисса қўлди. Шу даврда газетани компьютерда саҳифалаш ва тўла офсет усулида чоп этиш йўлга қўйилди.

ФАЛОКАТ

("Ленин йўли" газетасининг
1990 йил 8 июнь сонида чиққан мақола)

"Ленин йўли" газетасининг шу йил 16 феврал сонида "Армон" сарлавҳали мунозарага тортувчи мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақоланинг жойларда кенг баҳсларга сабаб бўлганлиги ҳақида газетхонлар редакцияга кўнгириклар қилишди, хабарлар келтиришди. Хат йўллаб ўз муносабатларини билдирганлар ҳам анчагина. Шуларга таяниб мақолада кўтарилган ташвишли бир масала - ёшлар, ўсмирлар, қолаверса, болалар тарбиясини бузаётган, катталарнинг гашига тегаётган "санъат"га муносабат масаласига қайтишни лозим топдик.

Ҳар элнинг ўзлиги бўлгани ҳолда унинг маънавияти ўзига хос фойз, ҳислат-фазилатга эга. Миллий маданиятларнинг бир-бирини бойитиши баҳонасида кўплаб нобоп асарларни "комплекс" кўчириб келишлар мутлақо ўзини оқлаган эмас. Аксинча, бундай ташимачилик "меzbон" миллий маданиятлар кадрига путур етказган ва уларнинг раънакига тўсик бўлган. Бизнинг шароитимизда опера санъати ўрнини шундай белгилаш мумкин.

Майли, бу мавзунинг ўзи алоҳида катта баҳсга туртки. Шу боис ҳозир гап беҳаё фильмлар намоиши ва видеобозлик касалинини фалокатли оқибатлари хусусида: "Ҳақиқатда ҳам ҳозирги пайтда видеохоналарда, кинотеатрларда шумгиядай кўпайиб кетган фоҳишабозлик тасвиридаги фильмлар намоишига ружу кўйилмоқда. Бизнинг колхозимизда ҳам шу ҳол. Киномеханик Холмон Тилавов учун пул тушса бас. 16 ёшгача бўлганларнинг кириши мумкин бўлмаган фильмларга мактаб ўқувчилари ҳам бир сўмдан тўлаб кираверадилар. Шундай экан, Қамариддинга ўхшаш ор-номусни, ҳаётини унутганларнинг кетма-кет ўсиб чиқмаслигига ким кафолат бера олади?" Иштихон районидаги Охунбобоев номли колхозда истиқомат қилувчи И.Азизов ўзининг бу саволига ўзи жавоб берганидек - ҳеч ким!

Жумҳуриятимиз Президенти И.Каримов қишлоқ хўжалиги ходимлари курултойида Марказий телевидение орқали намоиш этилаётган айрим беҳаё фильмлар, "Нигоҳ" кўрсатувидаги қип-яланғочлик ҳақида гапириб, уларнинг ёшларимиз тарбиясини бузаётганлигини ачиниш билан қайд этди. Бунга барҳам бериш учун, - деди у, - бирор бир чора топишимиз керак! Ишончимиз комилки, бу чора топилар ва амал қилар. Лекин юқоридаги масала билан боғлиқ вазифалар ижросига ҳозирдан киришса бўлмасмикан? Бўлади, деб ёзади Ургут районидаги Калинин номли колхозда яшовчи байналмилалчи жангчи Раҳмиддин Кўчимов, буёғи қишлоғу овулгача, маҳаллагача кириб борган видеохоналарга барҳам бериш керак. Ахир, улар нимага хизмат қиляпти ўзи? Дейлик, фаҳишабозлик филмлари кўйилмас, лекин қароқчиликка, безориликка, қотиликка етакловчи ленталар камми уларда?

"Қамариддин фожиасида беҳаё кинофильмларнинг таъсири оз эмас. Ихтиёр-беихтиёр шундай асарларни бир кўрган ўсмир такрор-такрор кинотеатрга ана "ўшандай" картина томон талпинади. Ўзи билан яна беш-ўн нафар тенгдошларини етаклайди. Менимча, зўрлашлар, қиссавурлик, ўғирлик мана шундан келиб чиқади". Самарканд районидаги "Боғизоғон" совхозида яшовчи Абдуғани Турсуновнинг фикрини давом эттириб, вилоятимиз кинотеатрларида кенг намоиш қилинган "Менинг исмим Арлекино", "Кичкина Вера", "Интеркиз", "Бир куни Америкада" каби киноасарларнинг салбий таъсири кам бўлмаганлигини таъкидлаш керак.


Ургут оҳанглари

"Маданий ваҳшийлик - барча ваҳшийликлардан ёмонроқдир". Немис адиби Ветернинг бу гапи назаримизда, айнан видеобозлик ва беҳаё фильмбозликка қарши урилган бонгдир. Хўш, бунга ким аксадо бериши керак?

Фурсатдан фойдаланиб, ҳозир барча маҳаллий Советлар қошида янгидан тузилган маданий-маърифий, ҳуқуқ-тартибот, ёшлар билан ишлаш масалаларига мутасадди доимий комиссиялар эътиборини шу ташвишли ҳолга ҳам тортмоқчимиз. Зотан, киночилар моддий манфаат учун югуришса, маҳаллий ҳукумат вакиллари маънавий-тарбиявий манфаатни устун қўйишлари керак ва бунинг учун уларда ҳуқуқ бор.

Советобод районида Э.Эшдавлатов, Т.Шоназаров, Самарқанд шаҳрида О.Каттабеков, Самарқанд районида А.Шарипов ва бошқалар Карим бобога берилган жазонинг меъёри ошиб кетганлиги, Гулчехранинг Қамариддинни тартибга, тўғри йўлга, ҳаёли муносабатга чақирмаганлиги, Қамариддиннинг ўзини тута билмагани тартибсизлик оқибати эканлиги тўғрисида афсус билан ёзилади. Айни пайтда беҳаё фильмлар ва барча видеокартиналарни санъат намунаси эмас, улардан тезроқ воз кечиш, видеокооперативларни тутатиш кераклигини таъкидлашади.

Жуда тўғри ҳукм. Бизнингча, вилоятимизда бу ишнинг амалга ошувини Тошкентдан кутиб ўтириш шарт эмас. Халққа зиён келтираётган видеокооперативлар фаолиятини ҳам тарозига қўйиб, шу ернинг ўзида тезроқ бирор бир тўғри қарорга келиш керак. Чунки газетхонлар бот-бот такрорлашаётганидек, видеокартиналар асл санъат намунаси бўлолмайди ва улар бор жой маъносиз томошахонадир. Француз архитектори Буле айтганидай, маъносиз жойда гўзаллик бўлиши мумкин эмас. Гўзаллик йўқми, демак, у нима эканлигидан қатъий назар, тарбияга, маънавиятга, камолотга, умуман яхшиликка хизмат қилмайди.



Абдували ҚУТБИДДИН



1960 йилда туғилган. 1983 йилда Тош-кент давлат университетининг журна-листика факультетини битирган. Вилоят "Зарафшон" газетаси ходими, Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат, "Ёзувчи" нашриётларида муҳаррир ва Ўзбекистон телерадиокомпаниясида бош муҳаррир, "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа марказида директор ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатди. Ҳозир «Халқ сўзи» газетасида

ишлайди.

А.Қутбиддиннинг "Найсон" (1988), "Хумо" (1989), "Бахтли йил" (1991), "Хаёл кечаси" (1994), "Сен ва сен учун" (1996), "Узоқдан олисга" (2006) ва бошқа тўпламлари нашрдан чиққан. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

* * *

Изладим,изладим, о, бениҳоя
Шаштим даштга етди,
Сенга етмади.
Нурланиб, қизиниб оқарди соя.
Умрим вақтга етди,
Сенга етмади.
Учар от эгарлаб чакнаган дилдор,
Тагин етолмади сени тубсиз ком.
Самовий гирёнинг заррин чангидан
Ясадинг паймона суви учун жом.
Жон десанг берардим,
Қон десанг томир,
Факат бу очларга ташлагин урвоқ,
Факат ташналарга тўкиб ўт ёмғир.
Факат шўрликларга ташлагин нигоҳ.
Изладим, изладим, о, бениҳоя
Тугён уммон бўлди,

Сени топмади.
Талқондай сочилди тап-таранг қоя,
Армон гўрбон бўлди,
Сени топмади.
Кунлар мазоридир нимёғду дала,
Тупрокдан эврилиб сувларга тушган,
Жуссаси ям-яшил,
Қўллари лола -
Кўм-кўк қиз, нима у кўксингда жўшган?
Бошимни кўксингга олсайдинг қани,
Сочингга талатиб қўйсайдинг эди.
Бир ҳўплам қон бўлиб қолсайди таним,
Юзингни, ох, чайиб олсайдинг эди.
Изладим, изладим, о, бениҳоя
Уним тундан ўтди,
Сенга етмади.
Баҳайбат қуш бўлди кечаги моя,
Сасим елдан ўтди,
Сенга етмади.
Умидим сулайди, қуёшга бокдим,
Бўйнимга кишанлар сол деб йиғладим.
Элт дедим дилдорга, ёшларим оқди,
Жонимни суғуриб ол деб сўрадим.
Умидим йиқилди, ҳилолга айтдим,
Каҳрабо захрингдан бергин, ичайин.
Элт дедим кўк қизга, ўзимдан қайтдим,
Танам кийим бўлса кийиб ечайин.
Изладим, изладим, о, бениҳоя,
Қай бир тош ичида
Дилбанду дилбар.
Бошимни тошларга уриб бўзлайман:
Ёрил тош! Топайин
Дилбанду дилбар!
Балиқнинг тиши-ла тилимни тийдим,
Юрагим урчукдай уч айлангирдим.
Кўзимни кийнадим,

Қийноғим кизик...

Яйрадим.

Индамай руҳимга эргашиб олдим,

Девона ҳаёлим гилмон санадим.

Туф дедим ботқокқа,

Гулистон қилдим...

Яйрадим.

Қалдирғоч лойсувоқ қилган очунда

Севгим йўлларига зор-зор қарадим.

Ёшларим ял-яли

Таралди тунда...

Яйрадим.

Мажнунтол дарчасин очди, киритди,

Юз битта қизидан бирин танладим.

Хивич қасрларда

Баргландим бирам...

Яйрадим.

Дунёни тарк этдим, хур сафар этдим,

Ёрим-ла туйқусу беҳабар кетдим.


Ўн беш кун тўй бердим

Дорулбакода...

Яйрадим,

Яйрадим,

Яйрадимааа!





Исматулла ЙЎЛДОШЕВ

1952 йилда Қўрғонча қишлоғида туғилган.
Ўқувчи.

И. Йўлдошевнинг ўнлаб шеърий китоблари
нашр этилган. У "Жаҳолатга қўйилган
тузоқ" киносериали муаллифи. Айни пайтда
И.Йўлдошевнинг "Жумбоқ" деб номланган
детектив фильми суратга олинмоқда.

РУБОИЙЛАР

Бул жафокаш дилим Сизга адолар бўлсин,
Бизда неки бори - Сизга фидолар бўлсин.
Хоҳи дўсту хоҳ душман бизни эслар ким-
Бари омон бўлсин, биздан унга дуолар бўлсин.

* * *

Ўвузлар фитнаси фош, барбод бўлсин,
Шайтонни дилдан қув, дил обод бўлсин.
Тухмат балосидан асрасин Ўзи,
Ким учраган бўлса, тез озод бўлсин.

* * *

Менинг ёнишим сенга бегона,
Сенинг ёнишинг менга бегона.
Кимга гина қилай, кимга ёлборай-
Менинг ишонганим - Ўзинг ягона!

* * *

Гўдаклар туғилар туғруқхонада,
Улуғбек, Алишер... қўямиз отлар.
Орзуга айб йўқ, лекин минг йилда
Бир келиб кетади Темурдек зотлар.

* * *

Осмон ҳам аслида ердек маъводир,
Одам Ато жуфти Момо Ҳаводир.
Хурларни тинч қўйгил, чалғитма, дўстим,
Бу ёлгон дунёнинг касби савдодир.

ЧАҚМОҚ ШУЪЛАСИ

Йилт этиб ўтади чақмоқдай умр,
Тириклик олами бағишлар ҳузур.
Билмабмиз, жон шунча омонат эрур,
Бизларни тарк этди Холмуҳаммад Нур.

Чараклаб турарди кулгич юзлари,
Дилларнинг малҳами айтган сўзлари.
Дийдорин соғинар ўғил-қизлари,
Бизларни тарк этди Холмуҳаммад Нур.

Умрининг мазмуни эзгу диёнат,
Юртга фидо бўлмай яшаш жиноят.
Тақдирин азалдан бўлди синоат,
Бизларни тарк этди Холмуҳаммад Нур.

Ургут – элим, юртим деди, югурди,
Умрининг аччиғу азобин кўрди.
Неларга улгурмай, нега улгурди,
Бизларни тарк этди Холмуҳаммад Нур.

Йиллар ўтаверар кулиб ғамзада,
Ғунча хазон бўлар оний лаҳзада.
Босган изи қолди “Боғи Ҳамса”да,
Бизларни тарк этди Холмуҳаммад Нур.

Бир аччиқ изтироб ғижимлар кўксим,
Юракни айрилиқ эзади сим-сим,
Дийдор қиёматга қолдими дўстим,
Бизларни тарк этди Холмуҳаммад Нур.

Карим БАХРИЕВ



1962 йилда Ёўс қишлоғида туғилган. Самарқанд ва Москва давлат университетларида тахсил олган. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида катта мухбир, "Маърифат" газетасида бош муҳаррир ўринбосари, "Хўжалик ва ҳуқуқ" журнали ҳамда "Хуррият" газетасида бош муҳаррир лавозимларида ва "Internews-Uzbekiston" халқаро ташкилотида хизмат қилган. Айни пайтда, "Олтин мерос" халқаро ҳайрия жамғармаси ахборот хизмати бўлим бошлиғи.

Карим Баҳриев "Сабр қосасининг синиқлари", "Тиловат" шеърӣ китобларининг, "Демократия ва инсон ҳуқуқлари", "Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари", "Цензура фойдасиз, зарарли ва таҳқирловчидир" номли илмий-оммабон китобларининг, қатор танқидий - таҳлилий мақолаларнинг муаллифидир.

ТУНГИ МУНОЖОТ

Хавотирга тўла ер устидан ой
Сутдай нурларини қуяр ҳовучлаб.
Сочин шамол тортган боғлар солар вой,
Жарлардан чиқади эзгин товушлар.

Ерданми, кўкданми келар бу наво,
Менинг ичимданми - билолмай қолдим -
Ё йиғлар кўп яшаб чарчаган Дунё,
Ё оз яшайман деб йиғлайди Қалбим.

Танимда қон каби оқади оҳанг,
Кўз юмиб тинглайман,
Юрагим - кумри,
Гўё қуй тугайди кўзимни очсам,
Гўё қуй тугаса, тугайди умрим.

1962 йил 2 январ

Мен туғилдим. Кимдир қувонди.
Кулбасида гаюр чекди ғам.
Энди юртга тўй бераман, деб
Кўкрагини кўтарди отам.

Замҳарир киш тиш қайраган чоғ
Бир кишига кўпайди дунё -
Йўк, ўрнидан кўзғолмади тоғ,
Ўзанидан чиқмади дарё.

Отам-хурсанд, уялар онам,
Мен йиғлардим, ҳамма куларди -
Тоғ ўрнидан кузғолмаса ҳам,
Бир силкиниб кўйса бўларди.

Кўзларимни ҳайрат-ла очдим:
О, поёнсиз нотаниш олам!
Бахтни севиб ортидан чопдим,
Мени эса севиб қолди, ғам.

Йўк ҳаётга ҳали қонмадим,
Англамасдан ётибди олам.
Бахтни излаб мен тополмадим,
Лекин мени излаб топди ғам.

Мен кетганда йиғлар куртаклар,
Тунги боғлар, кушлар билгайлар.
Шохи бешик бўлган теракнинг
Бир шохидан тобут килгайлар.

Мен ўлганда кимлардир куяр.
Тоғ куламас. Тошмагай дарё.
Бу тун бўлар, ё жимжит саҳар,
Бир кишига камаяр дунё.

УШШОҚ

Шамоллар уйғонди. Барг хаяжонда,
Хатто ер тагида кўзғолди илон,
Дунё тириляётган шу тоза тонгда
Ўлгим келмаяпти, онажон.

Ўнгирларда кезар муздай ҳаволар,
Ишқалаб қабоғин кўтарар осмон.
Дунё кўзларини очаятганда
Ўлгим келмаяпти, онажон.

Қайдадир силкинар томчидил ўтлар,
Баргида чумоли кезади ҳайрон.
Ҳали мен кўрмаган боғлар бор экан,
Ўлгим келмаяпти, онажон.

Қизларнинг овози жаранглар мунис,
Ишқ десам - дафтарга сачраб кетди қон.
Севмаса севмабди мени битта қиз,
Дунёда қиз камми, онажон?!

Қаёққа қочади бу иссиқ қоним,
Қўлларни соғиниб сочларим - ғужғон.
Кимга керак бўлди менинг ёш жоним,
Ўлгим келмаяпти, онажон.

Қуёшга термулдим - кўзим қамашди,
Киприкдан шабнамдай ёш оқди маржон.
Нурларни соғиниб қақшар қовурғам,
Ўлгим келмаяпти, онажон.

Гарчанд мен қайгули шеърлар тўқидим,
Гарчанд азоб кўрдим мудом бепоён -
Мен ҳали дунёга тўйган йўқ эдим,
Дунё тўйдимикин мендан, онажон?



Жумагул СУВОНОВА

1961 йил Раҳматобод қишлоғида туғилган.
1995 йилда Самарқанд давлат
университетининг филология факультетини
туғатиб, шу йиллар мобайнида Ўзбекистон
Ёзувчилари уюшмаси вилоят бўлимида
ишлаган.

1997 - 2000 йилларда Самарқанд Давлат
чет тиллар институти аспирантурасида
ўқиб, "Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий
изланишлар" мавзuida илмий иш олиб борди. Шу билан бир вақтда
Ўзбекистон телерадиокомпанияси "Ёшлар" телеканалида катта
муҳаррир вазифасида фаолият кўрсатди. Ҳозир "Улугбек
ворислари" газетаси муҳарриридир.

"Бинафша", "Тиллақош", "Йўлгаётган оҳу", "Мен сизмаган дунё"
номли шеърый тўпламлари нашрдан чиққан.

БИНАФШАМ

Бинафшам, шамолга тегдингми,
Бўронга тегдингми, бинафшам?!
Ғунчангни хазонга алишиб,
Саломга келдингми, бинафшам?!

Бинафшам, бу сенинг бахтингми?
Зарҳал ҳал безагинг - кўз ёшдан.
Тўрт ёндан йўлингга талпинур
Бардошдан колганлар, бардошдан.

Бинафшам, тақдирнинг ҳукмига
Турибмиз иккимиз ҳам ҳайрон.
Биз нега сармастмиз баҳорнинг
Боғида баҳслашиб икки жон?

Бинафшам, бу қисқа умрнинг
Болидан тотиниб тўйдикми?
Шамол ва бўронга тенглашиб,
Ҳаётни бой бериб қўйдикми?!

Ургут оҳанглари

Бинафшам, нақадар нозиксан,
Нақадар нафиссан, бинафшам.
Қайғурма, қайғули кўксимдан
Қадрингга муносиб жой топсам.

Бинафшам, шамолга тегдингми,
Бўронга тегдингми, бинафшам?!
Фунчангни хазонга алишиб,
Саломга келдингми, бинафшам?!

МУҲАББАТ

Битмаган ишларим битар бир куни,
Омад ҳам келади қошимга бир кун.
Фақат сен келмайсан қайтиб, муҳаббат,
Кимсасиз боғлардан мени қидириб.

Бир куни булутлар укпар бўлади,
Шамоллар тонгларни кетар учириб.
Бир куни тополмас дилим муҳаббат,
Кимсасиз боғлардан сени қидириб.

Бир куни қўмсайман сени шу қадар,
Кетарсан дунёмдан бошингни олиб.
Бир куни бир ширин эртақ бўлади
Сенинг титроқларинг танимда қолиб.

Бир куни қурийди анбар ариғи,
Умримни окизиб кучоқларида.
Тошларга урилиб синар муҳаббат,
Дилим кўргуликнинг қирғоқларида.

Бахтиёр бўласан бу юртдан кетиб,
Рухим қувончингдан огоҳ бўлади.
Фақат мурувват кил, қабримга қайтма,
Ўлганни қийнамоқ гуноҳ бўлади.


ВАТАН ✓

Яна бир дакика,
Яна бир қадам,
Етарли, ўзимдан хатлаб ўтмоқда.
У ёғи майсазор, у ёғи кўклам,
Бир заррин толаси сигмас кучокқа.
Яна бир кўз кири,
Яна бир нафас,
Шабодда ифорин ўйнаган чаман.
Хатто битта чизик бегона эмас,
Нигоҳдан у ёғи, ҳаммаси Ватан!..

ШУКРОНА

Шукур кўзимда ёш бўлгани учун,
Юрагим азобга тўлгани учун.
Гоҳ дўстим азият чекиб, гоҳида
Душманим устимдан кулгани учун.
Кувончу газабнинг исканжасида,
Тўликиб борияпман уйларим бисёр.
Тақдир туфонида ўлмадим, энди
Яшайман, менинг ўз айтар сўзим бор.

Ўксиб кетар бўлдим, хайрона бўлиб,
На мулку на жоним вафодир Худо.
Руху озодимни равзаи жаннат,
Булоғида ювиб қайта эт бино.





Дилором ИСМОИЛОВА

1965 йилда тугилган. Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тугатган. Дастлаб "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида иш фаолиятини бошлаган. Ҳозирда "Саодат" журналининг бўлим мудири бўлиб ишляпти.

Дилором Исмоилованинг шеърлари "Мунаввар олам", "Камалак", "Ёшлар альманахи" каби мажмуа тўпламларда чоп этилган. "Юрагимда гуллар шивири" китоби муаллифи. "Шуҳрат" медали билан мукофотланган.

УЙҒОНИШ

Юрак - косам сабрга эмас,
Соғинч билан тўладир лим-лим.
Тўйиб кетган соғинчга ҳамма,
Менинг косам ким сўрайдир, ким?
Чакиради ортимдан биров,
Эски хатдай кетган сарғайиб.
Йўк, мен унинг чорловиданмас,
Соғинчимга йиқилдим тойиб.

Неча фурсат ётдим шундай жим,
Олов кўксим бериб намларга.
Тутаб кетди заминнинг бағри
Кўзларимдан томган шамларга.
Ногоҳ кирди руҳимга исён,
Жовдирайман сени ахтариб.
Соғинчларинг уйготди мени,
Уйғонаман мен сени таниб.

СИЗДАН

Қачон бизни ўзингизга эл биласиз,
Ишкли дилим кўксингизга дил биласиз,
Кўзларимнинг ёшларин-ку сел биласиз,
Бизга қачон мурувватлар бўлғай Сиздан?

Йўлимдаги минг ошиқни писанд қилмам,
Ушшокларим ёди билан кўксим тилмам,
Йиғлаюрман, сарғаюрман, кулман, кулманг,
Бизга қачон мурувватлар бўлғай Сиздан?

Хаёл гулдек сочилади йўлингизга,
Бепарвосиз, боқмайсиз ўнг-сўлингизга,
Ёки бизни илмайсизми кўзингизга?
Бизга қачон мурувватлар бўлғай Сиздан?

Бўйларингиз хуморлари тутар кўздан,
Меҳрингизни кизғонмангиз битта қиздан.
Йўкса танҳо дилингиз ҳам кечар Сиздан,
Бизга қачон мурувватлар бўлғай Сиздан?

ЭЙ ГУЛ

Эй гул, сени кўргач борни унутдим,
Япроғинг суйига лабимни тутдим.
Билсанг бу дийдорни неча йил кутдим,
Келганлигинг ростми кўнглимга маним?

Ҳажринг дайр йўлида хор этмиш мани,
Йўк эдим, бу ишқинг бор этмиш мани,
Билмам, не юмушга кор этмиш мани,
Келганлигинг ростми кўнглимга маним?

Сенга қараб ўзни таниб боряпман,
Ҳақдин ўзга не бор, тониб боряпман,
Бир савол ўтида ёниб боряпман,
Келганлигинг ростми кўнглимга маним?

Ургут оханлари


Чин келсанг энг баланд тоғ эрур кўнгил,
Райҳонли, ифори, боғ эрур кўнгил.
Йўкса, доғ ичида доғ эрур кўнгил.
Келганлигинг ростми кўнглимга маним?

Эй гул, сани кўргач борни унутдим.

ИҚРОР

Осмон гўзал, осмон мовийранг,
Юзига тўкилган гўё оқ тутлар.
Иккиқат хотиннинг доғига ўхшар,
Яноғига тошиб чиққан булутлар.

Унга узоқлардан термулиш мумкин,
Қўл етмас, ушлаб ҳам бўлмас бегумон.
Оппоқ тути билан, доғлари билан,
Яна ҳақиқатга ўхшайди осмон.



Тошнўлат УРХУН



1964 йилда Қулқишлоқ қишлоғида туғилган. Самарқанд Давлат университети филология факультетида таҳсил олиб, 1989 йилдан 1994 йилгача мазкур факультетда илмий фаолият билан шуғулланди. 1994 йилдан буён вилоят телерадиокомпаниясида катта муҳаррир бўлиб ишлайди. Тошнўлат Урхун Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.


"Мужда", "Кечиккан жавзо" шеърӣ тўпламларининг муаллифи.

Ҳаётнинг кадрилини фурсат оширар,
Самара меҳнатнинг фароғатидир.
Пешвоз чикаяпмиз Янги йилга ҳам
Маслагу омаддан айирма, тақдир.

Жужуклар кўзидан кўринар эрта
Қизлар муҳаббати ҳаётга пайваст.
Бўртади кўнгилнинг кўридан куртак,
У Ватан боғида мева тугса бас!

Менга ичирганинг қандай май эди?
Кўнгилда ўшанга хоҳиш ва талаб.
Куёшнинг ё мискол алангасими?
Сипқориб - сипқориб қовжирайди лаб.

Менга ичирганинг қандай май эди?
Муҳаббат таъмили, ё ҳаёт шамъи?
Тотганим бир бўса, васлингни истаб,
Оҳ, умр мазмуни, баёт ўшами?



Фурсат тизгинсиздир, саросар башар,
Бири кам дунёга йўқ таъриф, на сўз.
Етиб келди яна бир қовун пишар,
Қачон чарақлайсан мен кутган юлдуз?!

Тумонат қайгулар кўнгилдан сизиб,
Ўтинин ёриб ҳам кўйдик ўттизининг.
Орзу! Қачон сенга сийрат битади?
Ачомлаб - ачомлаб кучасан бизни?!

Васлинг деб минг битта довондан ошдим,
Тим қора сочларга қўндирдим киров.
Қалбим қопқаларин ланго-ланг очдим,
Менинг ҳам кулбамга кириб ўт бирров.

Умиди сўнганнинг йўқ истикболи,
Меҳнати, қувончи, умри ҳам абас,
Мен сени севаман, эй эрк ниҳоли,
Орзу қилганларга қиламан ҳавас!

ЧИНОРЛАР ЮРТИ

Қаламим! Қаддимни тик тутган асо,
Хушнаво байтларнинг шамшод тароғи.
Оллоҳ изи берса, назмий сайлга,
Сени кўриб турса, кузим қароғи,

Қоғозга муҳаббат аксини чизиб,
Қалблардан сўраймиз руҳиятини.
Ватан унгирларин ҳамнафас кезиб,
Топамиз меҳрнинг тилсим қатини.


Борурмиз булоқлар мамлакатига,
Жилга тирикликдан элчи-югурик.
Не бордир мўътабар Ватан васлидан,
Гулчамбар кўтариб чикканда ўрик.

Бу гулшан бағрида қушлар сайроки,
Нотага сигмайди нағмалар, наққош.
Чинорлар юрти бу, улуғлар хоки,
Осмонни тиглаган тоғларга ёндош.

Бул Аркат кўргони-Бобур армони,
Улутбек мероси шу тоғда абас.
Ургутнинг дўпписи, белбоғ чопони,
Шаффоф сувларидай кадрли, хавас.

Шу гўша васфига кароматларим,
Шу замин мен учун мунис онадир.
Унингсиз Ургутли эмасман жоним,
Шеър айтмоқ фаслидир, фурсати нодир.

Қаламим! Бир нафос сенга юкиндим,
Сўзлашдим оқ кўнгил коғоз қошида.
Кичик бир Ватаннинг таърифин қилдим,
Бу фахр, бу ғурур, мангу наъшида.





Исмоил ШОМУРОДОВ

1966 йилда Сариктепа қишлоғида тугилган. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги республика "Қўриқлаш" бирлашмасида хизмат қилади. Милиция майори.

И.Шомуродов 1993 йилда ТошДУнинг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини, 2000 йилда ЎЗР ИИБ Академиясини тугатган. "Йилнинг энг яхши журналисти - 2001" танловининг голиби бўлган.

ИНСОН ЎЗИНГ

Оламнинг марказидаги одам. У ким ёки нима?

Одамзотнинг бир қизиқ хусусияти бор: ўзини дунёнинг ўртасида, қоқ марказида турибман, деб тасаввур қилишга, ҳис этишга мойил бўлади. Бир пайтлар Худо сифатида қарашганлари - Қуёшни ҳам бизнинг атрофимизда айланади, деб ўйлашган-ку ахир. Олам бизнинг атрофимизда айланади, деган ғоянинг ёлғон эканини исботлаш қанчалар қийин бўлгани, исботлангандан кейин ҳам уни кишилар тан олишни истамаганликлари айнан мана шу нарсадан келиб чиқади.

Айнан ушбу хусусият инсонда кўп нарсани белгилайди. Хусусан, ҳар қандай кишининг ўзи тўғрисидаги ҳикоясини тинглар экансиз, сизнинг кўнглингизда барча воқеалар шу шахс атрофида содир этилган экан, деган тасаввур ҳосил бўлади. Ўзи ҳам жуда қойил қилиб, кишини шу хулосага олиб бориб қўядиган даражада гапиради-да. Асли сўраб келинадиган бўлса, у ўзи айтаётган ҳикоясида бешинчи, ҳатто ўнинчи даражали қаҳрамон сифатида иштирок этган бўлиб чиқади.

Инсоният муттасил равишда, ҳеч бўлмаганда, юзаки равишда ва оғзаки кўринишда такомиллашишга интилиб келган. Аммо негадир бунга эришиш жуда қийин кечаяпти. Инсон такомиллашиш у ёқда турсин, ҳали ўзини англаб етадиган даражага ҳам келгани йўқ. Дейлик, бутун умр комилликка интилган, комил инсонни тараннум этган, умрининг сўнгги ўн йилини жиннихонада ўтказган «Ниши» комилликка эришганмиди? Ўзини тушуниб етганмиди?

Ва, умуман, инсон ўзи тасаввур қилгани, интильганидек комил бўла оладими?

Илмий тараққиётнинг шу даражадаги ривожига эришиб ҳам нега ханузгача бир карашда оддий ҳисобланган нарсаларнинг - Инсоннинг ўзи аслида нима? Унинг яратилишидан, яшашидан маъни не? Нима учун туғилади-ю нега ўлади? Охир-оқибати барибир ўлиб кетиш бўладиган бўлса, аслида нега туғилади? Инсон бир одамни яратиб, уни аслида ўлимга маҳкум этганини жуда яхши билди-ку, нега фарзандларига раҳм қилмайди? Инсон ўзи ўйлаётгани ва шу билан ўзини оқлаётгани каби ҳали туғилмаган.

Фарзандини ўйлаб, уни яратадими? Агар масалага туғилмаган фарзанд нуктаи назари билан ёндашиладиган бўлса, унинг туғилмагани яхшироқ эмасмиди? Бунга инсоннинг эгоистлиги йўл қўймайдими? Инсонликнинг моҳияти нимадан иборат? - деган минглаб саволларга жавоб топилгани йўқ.

Ўзимизга хос хусусиятимиз билан дунё биз учун яратилган, деб ўйлаймиз, бунга каттик ишонамиз. Барча нарсалар биз учун хизмат қилиши керак, деб ўйлаймиз. Ўзимизнинг ҳаётимизни жуда қадрлаганимиз ҳолда ўзгаларникини - худди биз кабияшашга ҳукм этилган жониворларнинг ҳаётини сарик чақага олмаймиз. Бу борада биз йиртқич ҳайвонлардан-да паст

турамиз. Нафақат ҳайвонларни, балки ўзимиз билан бирга яшаётган кишиларнинг-да ҳаётини қадрлайвермаймиз. Ахир ҳайвонлар ҳуда-беҳуда бир-бирларини ўлдиравермайдилар. Улар аксарият емиш илинжида шу ишга киришади. Дейлик, ов инсоннинг энг кўнгилочар ўйинларидан бири ҳисобланади. Безаклар учун ўлдирилаётган ҳайвонларнинг эса сон-саноғи йўқ.

Одам ўзига ортикча баҳо бериб юбормаяптимикин?

Биз, ердан жуда нари борса 10 -15 километр кўтарилган инсонлар, ўзимизга бегона кўз билан қарай олмаймиз. Биз дунёни турган жойимиздан кўрамиз. Дейлик, йўлнинг энг чекка учида турган киши ўйлайдики, у шу ердан бошланади ва номаълумликларга қараб кетади. У ўзи турган жойга шу йўлнинг нариги томонидан қараш қувватига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди. Биринчидан, нариги томонини яхши билмайди, иккинчидан, билса ҳам, ўзининг бир чеккада турганини тан олгиси келмайди, буни истамайди. Болалигимизда ўқитувчимиз Ер айланади, деса, уни уриб енгмоқчи бўлардик ва бунинг учун ўзимизнинг аниқ, рад этиб

Ургут оҳанглари

бўлмас "далил"имизни келтирардик: ер айланадиган бўлса, нега бизнинг тоққа қараб турган уйимиз ҳеч қачон унга тесқари бўлиб қолмайди? Энди билсам, ўшанда бизнинг кенглик доираси ҳам тоққача етиб бормаган экан. Энди ўйлайман, инсоннинг ақлига ёшлигида айрим нарсалар сиғмаган экан, демак улғайганда ҳам унинг таъсир доирасидан чеккада қолган нарсалар кўп бўлиш керак.


Инсониятнинг барча қонун-қоидалари, мезонлари Ердагина амал қилади. Бизнинг ўзимизга ўта даражада катта эътибор беришимиз, аҳамиятимизни ошириб кўрсатишимиз ўз қобиғимиз доирасида, холос. Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деган иборани бу масалага ҳам ишлатиш мумкин.

Аслида дунёда иккита бир хил иқтидорли кишининг ўзи йўқ. Бунда ҳамма гап шундаки, космонавтлар - тепадан туриб, ерни кўрган, унга ўзгача назар билан, бегона кўз билан қараган кишилар. Айнан шунинг учун ҳам уларни ҳурмат қиладилар. Дарвоқе, космонавтлар Ернинг жуда кичик эканлигини айтишади. Бу, коинот нуқтаи назари бўйича ердан озгина кўтарилганларнинг гапи. Агар инсон Қуёш Системасидан ташқари чиқиб, Ерга қараса-чи? Ундан ҳам нарига ўтиб, орқага ўгирилса-чи? Унда нимани кўради? Деярли ҳеч нарсани. Кичик бир заррани англаши мумкин холос. Шундай бир милтиллаган нарсанинг ичида кун кўриб, рўзғор тебратиб юрган ўзини дунёнинг маркази ҳисоблаётган 6 миллиардга яқин одамзоднинг бу фикрлари кишига жуда ғалати бўлиб туюлмайdimи?

Аслида барча нарса таққосда аниқланади. Дейлик, экспертлар ҳар қандай нарсани деталли суратга олаётганда ёнига линейка қўйишади. Бу ўша нарсанинг мезони ҳисобланади ва кейин керак бўлиб қолганда авваламбор ўша линейканинг миқдори ўлчаниб, кейин шу орқали нарсанинг ҳажми аниқланади. Худди шунга ўхшаб инсон ўзини ҳам нималаргадир таққослаб юради. Хўш, инсоният учун нима мезон бўлиб хизмат қилади? Ҳайвонлар-да, албатта. Яна нима бўлиши мумкин? Бу жуда эриш туюлади-ю, аммо бор гап шу. Дейлик, инсон ақлини кўпинча маймуннинг онги билан таққослайди. Ва уларга нисбатан жуда ҳам ақллилиги билан гурурланиб юради. Динлар инсониятни фаришталар билан солиштиришга ҳаракат қилгани учун ҳам инсоният маънавияти тараққиётига маълум ҳисса қўшиб келмоқда. Лекин айтиш лозим,

инсон ўзидан устун ҳисобланган мезонларни тан олишни истамайди, уни рад этишга ҳаракат қилиб келади.

Инсон хусусида, унинг ўтмиши, бугуни тўғрисида ўйлаб туриб, киши беихтиёр бир хулосага келиб тўхтайдди - дунёнинг барча сир-синоатлари унинг ўзида яширинган. Кейинги минг йиллик (бунинг учун бир аср етмаса керак, деб ўйлайман) нафақат техник тараккиёт, балки инсонни ўзини ўзи англаш, ахлоқини сўзда эмас, амалда такомиллаштириш минг йиллиги бўлса, деган хоҳиш пайдо бўлади кўнглида. Ҳолбуки, инсоният тарихи кишини бунга ишонмасликка ундаб туради...





1979 йилда Ургут шаҳрида туғилган. 2003 йил ЎзМУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Президент стипендияси совриндори (2000 йил). Шеър ва ҳикоялари, мақола ва қиссалари мамлакатимиз газета ва журналларида мунтазам чоп этилади. "Виждон" номли ҳикоялар тўплами, унинг таржимасида Озарбайжон адиби Илгор Фахмийнинг "Актриса" романи чоп этилган. Шунингдек, Ги де Мопассан, Эдгар По, Габриэль Гарсия Маркес, Содиқ Ҳидоят, Яшпал, Агата Кристи сингари жаҳон адабиётининг етук намоёндалари ҳикояларидан айримларини ўзбек тилига ўсирган. Бир қатор Озарбайжон адабиётларини, асарларини ўзбек тилига таржима қилган. "Заковат" телеўйини ва интеллектуал клубининг фаол аъзоларидан.

Дил бермадим тонгги елларга,
Хумор боқди гунчалар – сездим.
Кўз солмадим сара гулларга,
Нега сени шунчалар севдим?

Севги нима, билмас эканман,
Билсам эди, кулмас эканман,
Тўкилиб сўнг тўлмас эканман,
Нега сени шунчалар севдим?

Айрилиқдан тунлар тўлғониб,
Ҳар нигоҳдан сени кизғониб,
Ўздан кечиб, дунёдан тониб,
Нега сени шунчалар севдим?

Четланишга улгурмадимми?
Билмадимми ё хурматимни?
Сендан гўзал киз кўрмадимми?
Нега сени шунчалар севдим?

Сенсиз умр топмоқда завол,
Ҳаёт – сенга боғланган хаёл,
Кўнглим ўртар жавобсиз савол,
Нега сени шунчалар севдим?


* * *

Ҳижроннинг дастидан бир дам кўним йўқ,
Сенсиз лаҳзаларда файз йўқ унум йўқ,
Сени ўйламасдан ухлаган туним,
Сени соғинмасдан ўтган куним йўқ.

Ҳаёлинг кўнглимга нур бўлиб тўлди,
Сабрим саҳродаги гул бўлиб сўлди,
Ҳакни ҳам унутган дамларим бўлди,
Сени соғинмасдан ўтган куним йўқ.

Кел энди, тунимга зиё бўлиб кел,
Ўзанин тўлдирган дарё бўлиб кел,
Кувончларга тўла дунё бўлиб кел,
Сени соғинмасдан ўтган куним йўқ.

Ёлғизликни юки босди, зилдайман,
Ҳаёт шамъи сўниб борар – илғайман,
Олдимда қанча кун қолди, билмайман,
Сени соғинмасдан ўтган куним йўқ.



III

ҚАЛАМ БИЛАН ОШНО КЎНГИЛЛАР

Адҳам ҲАЙИТОВ



1951 йилда Равот қишлоғида туғилган. 1972 йилдан буён "Зарафшон" газетасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Адҳам Ҳайитов "Шуҳрат медали", "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган. 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус совғасини олган. Бир муддат "Туркистон-пресс" газетасининг вицоят бўйича махсус мухбири бўлиб ишлаган. Айни пайтда "Зарафшон" газетасининг масъул котиби вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

"Ҳаётнома", "Бобокул Имомовни хотирлаб" "Камтарликдан улуглик излаб" китобларининг муаллифи.

ҚАЙГА БОРСАМ БОШДА ДЎППИМ...

Афсуски, ардоқли шоиримиз улуглаган бу шаъну гуруримизга айрим "жаннат кидираётган" юртдошларимиз доғ туширишмоқда.

Ўзбекистан Қаҳрамони, ҳурматли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" касидасини ўқимаган, уни қалбга жо қилмаган ўзбек топилмаса керак. Гап шундаки, халқимиз азал-азалдан гурурли, ор-номусли бўлиб келган. Шу боис бошидаги дўпписини сира ечмаган. Дўппимиз билан халқимиз ифтихори, қолаверса, миллий гуруримиз белгиси сифатида мағрурланишган, миллатимиз шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлардан ҳазар қилишган.

Гурур дедик. Бу сўз замирида олам-олам маъно ётади. Мустақил мамлакатимиз жаҳоний шуҳрат топмоқда. Етти иқлим мамлакатлари бугун Ўзбекистонни тан олиб, у билан дўстона алоқаларни йўлга қўймоқда. Жаҳон ҳамжамиятида юртимизнинг иқтисодий, маданий, сиёсий соҳалардаги обрўси тобора ошиб бормоқда.

Диёримиз спортчилари эришаётган ютуқлар, байроғимизнинг минг бора кўтарилиб, мағрур ҳилпираётгани-чи? Тинчлик ва осуда ҳаёт учун курашда Ўзбекистоннинг тутаётган ўзига хос ва мос йўли-чи? Ўзбек моделининг жаҳон афкор оммаси томонидан тан олинаётгани-чи?

Булар бизга гурур бағишламайдими? Фахрлансак арзимайдими?

Ургут оҳанглари

Аммо... Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, орамизда ўзбек деган улуг номга доғ тушириб, ўз шаъни ва гурурини поймол этаётган, қолаверса оёқости қилаётган, муқаддас дўпписини аллақандай "кепка"ларга алмаштираётган айрим кимсалар ҳам учраб турмоқда. Майли, буни юртимиздаги ўсиш-ўзгариш, ривожланишга йўйлик, ўзимизга таскин берайлик. Лекин ўзбек ўзбеклигича қолиши, кадр-қимматини йўқотмаслиги керак.

Мен айтмоқчи бўлган гап дўппи ҳақида эмас. Бошида дўпписи бўла туриб, ўз шаъни, гурурини йўқотаётган айрим юртдошларимиз ҳақидадир.

Яратганга минг қатла шукурлар бўлсинки, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин. Инчунин, одамларимиз учун жаҳонга тўрт дарвоза ҳам очик: эмин-эркин яшаш, юртимиз, фарзандларимиз учун қанча фидойилик кўрсатаман деса, барча шароит яратиб қўйилибди. Хохлаган иқлимга, истаган пайтда бориб-келиши мумкин. Меҳнат қиламан деганга иш ҳам топилади. Бунинг учун расмий идоралар, маҳкамалар фаолият кўрсатиб турибди. Марҳамат, сайёҳлик дейсизми, тижорат дейсизми, ҳаж сафари дейсизми. Бундай имкониятни яратиб берган Президентимизга минг бор раҳматлар бўлсин. Лекин бу дегани айрим кишилар учун "тўрт томонинг қибла, хохлаган ишингни қилавер, кетсанг-кетавер" дегани эмас. Шаҳар бедарвоза бўлмаганидек, ҳамма нарсанинг ҳам ўлчови, мезони, меъёри бор. Қолаверса, гуруримиз бор. Гурур, ор-номус бор жойда барака бўлади.

Лекин кўплар халқимизнинг: "Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу" деган нақлини унутиб қўйишяпти. Чет эл деса оғзи сув очади. Назарида бегона юртларда пул дегани сувдай оқиб ётгандай. Шу йўлда миллий гурурни ҳам, юрт шаънини ҳам, халқини ҳам эсдан чиқаради.

Хизмат юзасидан кўпгина жойларда бўлишга, турфа одамлар билан суҳбатлашишга тўғри келади. Ўшандай пайтларда халқимиз номига сира ярашмайдиган айрим гап-сўзларни эшитиб, очиги, хафа бўлиб кетасан киши.

– Ҳозир одамларимизнинг кўпи Қозоғистонга, Россияга кетиб қолган, – деди маъракада ўтирган бир мўйсафид. – Қиламан деса ўзимизда иш каммиди? Бундайларга "суф" дегинг келади. Эсиз йиғитлар-а!

Қизиқиб сўрадим:

– Отаҳон, Қозоғистонда дедингизми? У ерда улар нима қилишади?

– Нима қилишарди? Тирикчилик важдан-да. Чойчака топиб келармиш. Гурури йўқ уларнинг. Агар бўлганида ойлаб бола-чақасини ташлаб

кетармиди?

– Тушунмадим. Нима, давлат юмуши билан кетишганми улар?

– Қаёқда дейсиз, – дея гапга аралашди иккинчи чол, – мардикорчилик қилишади. "Чоракор"-да!

– Тунов кунни биттаси билан суҳбатлашиб қолдим, – дея гапга аралашди учинчи киши. – Ўша ёқдан келибди. Айтишича, одамларимиз пахтада, томоркаларда ишлашаркан, мол боқишаркан. Соҳиби эса от устида қўлида камчиси билан уларни тергаб тураркан. Ёқмаганини тиллаб ҳақоратлаб, ҳатто урар ҳам экан. Икки-учтаси зўрға қочиб қутулишибди. Шу ҳам иш бўлдим! Эҳ бундай йигитларга уят-эй! Бундан кўра ўз юртимизнинг подасини боқиб юрган афзалмасми? Бегона юртда шох бўлгандан кўра, ўз юртингда гадо бўлганинг яхши.

– Нима, уларни сураб-суриштирадиганлар йўқми? Маҳалла, хўжалик дегандай. Ахир шаҳар бедарвоза эмас-ку! Дарахтнинг мўртини қурт ейди, дейишади. Юртимиз мустақиллигини кўролмаган ғаламислар домига ҳам шунакалар илинади.

– Суриштирадиган, иш йўқ, деб ваз кўрсатишади. Аслида ўзларининг меҳнатга товлари йўқ. Нима, ишлайман деса иш топилмайдими, – дейди тўртинчи суҳбатдош. – Одамнинг ўзида гурур бўлиши керак. Қолгани бекор гап.

Шу хилдаги янги гаплардан воқиф бўлар эканман, ўзбек деган номга доғ тушираётган юртдошларимиз ҳақида уйлаб кетдим. Наҳотки, шунчалик пулга, молу давлатга ҳирс қўйиб қолишди. Ҳалол ишлаган одамлар буларни юртимизда ҳам топаётми-ку.

Америка Қўшма Штатларига хизмат вазидан бориб-келган бир олим билан учрашиб қолдим.

– Кўчада ёқилги қўйиш шохобчасида навбат кутиб тургандик, – дейди у. – Шунда қулогимга икки йигитнинг ўзбекча сўзлашаётгани чалинди. Юрагим алланечук бўлиб кетди. "Сехрли диёр"да ўзбекона суҳбат ҳамма учун ғайритабиий бўлса керак. Қизиқиб, уларни суриштириб қолдим. Бири туппа-тузук ишда ишлаган, олий маълумотли йигит экан. Иккинчисининг эса касби ўқитувчи. Бу ерда улар келиб тўхтаган машиналарнинг ойналарини тозалаш билан оворалар. Бошларида хорижий кепкалар. Ўзимдан-ўзим уялиб кетдим.

– Мен уни танидим, – дейди иккинчи суҳбатдош. – Олим, фан номзоди эди. Олийгоҳлардан бирида домлалик қиларди. Қўлида белкурак, машинага чиқинди ортаётган экан. Кўриб роса изза бўлди. "Ҳеч кимга айтмангизлар, тирикчилик-да", – деди у биздан кўзини олиб қочиб.

Қўшни республикалар энди бу оёғимиз остидаги жойлар. Бирок Америка қаёқдаю, Арабистону Исроил қаёқда. Корея давлатлари-чи?

Ургут оҳанглари


Тупканинг туби деса бўлади. У ердагилар биз, ўзбекистонликлар ҳақида тамомила бошқача тасаввурга эгалар. Мард, танги, меҳмоннавоз сифатида билишади бизни. Мухтарам Юртбошимизга кўрсатилаётган иззат-инқромлар бежиз эмас-ку, ахир!

Биз-чи! "Сиз билан биз шундай номга муносиб бўла олаяпмизми? Юртимиз шаъни, обрўси учун қайғураяпмизми?" – деган савол бугун ҳар бир кишининг кўнглидан ўтиши керак.

Лекин юқорида айтганимиздек, бу эрк ва озодликни арзимаган ишлар, "тирикчилик" учун поймол қилиш керакмикин? Ота-боболаримиз, аجدодларимиз асрлар оша ардоқлаб келган ғуруримиз қайда қолади?

Олий маълумотли, тоғни урса талқон қиладиган йигитларимизнинг кўчама-кўча, шаҳарма-шаҳар дайдиб, "ризк" териб юрганлиги ўзини билган ҳар қандай киши учун исноддир. Билиминг, коринг, ғайратинг бўлса, ўзимизда – юртимизда кўрсат, ишлайман деганга истаганча иш топилади. Хўжаликларда ҳам. Тадбиркорлик қилиш учун ким кимнинг қўлини ушлаб турибди?

Бундай ўз шаъни ва ғурурини поймол қиладиган кишилар албатта озчиликни ташкил қилади. Шундай бўлса-да, ана шу "озчилик" бутун бир юртнинг, бутун бир халқнинг кадр-кимматини оёқости қилиши мумкин. Зеро, бошида дўпписи бор одам бундай йўлга кирмаслиги керак.



Амриддин БЕРДИМУРОДОВ



1954 йилда Мўминобод қишлоғида туғилган. 1978 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини битирган.

1979-1984 йиллар М.Ломоносов номи Москва Давлат университетида малака оширган ва аспирантурада ўқиган. 1985 йил Москвада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бир неча илмий ва оммабоп китоблар муаллифи. Франциядаги Темурийлар

тарихини ўрганувчилар ассоциациясининг вице-президенти. Ҳозирда Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти директори.

УРГУТ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА

Ўзининг меҳнатсевар, ишбилармон ва хунарманд халқи, сўлим табиати, сервиқор тоғлари билан машҳур бўлган Ургутнинг тарихи мозийнинг энг чуқур илдизларига бориб туташади. Ургут туманининг тоғлари ва майдонида одамзод ибтидоий даврларданок яшай бошлаганлиги олимлар томонидан исботланган.

Бундан уч минг беш юз йиллар, бронза даврида тумanning Мўминобод қишлоғида яшаган қадимий аجدодларимиз темирчилик, заргарлик ва кулолчиликда катта ютуқларга эришганликларини бу ердан топилган ашёвий далиллар кўрсатиб турибди. Ўрта Осиёда топилган энг қадимий мусиқа асбоби, бундан 3,5 минг йил илгари суякдан ясалган, Ҳозирда ҳам чалишга ярайдиган қадимий най ҳам худди шу Мўминобод қишлоғида топилгандир.

Антик даврдан бошлаб Ургут тарихий манбалардан тилга олина бошлайди. Александр Македонский ва Искандар Зулкарнайннинг Ўрта Осиёга қилган юришларини ёритган юнон тарихчилари Искандар Мароканд Самарқандни эгаллаганидан сўнг унинг жанубий-шарқий томонида жойлашган Парадис деган жойда ов қилганлигини ёзганлар. Парадис подшоҳлар ов қилишига мўлжалланган махсус кўрикхона бўлиб, бу ерда юнонлар

Ургут оханглари

келишидан илгари ҳам Сугд подшолари ов килишиб, дам олганлар.

Шунингдек, антик давр тарихчилари Ургут ҳудудида яшаган халқлар юнон боскинчиларига қарши мардоновор жанг килишиб ёвга катта талофот етказганликларини ҳам ёзиб кетганлар.

Ургут тумани ҳудудида, Гиштомачит қишлоғи яқинида жойлашган Қулдортепа шаҳарчасининг ҳам Ўзбекистон тарихида алоҳида аҳамияти бордир. Қадимги Маймурғ давлатининг пойтахти Босиденинг ўрни бўлган Қулдортепа шаҳарчаси 16 майдонии эгаллайди. Антиқ даврда барпо қилинган, атрофи баланд, мустаҳкам муҳофаа девори билан ўралган, арк, шаҳристон ва работдан иборат бўлган бу шаҳарча фуқаролари антиқ ва илк ўрта, ўрта асрларда Турон юртида кечган катта-кичик жараёнларга фаол қатнашганлар. Бу ерда ўтказилган археологик қазишмалар Қулдортепада ҳунармандчилик, санъат-маъданият ва шаҳарсозлик яхши ривожланганлигини кўрсатди.

Маймурғ ҳукмдори илк ўрта асрларда мустиқил равишда Хитой императори ҳузурига бир неча марта элчилар ва савдо қарвонлари жўнатганлиги Хитой йилномаларида қайд этилган.

Маълумки, то VIII асргача аجدодларимиз оташпарастлик динига эътиқод қилганлар.

Тарихий манбаларда оташпарастлик ибодатхоналари ҳақидаги анчагина маълумотлар учрайди. Аммо шу пайтгача яхши сақланган оташпарастлар ибодатхонаси топилмаган эди. Ургут туманида олиб борилган археология тадқиқотлари ўзининг яхши самарасини берди. Археология институти олимлари туманнинг Жартепа қишлоғида сақланган, VI-VIII асрларда фаолият кўрсатган оташпарастлар ибодатхонасини тўлиқ очиб ўргандилар. Жартепадан топиб ўрганилган бу ибодатхона оташпарастлик динининг ақидаларини, маросимларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.


Айвон, зал, меҳроб ва нақшлар ясайдиган ҳужралардан иборат бўлган бу ибодатхона ўзининг меъморий ечимлари билан шаҳар ташқарисидаги йирик ибодатхоналардан қолтирмайди. Ибодатхонанинг зали ва меҳробининг деворлари диний мавзудаги деворий суратлар билан қоплангандир.

Меҳробнинг остига эса оташпарастлик дини худосининг сурати ишланган. Орадан бир неча асрлар ўтганлигига қарамай суратлар ўз

рагини йўқотмаган. Ибодатхонанинг устунлари эса жимжимадор нақшлар билан копланган.

Ибодатхонадан топилган кумуш хайкалча, Хитойдан келтирилган бронза ойна, темирдан ясалган кўнгироклар Японияда ўтказилган кўргазмада намоиш этилганида японларнинг таҳсинларига сазовор бўлди. Ҳозирда Жартена ибодатхонаси хориждан келадиган олимлар учун доимий зиёратгоҳга айланди. Тарихий манбалардан маълумки, қадимда ҳар бир диннинг ичида кучли зиддиятлар юз берган ва натижада ҳар хил диний оқимлар пайдо бўлган. Шундай ички зиддият IV асрда христиан динининг ичида ҳам юз берган. Натижада бу динда икки оқим пайдо бўлганди.

Шундан сўнг мағлуб бўлган оқим тарафдорлари Суриядан Эронга қочиб жон саклашга мажбур бўлгандилар. Мағлуб бўлиб Эронга қочган бу христианларни несторионлар деб атаганлар. Несторионлар бир неча аср Эронда яшашгач, бу ерда ҳам қувгинга учраганлар ва натижада бизнинг юртимизга келишга мажбур бўлганлар. Несторионларнинг бир гуруҳи Самарқанддан паноҳ топадилар. Катта гуруҳ эса Ургутга келиб шаҳарнинг жанубий томонида, ҳозирги Сўфиён қишлоғининг тепасида кўним топадилар.





Феруза ШОДИЕВА

1972 йилда Найман қишлоғида туғилган.
1995 йилда Тошкент Давлат университетини
битирган. Айти пайтда Ўзбекистон
радиосининг "Маиҳал" эшиттиришлар бош
муҳарририясида ишлайди.

ҲАСРАТ

Бугун ҳасратимнинг сўкилди чоки,
Минг йиллик дардимни кўзгатди хаёл.
Дилга чўкиб кетган ҳисни уйғотиб.
Ёдга солиб кетди исмингни шамол.

Бугун қирқ хонамда чироқлар ёниб,
Аёвсиз ёқдилар бедор руҳимни.
Юрагим ададсиз қайғуга қониб,
Мен топдим оромбахш ғам-андуҳимни.

Андуҳим, кўкларга алишмам сени,
Қирқ йил қирон келса юрак - қалқоним.
Дунёларга бергим келмайди сени,
Қувончга ўтгайдир сен-ла ҳар оним...

Бугун ҳасратимнинг сўкилди чоки...

Бу кеч шамолларга беролмам бардош,
Бу кеч саболарга беролмам бардош.
Юрагимни тешиб оқиб ўтар куй,
Бу кеч наволарга беролмам бардош.

Бу кеч азобларим қабирдан қабир,
Ўзимга худодан тилайман сабр.
Дунёнинг гул бўлди, дунём кул бўлди,
Суйиб қуйиб қолган юрагим оғрир.

Бу кеч мени гамлар ютар-да кетар,
Қароғлардан сим-сим қайгулар оқар.
Армонга юзлашган менинг хур севгим,
Ҳижрондан нолаю фигонлар ютар.

Дилимга афсусдан шароб тутар Мох,
Ўзимни овутиб қилгайман гуноҳ,
Соғинчлар вужудим йиқмоқ истайди,
Ижросига интиқ кимдир қазган чоҳ...


Бу кеч шамолларга беролмам бардош...

Синикқан самода кезади бир рух,
Фаромуш кечанинг эртаги ҳазин,
Дилхатсиз юракка санчилган андух.
Қаландар куйини чертади маҳзун.

Дил - менинг боримни ютган ичига,
Мўнглари томиридан гуллайди очун.
Тоза нигоҳимга гуноҳ ичирган
Кўзларинг кўзимда йиғлайди бир кун.

Бир ғариб кулбада кўнгил асранди,
Афсунгар макрига қулайди сабрим.
Бир дунё сеҳрига қўлларим банди,
Юрагинг - бу менинг энг чуқур қабрим.

Покдил рух кезади, фалак - қабристон.





Баҳодир ЖЎРАЕВ

1973 йилда Гўс қишлоғида туғилган.
Ўзбекистон Миллий университетининг
журналистика факультетини битирган.

Ҳозир Ўзбекистон телерадиокомпаниясида
ишляпти. "Тунги офтоб" китобининг
муаллифи.

* * *

Туш кўради тунлари юрак,
Кушчаларнинг киприкларини.
Бешигида тимдалар гўдак
Йўргакларнинг шитирларини.
Томчилайди севинчлар унут
Хотиранинг камчил шифтидан.
Қалкиб тушар оқ оппок тобут
Бойчечакнинг ҳорғин кифтидан.
Кўзларимда майсалар унар
Шивиридан эрка ёмғирнинг.
Тушларида кўллари синар,
Ўз элини сотган ботирнинг.

ОЙДИН КУНЛАР КЕЛАДИ

Нечун бугун юзларинг маъюс,
Нечун кора кўзларингда ёш?
Менинг кўлим самога юлдуз,
Отаверар кўзларингга тош.
Оҳ азизам, не эди тилак?
Сени алдар шубҳалар ёмон.
Севмагандим мен сендан бўлак,
Севмагандим тоғларни, ишон,
Кўй йиғлогим, бошгинанг эгма,

Ўтинаман, кулиб боқ бир дам.
Ҳали севинч тутиб этакка,
Ойдин кунлар келар бизга ҳам...
Ишонгил, эркам...
Мен дунёга термулдим - боқдим.
Бор-будига урилди этим.
Минг ўтига жонимни ёқдим,
Самандар деб айтмади ҳеч ким...
Мен дунёни кутардим сездим.
Ва ҳажмини топмадим аммо.
Бир кишига камайиб гоҳи,
Бир кишига тўларкан гоҳо.
Мен дунёга эргашдим-билдим,
Кимдир бунга насиба тилар,
Кимларнидир ризқини излаб,
Бўри бўлиб изғийди кимлар...
Кўзим очдим, изғидим охир.
Бу дунёни англадим бир кам,
Шоирлари туғилиб бедил,
Шоирлари ўларкан ишқдан...
Мен дунёни англадим, сездим.

МУВАШШАХ

Ҳарир саболарга исмингни чизиб,
Айланиб чархга-ю жонимни эзиб,
Дунёлар борлигин унутиб, кезиб,
Изғидим кўзларинг қаролиғида

Чидаб минг оғриққа – бошимни эгиб,
Алдадим ўзимга ўзимни бериб.
Гуноҳкор кўзларим кўнглим беркитиб
Адашдим сочларинг оралиғида...



Мақсуд ЖОНИХОНОВ

1979 йилда Мангитобод қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини битаириб, "Қишлоқ ҳаёти" газетасида ишлаган. Ҳозир "Халқ сўзи" газетасида фаолият кўрсатмоқда.

"Йилнинг энг фаол журналисти", "Олтин қалам" (2005) танлови голиби бўлган.

АНГЛАШ

Мазкур мисралар ҳазрат Алихонтўра Соғунийнинг "Тарихи Муҳаммадий" деб номланмиш улуғ асарини мутолаа қилиш асносида дилимга келган. Уни ўзимча "Англаш" деб номладим. Зеро, инсон тирик экан, ўзини, сўзини, ботину зоҳирини англаш учун яратилган деб ўйлайман. Ва ўз ўрнида барча-барчага "Тарихи Муҳаммадий" китобини ўқишни тавсия этардим.

Дилимга хуш калом солдинг: "Ла илаҳа иллоллоҳ",
Ҳам танидим ўз қулингни: "Муҳаммадур расулуллоҳ".

Йўқ эдим-ку, бунёд этдинг, меҳринг ила пайдо қилдинг,
Шукур дейман, яна менга пок лафзлар бердинг Аллоҳ:

Йўлда эдим, кўришганлар сўрдиларким аслинг недур?
Жавоб бердим: онам Ҳавво, падаримдир Одам Ато!

Шундок дея аста-секин англаяпман вужудимни,
Яна билдим илк пайгамбар - Одам ул Сафийуллоҳ.

Фарзандингдан бўлгил жудо, дея амр этди Худо,
Фақат ҳаққа талпинмоққа ўргатди ул Халилуллоҳ.

Тўрт томонга бокиб нолон, Сарварига бўлди ҳайрон,
Бу ҳолатдан қўнгли шодон, ай, Мусо, ай, Калимуллоҳ!

"Факат Ани билингизлар, адолатга келингизлар" -
Дея пайгом келтирди дуогўй Нух Набийуллоҳ!

Уммати илҳақ доим, орзу битмас то Қойим,
Ҳабиб пок иймонлига - Хизру Илӛс Ҳикматуллоҳ.

Жафо кўрган, жабр кўрган, собир эди сабр қилган,
Оқибатда кўр қавмидан кўкка кетди Рухуллоҳ!

Йиғирмаю яна уч йил, ғамлар ютган бул киши бил:
Ҳаққа етиб дўст тутинган ӛ Муҳаммад Ҳабибуллоҳ!

Ҳавас қилар сизга бугун жами дунӛ, аҳли мўмин,
Пайғамбарим авайлаган юз саҳоба - юзта огоҳ!

Қора эди кўриниши, тоат бўлди ҳар юмуши,
Еру осмон зир титради, Билол айтгач: "Улуг АЛЛОҲ!"

Ҳам дилига, ҳам динига Ҳамза эди мудом содиқ,
Шаҳид кетган жигарига деди Расул: "оҳ, Сайфуллоҳ!"

Ҳазрат Али, Ҳазрат Усмон, халифатур ар-Раҳмон,
Абу Бакр Сиддиқ ила Умар йўлдош - Асадуллоҳ!

Айтаверсак хислатларин, адоси йўқ бу зотларнинг
Фазилати қўллар бизни, гар адашсак, йўлда ногоҳ!

Улуғларнинг руҳи поки, кўргил энди азиз хоки,
Шу туфайли бир илинж, қалбга кўчди баногоҳ:

"Ҳар бандангнинг дилида, ҳар кунида, тунида,
Эзгу ишига ҳамроҳ, бўлса агар "Бисмиллоҳ!"

Балки Рўзи қиёмат, кафил бўлиб ибодат,
Барчамиздан шафқатин дариг тутмагай Аллоҳ.

Яна шуни сўрайман, ижобатин кўрай ман,
Видо чоғи насиб эт: "Ла илаҳа иллаллоҳ!..."



Мурод АҲМАДЖОНОВ

(1928-2000)

1928 йилда собиқ "Зарафшон" ширкат хўжалигида таваллуд топди.

1951-1952 йилларда туман ёшлар ташиқилотида ишлади.

1957 йилда 18-мактабда ўқитувчи, 1959-1991 йилларда 62-мактабда директорлик вазибаларида фаолият кўрсатди. Мурод Аҳмаджоновни кўпчилиқ шоир, ҳозиржавоб

мухбир сифатида яхши билади.

ЗАРАФШОН

Дунё томи - Помирни эмиб,
Водийларга оқар Зарафшон.
Зар сочувчи инжу кокилинг,
Сенга атаб ёздим шараф-шон.

Тошдан-тошга мудом шаркираб
Пишган сутдай даво бўлиб оқ.
Товус мисол товлан, яркираб,
Ерга кувват бўлиб тўлиб оқ.

Она дарё, кўксингда ўсдим,
Шаршаранг ҳам танамга малҳам.
Дарғомларга йўлингни бурдим,
Завк беради оламча илҳом.

Сен борсанки, етти иқлимнинг
Жаннатмакон боғлари бордир.
Зар сувингдан бахраманд бўлган
Ургутимнинг бағри баҳордир.

Фарзандингман, эй она дарём,
Бахт нурунгни айтиб оқавер.
Водийларга бериб минг жило,
Кўксимизга чечак такавер.

ҚАРИЯГА


*Ҳаёт қандай гўзалу, қандай ажойиб
Қани юз йил яшасанг, ҳеч қаримасанг.*

Мақсуд ШАЙХЗОДА

Йиллар из қолдирди гулгун чехрангда,
Ой мисол пешонанг ажин, қариям.
Умр ўтар экан тезкор дарёдай,
Ёш ўтган сайин қарир қариям.

Юрак кулбасида бешта дарича,
Истиклол йўлида равон қарайман.
Нигоҳимни қадаб ҳаёт майлига,
Соқол-сочларимни силлиқ тарайман.

Рухимда битта ҳамд қачон ва қачон,
Қисмат битигида нима ёзилган?
Бу зикр тагига ҳеч ким етмаган,
Умр эртагида нима ёзилган?





Латиф ШАРИФИЙ
(1936 - 2006)

1936 йилда Чағизмон маҳалласида таваллуд топган. 1967 йилда Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини битирган. У кўп йиллар 4-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

Латиф Шарифийнинг 2005 йилда "Боз" девони нашр этилди.

МЕНГА

Шеър - кўнгил подшоҳидан ёзмокка фармондир менга,
Сидкидил фармон адо килмоқ шараф-шондир менга.

Дўстларим, сувда балиқ яйраб нажот топган каби,
Шеърятнинг бир жаҳон завқи ширин жондир менга.

Зарнигор кошонаю мрамор равоат даркор эмас,
Ҳар ғазал шавқи буюк минг қасру айвондур менга.

Хусни дил бўлғайми деб заҳмат чекарман бир умр,
Орзуим гуллар экан, дунё гулистондир менга.

Мисра - зар, сўзлар - садаф бағрида тилсим маънидур,
Бебаҳо ганжим эрур, ул гавҳари кондир менга.

Қофия - иффат, ҳаё, қалбим - нафосат булбули,
Мағзи шеър - неклик гули: номуси виждондир менга.

Мақсадим манзилини топгум ғазал бирла, Латиф,
Чунки, у - кундуз қуёш, шамъи шабистондир менга.

БЎЛМАСА

Бош демасман, бошда гар ёди ҳаёнинг бўлмаса,
Кўз менга даркор эмас, акси жамолинг бўлмаса.

Тингламас эрса сўзинг, қолсин қулогим ҳам битиб,
Минг тилим бўлсин тилим, тилда мақолинг бўлмаса.

Ой эгилсин ёй мисол, осмон букилсин дол каби,
Гар дилим осмонида эгма ҳилолинг бўлмаса.

Қоматинг ёд айласам, шамшод кучарман боғ аро,
Савр синиб, шамшод қулар, қадди камолинг бўлмаса.

Аҳли ҳожи мақтаган Замзам сувини на қилай?
Ташна дилни қондирар лаъли зилолинг бўлмаса.

Минг бало бошимга келса қайтмагайман бегумон,
То садоқатда Латиф жуфти ҳалолинг бўлмаса.

МУҲАББАТ БЎЛМАСА

Кўзга асло нур-зиё тўлмас муҳаббат бўлмаса,
Дилда шодлик мутлақо бўлмас муҳаббат бўлмаса.

Мисра - зар, сўзлар - садаф бағрида тилсим маънидур,
Бебаҳо ганжим эрур, ул гавҳари кондир менга.

Қофия - иффат, ҳаё, қалбим - нафосат булбули,
Мағзи шеър - неклик гули: номуси виждондир менга.

Мақсадим манзилини топгум газал бирла, Латиф,
Чулки, у - кундуз қуёш, шамъи шабистондир менга.



Лўъбат УМАРОВА

(1936 - 1984)

1936 йил Камангаронча маҳалласида туғилган.

Л.Умарова ёшлик чоғлариданоқ тўшакка михланиб қолди. Аммо шеъриятга, ижодга сидқидилдан берилди. Унинг кўплаб шеърлари туман газетасида чоп этилган. "Шеърят қатидаги аёл" китоби нашр қилинган.

ОНАЖОН

Парвонаман қадду бўйингга,
Гуллар териб тутай кўлингга.
Айлай фидо жоним йўлингга,
Меҳрибоним, жоним онажон.

Оппок ювиб, оппок тарадинг,
Қад-бўйимга мудом қарадинг.
Шодмон кўрсанг гулдай яйрадинг,
Қадрдоним, жоним онажон.

Сен эурсан ҳаётим боши,
Умрим мазмуни, дил куёши.
Қалбга яқин меҳрим сирдоши,
Гулистоним, жоним онажон.

Онг-фикримга сен бериб шуур,
Кўзларимга бағишладинг нур,
Она десам қиламан ҳузур,
Бог-бўстоним, жоним онажон.

Фарзандим деб чекдинг азият,
Хизматинг-чун азизим, раҳмат.
Таъзимдадур дилбандинг ҳар вақт,
Шеър, дostonим, жоним онажон.

Дил дардига элтувчи малҳам,
Сахийликда мисоли Хотам.
Бошим узра нур сочган ҳар дам,
Бунёдкорим, жоним онажон.


Боши осмон фарзандинг ўзим,
Сенга тилаб омонлик, тўзим,
Яқунладим мен Лўъбат сўзим,
Моҳтобоним, жоним онажон.

ИЗЛАЙМАН

Ёшликдаги бир йўлдошни излайман,
Ширмон юзли қаламқошни излайман.
Дилга яқин чин сирдошни излайман,
Аҳди содиқ вафодорни излайман.

Сени излаб учратмадим ҳаётда,
Гоҳ пиёда, гоҳ юрдинг Ғиротда.
Номинг кўшдим алёру шеър, баётга,
Дардга малҳам шифокорни излайман.

Кўнгил куши талпинади сен сари,
Хаёлимдан бир он кетмайсан нари.
Эъзоздадир чин муҳаббат гавҳари,
Кўнглим олган ул.





Эргаши МАЖИДИЙ

1937 йилда Испанза қишлоғида туғилган. 1963 йил Самарқанд давлат дорилфунуни-нинг филология факультетини битирган. 1964-1967 йилларда республика ва туман газеталари, ҳозирги "Тонг юлдузи", "Ургут садоси" таҳририятларида фаолият кўрсатди.

Кўп йиллар давомида ўқитувчилик қилди.

Э.Мажидовнинг "Юз бир чинор ҳикояси" номли ilk китоби 1972 йил босилиб чиқди. Унинг бадиий ижод намуналари "Осмондаги дарвоза" (1974 йил), "Бойчечак" (1987 йил), "Бизнинг олам" (1988 йил) тўпламларида нашр этилган.

СЎЗНИНГ РАНГИН ДУНЁСИ

(Туюқлар гулдастаси)

1. БИНО

Орзули дунё бу, бўлдингми бино-

Албат бир нарсага кўясан бино.

Мен тилимни севдим, тажнисдан унга

Мисралар боғида тикладим бино.

2. СОЗ

Тажнис ҳадя қилди менга ажиб соз,

Унга кидираман янгича куй-соз.

Мажидий, "Бир ўлмас кўшиқ яратиш"-

Шавқида изланиб яшаш қандай соз!

3. АСРОРДИР

Сўз мукалдас - тилсим дунё, маъно унда асрордир,

Ўн саккиз минг оламни у ўз бағрида асрордир.

Сўз маъносин билганларга бу оламлар юз очар,

Англамаслар, ҳатто, ўзи бир-бирига асрордир.

4. ЎТАЙМАН

Оро бериб Сўз боғига алаф - ўтин ўтайман,

Зеро эриб, бол мевалар тутса, бурчим ўтайман.

Орзум: одам айтар сўзи фақат латиф сўз бўлса,
Маъно териб бу ҳаётдан, демаса ҳеч: "Ўтай ман!"

5. ЎРГАН

Бу олам ибратга бой, ўқиб ўрган,
Азалдан ҳар инсон экканин ўрган.
Халқ меҳрин қозонар ҳамиша ҳалол -
Тер тўқиб бахт қизин сочини ўрган.

6. ЁШ


"Қачон ёр-дўстларинг келса кўзинг ёш,
Нечун кўз ёш қилурсан? - дема, э, ёш!
Масалким: "Оққан ариққа оқар сув-
Кўнгулдан сув ичиб кўнгул бўлур ёш."

7. САНА

Десалар: "Мунча ҳам ёқимли сан-а!"
Яйра, бу - сен учун энг қутлуғ сана.
Валекин мақтовга қул бўлиб қолсанг,
Ўзингни дунёга келмаган сана.

8. КЎЗЛАР

Нодон ўзин мақтаб, молин кўз-кўзлар,
Доно эл-юртининг иқболин кўзлар.
Бу ҳикмат ақлининг қалити эрур:
"Фош этар одамлар қалб-ҳолин кўзлар".





Нарзулла ФАЙЗИЙ
(1938 - 2004)

1938 йилда Испанза қишлоғида туғилган.
1962 йилда Самарқанд Давлат
университетининг филология факультетини
битирган.

Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси
аъзоси Н.Файзиев кўп йиллар "Ургут садоси"
газетасида масъул котиб, бўлим мудури
сифатида фаолият кўрсатди. "Чашмалар"

адабий тўғарагининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишида
катта ҳисса қўшди.

"Ой юзинг армон менга", "Садоқат", "Бир гўзал хаёлида"
китоблари муаллифи.

УРГУТ

Сенда туғилганман.

Сенда ўсганман,

Биринчи одимни сенда ташладим.

Ватан деб илк бора сени билганман,

Шарбатинг эмганман,

Кучга тўлганман,

Севаман сени, Ургут.

Йигитдай навкирон, кўркам, барваста,

Ҳар бир чинорнингга кўнглим пайваста.

Биллурий чашмангдан чанқоғим доим -

Босганман, азизсан, туғилган жойим.

Севаман сени, Ургут.

Юқори Чинорнинг мармар хавоси.

Испанза ва Ғўснинг олма, гилоси,

Кенагас боғида пишган олхўри -

Барчаси ҳар дардга бўлгуси дору

Севаман сени, Ургут.

Анвойи боғларинг - булбулнинг сози,
Тоғингнинг ревочи, анзур пиёзи,
Шухрати таралган оқ кишмиш токинг
Кўзимга тўтиё ҳар сиқим хокинг.
Севаман сени, Ургут.

Бепоён юртимни кезиб юрган чоғ,
Кўзимга ташланган ҳар бўстон, ҳар боғ,
Қадрдон Ургутим, сени эслатар,
Хаёлим бир онда сен томон етар.
Севаман сени, Ургут.

Биламан, хўп кўнгли очик Ургутсан,
Меҳмонларга қўли очик Ургутсан.
Баҳор чоғи гўё яшил баркутсан,
Дала боғинг ҳосилга кон, серкутсан.
Севаман сени, Ургут.


Десалар менгаки "Ургутни алиш -
Ўрнига берайлик биз сенга беҳишт"
Алмашсам кўр қилсин узумзор боғинг,
Севаман сени, Ургут.

ҲАЙРОНМАНКИ

Йиллар ўтар, бошга кўнар қор,
Катта-кичик этар эҳтиром.
Чугур-чугур қилиб атрофни,
Неваралар ўрайди тамом.
-Эртак айтинг, бобожон, - дерлар.
Бу фазилат болаларга хос,
Ўша чоғда бугунги ишлар
Эртак учун бўлгуси асос.
Биров сўзлар саҳро заҳмига
Дил ўтини этганин малҳам.
Биров сўзлар Зухро саҳнига
Қўйганини мардона кадам.
Биров сўзлар асов дарёнинг
Жиловини чўлга бурганин.

Ургут оҳанглари

Биров сўзлар илм бобида
Зўр иморат бино курганин.
Биров сўзлар фазо кемасин
Дастлаб ўзи ато этганин..
Биров сўзлар халқига манзур
Даста-даста китоб битганин...
О, нафс учун бугун нарвонсиз,
Юлдуз урмоқ бўлган баъзилар.
Ҳайронманки, ўша сония,
Ҳаётдан неларни сўзлар?..



Нажмиддин НУРМАТОВ



1940 йилда Мерганча қишлоғида туғилди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги техникумида, сўнг Самарқанд давлат педагогика олийгоҳи рус тили ва адабиёти факультетида таълим олди. 56-мактабда рус тили ўқитувчиси, 1975-1991 йилларда шу мактаб директори сифатида фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.

ЛАТИФАНАМО ВОКЕИЙ ҲОДИСАЛАР

“ҚОЧИБ КЕТГАН” МАШИНА

Бу воқеа анча йиллар олдин бўлиб ўтган эди. Машаққатли яна бир иш кунимни тугатиб, мактабдан уйга қайтаяпман.

Ўшанда яп-янги «Жигули» автомашинам бўлиб, жуда-жуда авайлаб минардим. Уни ҳайдаб келар эканман, йўл четида кўним топган фельдшерлик биносига кўз югуртирдим. Қарасам, эшик очик. Собиқ «Дехқонобод» ширкат хўжалигидаги Нисбот қишлоғидан Қурбонбой Ҳайдаров фельдшер бўлиб ишлар, гоҳ-гоҳида мен ҳам унинг тиббий ёрдамидан фойдаланиб турардим.

Машинани йўл четида тўхтатиб, Қурбонбойдан ниманидир сўрамоқчи бўлиб, унинг олдига кириб бордим.

Қурбонбой билан тик турган ҳолда эндигина гаплаша бошлаган эдик, дераза ташқаридан кўриниб турган йўлда одамсиз кетаётган машинага кўзим тушди. Олдинига лол қолиб, ё товба, машина ҳам одамсиз юра олар экан-да! - деб эсанкираб турдим. Бирдан сергак тортдим. Ахир у менинг машинам-ку! Шошилганимдан тўхтатиш ускунасини ишга туширмай кетаверган эканман-да.

Ҳар иккаламиз ҳам ташқарига отилиб чиқдик. Машинам қия йўлда тезлашиб, 25 - 30 метрча узокликда пастлик томон тобора суръатини ошириб бораёпти.

Қурбонбой у пайтларда ҳали ёш, чакқон эди. Биринчи бўлиб ўк тезлигида машинани кувиб кетди. Мен ҳам унинг ортидан ҳаллослаб, каловланиб югуриб бораёпман. Ана, машинам йўлдан четлашиб, пастликка, жарликка томон яқинлашиб бораёпти.



Ургут оханглари

Хайрият, отасига минг раҳмат Қурбонбойнинг, «Жигули»м жарликка тушиб кетишига икки-уч метрча қолганда унга етиб олди, эшикни очиб, уни тўхтатиб қолишга улгурди.

ИССИҚДА ҚОЛМАСИН ДЕСАМ...

Яп-янги машина сотиб олган пайтларим эди. Уни ниҳоятда авайлайман.

Ёзнинг жазирама иссиғида қаердандир келиб, машинамни дарахтлар соясига қўйиб, ичкари кириб кетдим.

Икки - уч соатча дам олиб, ташқарига чиқдим. Қарасам, «Жигули»м устидан соя кетиб, иссиқда қолиб кетибди. Унинг олдига бориб, 2 - 3 метрча масофадаги сояга юргизиб, тўхтатиб қўймоқчи бўлдим. Аксига олиб, калитни уйда қолдириб чиккан эканман.

Кел, ўзини итариб, сояга олиб қўяқолай, деган хаёлда тўхтатиш ускунасини бўшатдим. Лекин машина кўзгалмагач, пастга тушиб, орқасидан олд томонга итара бошладим.

Машина кўзғалиб, бирдан чап томонга оғиб, катта арик томон юра бошлади. Қўрқиб кетдим. Яна бир метрлар чамаси ҳаракат қилса, арикка ағдарилиб тушиши аниқ. Зудлик билан орқа томонидан олд томонига ўтдим ва бор кучим билан машинани тўхтатиб қолишга ҳаракат қилдим. Яна ярим метрча ҳаракатини давом эттириб, ниҳоят машина менинг кучимга бўйсунисига мажбур бўлди.

Бутун вужудим билан машинани тўхтатиб ушлаб турибман. Уни бир сония ҳам холи қолдиришга имкон йўқ. У ёқ - бу ёққа алаңлайман. Аксига олиб яқин атрофда бирор киши кўринмайдикан ёрдамга чақирсам, Машина гилдираги остига бирор тош ё каттароқ кесак қўяй десам, иложи йўқ, қўйиб юборсам иш чатоқ.

Бакиришга тушдим:

-Ҳой хотин! Бу ёққа кел! Тезроқ чоп! Тез бўл!

Турмуш ўртоғим уйдан отилиб чиқди ва мени бу ҳолатда кўриб хай-хайлаганича чопиб келди.

-Нима бўлди?! Нима қилай?!

-Хув анови каттакон тошини олиб кел-у машина оёғи тагига қўй!

Машина гилдираги остига тош қўйилдию, ниҳоят мен оғир юкдан халос бўлдим.

Ёрқин ЙЎЛДОШЕВ



Ёрқин Йўлдошев 1941 йилда Баландкишлоқ кишлоғида туғилган. Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини битирган. Матбаа корхоналарида ишчи, "Ургут садоси" газетасида мухбир, туман маҳаллий радио эшиттириш таҳририятида муҳаррир, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими раиси вазифаларида ишлаган.

"Бибиҳоним" (2002), "Қишлоқ дорилфунуни" (2006) ва "Ургут тиббиёти тарихи" (2009) китобларининг муаллифи.

ЗУҲАЛ ЮЛДУЗИ

(Бир парда, уч кўринишли драмадан парча)

Иштирок этувчилар:

Амир Темур - 68 ёшда.

Накшбанд (Амирнинг пири) - 76 ёшда.

Хожа Аҳмад (Амирнинг маҳрами) - 57 ёшда.

Ҳофиз Абрў (тарихнавис) - 43 ёшда.

Ибн Саид (муҳандис) - 55 ёшда.

Хазинабон - 50 ёшда.

Шоҳрух Мирзо - 27 ёшда.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек - 10 ёшда.

(Вазирлар, уламолар, тўралар, навкарлар, созанда-ю машшоқлар).

УЧИНЧИ САҲНА

Саҳна очилганда мунгли куй басталанган кўшиқни ижро этаётган ҳофизни кўрамиз. Амир Соҳибқирон тахт узра сиқорли ўтирибди. Атрофида вазирлар, уламолар, тўралар ва бошқалар кўшиқ тингламоқдалар.

Кўшиқ тугагач, Амир ҳазратларининг ишоратлари билан ҳофизлару созандалар таъзим қилиб чиқиб кетадилар. Тўралар орасида Хуросон ҳокими Шоҳрух Мирзо ҳам бор. Амир бошини кўтариб Мирзога юзланди.

Ургут оҳанглари

Амир Темур: - Шахзодам, набирам Муҳаммад Тарағайнинг хузурига чорласангиз.

Шохрух мирзо (таъзим билан): - Ҳозир чакирурмен, падари бузрукворим. (Чикади).

Бироздан сўнг Шохрух мирзо Улуғбек билан кириб келади.

Улуғбек: - Ассалому алайкум, бобожон!

Амир Темур: - Келдингизму, болам! (Пешонасидан ўпиб, ёнидан жой кўрсатади).

Амир Темур: - Хазиначон! ...

Хазиначон: - Хизматингиздаман, давлатпаноҳ!

Амир Темур: - Исфаҳон қиличини келтиринг!

Хазиначон: - Хўп бўлади, амирим! (Чиқиб кетади).

Амир Темур (Пирига юзланиб): - Ҳазратим! Биз сафардан қайтгонча Улуғбек тўрани ислом ақидаларидан воқиф этурсиз.

Накшбанд: - Иншооллоҳ.

Амир Темур: (Шохрух мирзога юзланиб): - Шахзодам, Улуғбек тўранинг зеҳни ўткур, хотираси кучлидир... у келгуси ривожимизнинг нишонаси бўлғай, эътибордан четда қолдирмағайсиз!

Шохрух Мирзо: - Бош устиға, падари бузруквор!

Хазиначон кириб, қўлидаги қилични оҳиста Амир соҳибқиронга топширади.

Амир Темур: (Қилични оҳиста қўлига олар экан, набирасига): - Бўтам, Сизнинг келажакда темурийлар сулоласи силсиласини давом эттиришингизга имоним қомилдир. Бу олтин қилич, мендан Сизга ёдгор бўлсин. (Қилични набирасига топширади).

Улуғбек (таъзим бажо этиб, қиличини ўпади): - Иншооллоҳ, бобожон!

Йигилганлар Улуғбек Тўрани муборакбод этишади.

Амир Темур (Пирига юзланиб): - Пирим, энди бизга сафар олдидан оқ фотиҳа берсангиз!

Накшбанд: - Омин, Аллоҳумма яссир сафаро, вала туассир сафаро ватаммим бил хайр...

Амирининг қўл ишораси ила Улуғбек иккаласини ҳоли қолдириб, ҳамма чикади. Амир суюкли набираси билан Кўксарой ёнига боради. Осмон юзи чарогон, юздузлар чараклайди. Гўё осмон пастлашган, қўл чўзсанг етгудек.

Амир Темур (набирасини суйиб): - Ҳу осмондаги Дубби Акбар, етти оға-ини нужуми туришини кўраяписизми?

Улуғбек: -Кўряпман, бобожон, кўраяпман.

Амир Темур: - Мовароуннахрда канчадан-канча дин пешволари ва фан уламолари ўтган. Уларнинг номлари тарихимиздан аёндур.

Улуғбек Тўра: (кизикиб): - Мақбул, бобожон!

Амир Темур: - Алп Эр Тўнга, Қусам ибн Аббос, Имом ат-Термизий, Хожа Исмоил ал-Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий каби юзлаб, минглаб улуғ зотлар бу гўшага илм-маърифат нурларини таратгандурлар. Шу сабаб Самаркандни илм-фан маскани, муқаддас қадамжо сифатида обод қилибдурмиз. Энди Оллоҳ қушойиш берса, Сиз кўрган Етти Оға-Ини нужумларнинг ердаги сиймосини ҳам барпо этурмиз. Уларнинг бири сиймосида Бибиҳоним Жомеъ масжидини қурдик. Тўртинчиси Регистон майдони, олтинчиси - Рухобод макбараси, еттинчиси эрса сиз билан биз турғон Кўксаройдир. Қолғон икки юлдуз сиймоси тақдирини Сизга топширурмиз. Иншооллоҳ, бу хайрли ишimizни давом эттирурсиз. Бунинг учун мутоалага берилмоқ, ўқиб-ўрганмоқ лозимдир. Ўқигон, ўргангон, кўп юрган киши дунё яратур. Илм-фан йўлида фидойилик қилишингизга ишонурмен.

Улуғбек (миннатдорона бу ғазални ўқийди):

Эй бобо, давлат Сизга бўлсун давом,

Шоҳлар...хизматда... бўлсун, чун ғулом.

Ҳеч ким йўқтур муҳолиф бўлмокка,

Сизгадур дўстлар дуода субҳи шом.

Амир Темур (мамнун): - Боракалло ... боракалло... (Пешонасидан ўпади.)

Улуғбек: - Ишончингизни оқлаш йўлида қўлдан келгон ҳар неки бор қилурмен, бобожон!

Амир Соҳибқироннинг меҳри товланиб суюкли набирасини бағрига босади. Шу лаҳзада у ҳамма нарсани унутгандай...

Амир Темур: - Оҳ, менинг жигарбандим! Нуридийдаларим, халқим, она юртим! Қани энди, Аллоҳ Таоло насиб этса, сафардан соғ-омон қайтиб яна сизлар билан дийдор кўришсам, ҳали қилинадургон ишлар кўп. Ёш эрса бир жойга бориб қолди. (Амир Темур икки қўлини юқори чўзиб, ўткир нигоҳини нужумларга қадаб) халқимни, элимни ҳамиша ўз паноҳингда асрагил!...

(Парда ёпилади).



Феруза ХАЙРУЛЛИНА

1941 йилда Қозон шаҳрида туғилган. Ургут туманидаги Янги қишлоғида яшайди. 1965 йил Самарқанд педагогика билим юртини, 1970 йил Самарқанд давлат университети-нинг ўзбек филологияси факультетини тугатди. Унинг шеър, ҳикоя, мақолалари матбуотда эълон қилинган.

МАНГУЛИК КИТОБИ

Орзулар денгизи чайқалди,
Мен шунда елларга сўз отдим.
Хаёлда туғилган ҳайкални,
Юлдузлар тоғида ўрнатдим.

Қудратвор бир қуёш парчаси,
У ҳайкал сенгадир, юрагим.
Сен - юлдуз, сен - олам дарчаси.
Шафқатнинг сенга йўқ кераги.

Сендаги дардларнинг турлиси,
Мен учун мангулик бир китоб.
Ҳар онда ҳақиқат гурзиси,
Бонг чалар, қиламан сарҳисоб.


Сенлигинг чин бўлса гар, юрак,
Йўлингга мўлжал ол қуёшдан.
Энг эзгу мақсадга зўр тилак
Бошланур Ватанни ўйлашдан.

ТОНГ

Баркут тонглар кўз очмай мудрар,
Чалинмаган чўпоннинг найи.
Ҳали сукут барини судрар
Субҳидамнинг еллари майин.

Мана, тонгнинг эрка чечаги
Кипригини кўяркан қоқиб,
Туйғулар лол қолишди чоғи
Гўзал дамлар этганда насиб.

Бу тонг отли олтин дostonнинг,
Мангуликка кириб бориши.
Бу тонг - асли гўзал бўстоним,
Ҳар онига бахтим қоришиқ.





Файзи ХАЙДАРОВ

1944 йили собиқ "Баҳрин" ширкат хўжалигида туғилган. 1987 йилдан буён "Ургут садоси" газетасида муҳаррирлик қилаяпти. 2002 йили "Дўстлик" ордени билан мукофотланган.

1997 йили "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови галиби бўлган.

"Ошиқ кўнгиш" шеърый китоби нашр қилинган. "Бек йиглаган оқшом" насрий

китоби чоп этилиши арафасида турибди.

УРГУТ

Сулувликда ўн тўрт кунлик келинчак,
Юз-кўзингда йўқдир зарра губоринг.
Эл дардига ярагулик куйинчак,
Дастурхонга кўйилган ҳарна боринг.

Жоним Ургут, қоним Ургут, маконим,
Йирокларни кўзлаган зўр карвоним.
Ларзалари рақиб юрагин тиглар,
Тоғларингда чопилганда улоқлар.

Ошиқ Тоҳир каби зорланиб йиглар,
Муҳаббатин яширолмай булоқлар.
Жоним Ургут, қоним Ургут, маконим,
Йирокларни кўзлаган зўр карвоним.

Келса меҳмон чинорларинг олқишлар,
Қирларингда мангу ухлар баҳорлар.
Боғларингда ошиқ булбуллар кишлар,
Жамолингни куёш соғиниб зорлар.

Жоним Ургут, қоним Ургут, маконим,
Йирокларни кўзлаган зўр карвоним.
Мармар ҳавонг минг бир дардни даволар,
Чашмаларинг танга роҳатижондир.

Ҳар тонг сендан бошланадир наволар,
Ким кўрмаган сени, ранги сомондир.
Жоним Ургут, қоним Ургут, маконим,
Йироқларни кўзлаган зўр карвоним.

Сенга бўлсин истиклолу омонлик,
Менга бўлсин бор оғрикли дардларинг,
Нурга тўлгин, ҳеч кўрмагин ёмонлик,
Кўзга суртиб яшай тупроқ гардларинг,

Жоним Ургут, қоним Ургут, маконим,
Йироқларни кўзлаган зўр карвоним.

ЛОЛА

Сен бир лола баланд қоя учида,
Ҳали яхши-ёмон кўзлар тушмаган.
Бўлсанг ҳамки танҳо сулув дунёда,
Булутлардан ўзга ҳеч ким кучмаган.
Сен бир лола баланд қоя учида,
Қўлларимни узатсам ҳам етмайди,
Олиб кўрдинг юрагимга бир туйғу,
Юрагимдан бу туйғу ҳеч кетмайди.
Сен бир лола баланд қоя учида.

ОҲУЖОН

Тоғ кўйнида сен бир муштар малаксан,
Кўркув ичра дилинг яра, оҳужон.
Умринг бўйи югурасан, ҳалаксан,
Ватанингдир олис дара, оҳужон.

Қояларнинг кучогин тарк этмагин,
Изларингда сайёд кўпдир, оҳужон.
Мендан эса ёмонликни кутмагин,
Кўзларингдан менга ўпдир, оҳужон.

Ургут оҳанглари

Сен-ку сулув баланд тоғлар малаги,
Охугинам, сулувлигинг аълодир.
Пичогини қайрар сайёд ҳам ҳар кун,
Сулувлик ҳам бошга битган балодир.

Қоялардан-қояларга чоп сакраб,
Тоғлар содиқ ҳамроҳингдир, оҳужон.
Сен кувгинсан олис дара қўйнига,
Гўзаллигинг гуноҳингдир, оҳужон.

ҚУРБОН БЎЛГАЙМАН

Ошиқман, ошиқлик азоби ёрдир,
Кўнгил нотинчлигин яна бошлади.
Бу оқшом кўзларим ёримга зордир,
Айрилиқ бугун ҳам кўзим ёшлади.

Ҳаёлан Қайс бўлиб сахро кезаман,
Танҳолик бағрига отиб ўзимни.
Шу кенг дунёни тордай сезаман,
Соғинч куйдирар таним, кўзимни.


Армонлар болишдек тахланар бошга,
Армонлар тун бўйи совуқ ҳамроҳим.
Суйганим ўхшайди бағри бир бир тошга,
Кўнглимга тош бўлиб осилар оҳим.

Аста огушига тортар узун тун,
Оймома висолдек жилмайиб боқар.
Юлдузлар кўзимдан сачраган учкун,
Ишқнинг дарёсида вужудим оқар.

Осмон яқинлашиб қўлин чўзадир,
Бир митти юлдузнинг узилар жони.
Юрагим безовта, юрак сезадир:
Бу оқшом бўлгайман ишқнинг қурбони.

А. СЕВИШГАННИНГ КЎЗИ ЁШ ЭКАН

Севишганга дунё тор бўлди,
Ёр ёрига интизор бўлди.
Ошикларнинг бари хор бўлди,
Муҳаббатнинг бағри тош экан,
Севишганнинг кўзи ёш экан.
Қайс оҳидан ёнди сахролар,
Лайлосидан тонди сахролар,
Қалб қонига қонди сахролар,
Муҳаббатнинг бағри тош экан.
Севишганнинг кўзи ёш экан.
Севганимиз нахот билмаслар,
Ё ишқимиз кўзга илмаслар,
Қайтиб биздек ёрни кўрмаслар,
Муҳаббатнинг бағри тош экан.
Севишганнинг кўзи ёш экан.
Ёрим келиб бағрим тўларми?
Ё келмайин гулим сўларми?
Ахир ёрсиз ўлиб бўларми?
Муҳаббатнинг бағри тош экан.
Севишганнинг кўзи ёш экан.



Ғайбиддин ҒАЗЛИЕВ



1944 йилда Сўфиён маҳалласида туғилган. 1971 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. Шундан буён халқ таълими соҳасида хизмат қилиб келмоқда. Ҳозир СамДУ қошидаги 3-сон Академик лицей директори.

Таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари учун 1996 йилда унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвони берилган. "Дарахтлар нега ҳар хил", "Аллаёрон афсонаси", "Ҳайфсан" сингари китобларнинг муаллифи.

ҒАМНИ БЕРМАСИН

Золим бўлма, эй биродар, осарлар,
Ожиз бўлма, оёқ ости босарлар,
Окил бўлсанг кўпдир гумроҳ, бесарлар,
Сен мевали дарахтсан, тош отарлар.

Отлиқ бўлсанг, колгунг бир кун пиёда,
Мен зўр десанг; сендан зўр бор дунёда,
Ситамлари неча чандон зиёда,
Оёгингга кишан уриб сотарлар.

Жайрон бўлиб тоғу тошга қочсанг ҳам,
Турна бўлиб олисларга учсанг ҳам,
Балиқ бўлиб сув остига тушсанг ҳам,
Сайёдларинг йўлинг пойлаб ётарлар.

Ҳамтовокдир бегоналар тўйгунча,
Эт-тирноқдир ўзникилар ўлгунча,
Олисдаги ининг келиб куйгунча
Қўни-қўшнинг мушкулнингни басарлар.

Маърифатдан четда юрса кимда-ким,
Ҳақ-хуқукдан юзин бурса кимда-ким,
Тарақкийдан узок турса кимда-ким,
Кундан-кунга разолатга ботарлар.

Қўлдан олса, пешонани қирмасин,
Гулчин бўлиб яхшиларни термасин,
Камни берган Худо ғамни бермасин,
Шиор бўлсин Фазлий битган сатрлар.

СОНЕТ

Оқ-қора бамисли тун-кун аралаш,
Шахмат тахта узра кетди жанг-жадал.
Бу - ҳаёт ўйини, билмас саралаш,
Тўра, фарзинларни ютди шум ажал.

Оқлар устун келди, гоҳо сиёҳлар,
Дуранг ҳолат бўлди, ана, бир маҳал.
Паноҳ қанотида суриб сипоҳлар
Қора пиёдага тегди-ку амал.

Кескин дигар бўлди сиёсий иқлим,
Ғалаба пойига қўйилди тамал.
Энди кораларга бас келади ким!?
Бегумон оқ пошшо бўлмоғи камал.

Шунда пиёдани олиб отдилар,
Ўрнига фарзинни қайта тортдилар.

МАЖНУНТОЛ

О, мажнунтол, сени одамлар,
Гўзалликка этмишлар тимсол.
Мен ёримни соғинган дамлар,
Сенга боқиб топаман висол.

Тўлғонади сочинг паришон,
Тушларингни сувга айтасан.

Ургут оҳанглари

Дилгинангда не сирлар пинҳон,
Ўз аслингга қачон қайтасан.

Бугун яна келдим қошингга,
Эй паризод кўрсатгил жамол.
Райҳон шоҳонин илай бошингга,
Лабин босиб ҳидласин шамол.

Рашк кўрсатиб унга шабода,
Даралардан ошириб кувсин.
Шивирлатиб ширин ибода,
Ёз ёмғири сочингни ювсин.

Дардларингни ғамингни унут,
Бахтдан сўзла, жоним, тили бол.
Сен бокира ҳислар билан кут,
Менга содиқ ҳамдам бўлиб қол.

БУ ОҚШОМ

Бу оқшом,
Дам жуда осуда эди,
Ўта сокин эди ташки муҳит ҳам.
Қонхўр бургут бўлиб бағрим чўкиди,
Тилингдан ноўрин айтилган мубҳам.
Бу оқшом,
Исканжада қолди вужуд,
Қисди ўзим курган уй деворлари.
Ҳовли - жойим бўм-бўш, ҳайҳотдай ҳудуд,
Дув тўкилди шаъни ва оҳорлари.
Бу оқшом,
Аросатда қолдим илк бор,
Ер қаттиқ, осмон узоқлигин билдим.
Кўз олдим коплади туманли губор,
Яратган оллоҳга илтижо қилдим.
Чирсиллаб узилди кўнгил торлари,
Ўзимни англадим мискин, бенаво.

Бўғзимга тикилди оху- зорларим,
Билдим менинг дардим экан бедаво.
Бу окшом,
Кўнглимни бир-бир тарк этди,
Ланг очик эшикдан барча туйгулар
Жисмим бўсағада қолди мунгайиб,
Ортга қарамасдан кетди орзулар.

Ичимда борлигинг билмаб эканман,
Шерлар, бўрилар ва ҳисобсиз итлар.
Бири ожиз, бири дард, бири ман-ман,
Бирга кетди барча иллатлар, хилтлар.

Вайрон кўрғонимнинг томига чиқиб,
Тўрт томонга чиқиб кўрдим туманни.
Изим қолмаганин шундаёқ уқиб,
Ҳис этдим дилимни ўртаган ғамни.

Шу дам бирданига қўшним тамондан,
Юриш қилди илонларнинг ўрдаси.
Биттаси қўйнимга кирганди бурун,
Илонхона бўлди ҳовлим ўртаси...

Кун чиқарим терак билан қопланган,
Кун ботар қирлари уфқимга тўсиқ.
Тўрт томондан умид бирдай боғланган,
Қайтар йўлларимга чакалак ўсиқ.

Сўнги ёлқин берди юрак ёниши,
Меҳр – муҳаббатсиз вужудим тўнгди.
Тиинди борлиқ узра булбул хониши,
Бу окшом, вайронага бойўғли кўнди.



Абдулла АБДУВАДУДОВ
(1945 - 1993)

1945 йили Мерганча қишлоғида туғилган. Самарқанд Давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини битирган. У кўп йиллар тумандаги 56-мактабда ўқитувчи, илмий бўлим mudiri вазифаларида фаолият кўрсатди.

Абдулла Абдувадутов Шарқ бадиий адабиётидан чуқур билимлар соҳиби бўлиб, ўзи ҳам сермахсул ижод қилар, маҳаллий мумтоз шоир ва таржимон сифатида шуҳрат қозонган эди. Унинг кўплаб шеърү газаллари туман ва вилоят матбуотида чоп этилган.

ДИЁРИМ МЕҲРИ

Диёрим меҳрига омода манзил,
Эрур ҳам тан, эрур ҳам жону ҳам дил.

Унга бўлган садоқат ҳам муҳаббат
Тирикмиз то, сира топмайди табдил.

Ҳаёт зебо, яшашдир унга роҳат,
Шараф келтирди меҳнат, ошди ҳосил.

Билим, фан бирла парвоз айладик биз,
Ечилди, бўлди ҳал ҳар жумла мушқил.

Шаҳарми, чўлми, қишлоқми ва ё тоғ
Қаерга тушса йўл, яшнайди кўнгил.

Ватан! Васфинг учун сўз бойлигим оз,
Вале борича имкон сайратай тил.

Экан, Восиф, сенга давру замон ёр,
Бу бахтга доимо лойиқ яшай бил.

КЕРАК

Бас кўгирчоклик, азизлар, жисмимизда жон керак,
Жонимиз кадрига етгувчи асил карвон керак.

Ўтдиму қурбонталаб айёралар даврони рост,
Бу макону бу замон инсон учун, инсон керак.

Ул гўзал алдоқчи таққан тилла балдоқ мис экан,
Жез билан олтинни фарқлар оқилу пурдон керак.

Ялтирок пуч ваъдаларга биз топиндик шунчалар,
Илдизини топтаганга рост эмас, ёлғон керак.

Фитначи, жон деб жонинг олгувчи лўлилар учун
Ўзлигидан беҳабар беномусу нодон керак.

Дўстга муҳтожлик ёмондир, душманга хорлик кўп ёмон,
Бу иковдан воз кечишга покиза виждон керак.

Майли, кийнал, майли, оч қол, қол яланғоч, Восифо,
Чин мусулмонлик тиларсан, аввало иймон керак.

ТЎРТЛИКЛАР

Орзулар ушалсин деб тинмай уради юрак,
Одам то тирик экан, унда жўшади тилак.
Эски ва янги деган тушунчалар бор экан,
Инсон учун дунёда яшаш - курашнинг демак.


Ким эсанг ҳам сочма беҳуда газаб,
Билсанг, бу феълнингдан қақшар кўп асаб.
Гул каби яшнаган хушнуд дилларнинг
Зардоб ютишига бўлмагин сабаб.

* * *

Одам бир ишда банд бўлгани яхши,
Кўнгли ўз касбидан тўлгани яхши.
Меҳнатсиз роҳатни ўйласа кимки
Тирик юрганидан ўлгани яхши.

* * *

Ким илм ила осмон тоқига етишмишдир,
Ким халки учун жонни фидо этмишдир.
Нафсига бировлар бўлибон кул, афсус,
Қорним дея дунёдан ўтиб кетмишдир.



Муртазо МУСТАФОЕВ

(1947-2009)



1947 йилда Бешикана қишлоғида туғилган.
1978 йилда Самарқанд давлат педагогика
институтининг ўзбек тили ва адабиёти
факультетини битирган.

Иш фаолиятини матбаачиликдан бошлаб,
бир неча йиллар туман газетаси
таҳририясида адабий ходим, босмахона
директори вазифаларида ишлаб келди.

Унинг қатор шеър ва газалари вақтли матбуотда эълон
қилинган.

ҒАЗАЛЛАР

Бир сўз дейин, биродар, сен сўзимга ишон-а,
Бу дунёда топмадим содик дўстдин нишона.

Кимдир молингга дўстдир, кўлингга қарар мудом,
Остонамга содик қул - уриб турар пешона.

Дўст кўнглин топиб бўлмас, сирли хилқатдир рости,
Агар қуриб берсанг ҳам минг бир қасру қошона.

Бекор айтилмаган-ку Мир Алишер назмида,
Олтин қафас бўлолмас булбулга ҳеч ошёна.

Билсанг сочинг кўйида бағрини минг тилса ҳам
Тарк айлади оқибат бошингни беор шона.

Эй, Муалло, билсанг, ҳеч дўстсиз жаҳон керакмас,
Умринг ўтса ҳам ҳатто пурҳаловат, айшона.

* * *

Бесабаб соч оқармас бу армонли дунёда,
Ёлғиз от чанг чиқармас бу армонли дунёда.

Ургут оханглари

Ўтмоқдадур умр ҳам кимга шодлик, гам бериб,
Кимга ошиқлик хавас бу армонли дунёда.

Бойлик ортидан қувиб, ном чиқаргай нечалар,
Маърака, тўй басма-бас бу армонли дунёда.

Шайтон йўлига кириб оғу ичар атайин,
Ўз жонига қилиб қасд бу армонли дунёда.


Марднинг қурбони бўлсанг ишинг юрар пайдар-пай,
Бахил боғи кўкармас бу армонли дунёда.

Ҳар нарсада меъёр бор, кетма ўзингдин, ҳабиб,
Туя элак кўтармас бу армонли дунёда.

Билиб-билмай эрк берма, нафсингга, эй биродар,
Ҳеч кимса кўру қармас бу армонли дунёда.

Ганжинг бўлса зиёда ғарибнинг бошин сила,
Инсонлик сийму зармас бу армонли дунёда.

Эй Муалло, умрингни ўтказмагил бесамар,
Номинг бўлмасин абас бу армонли дунёда.





Мирсоат МИРСАЙДОВ
(1948-2005)

1948 йилда Ургут шаҳрида таваллуд топди. 1966 йили "Октябрь алангаси" газетаси таҳририятида мусахҳиҳ бўлиб ишлади.

2000 йилда унинг "Овчи қизга" номлик китоби чоп этилган.

БИРИ СЕНСАН, БИРИ МЕНМАН

Бир чашманинг икки кўзи
Бири сенсан, бири менман.
Бир олманинг икки юзи,
Бири сенсан, бири менман.

Бир рўзгорнинг икки шоҳи,
Бири сенсан, бири менман.
Бир юракнинг икки оҳи,
Бири сенсан, бири менман.

Кўзгалса рашк лашкарининг
Ўки сенсан, нишон менман.
Гар очсанг меҳр дафтарин
Бундан кўнгли жаҳон менман.

Сени лутфу карамингдан
Тилим лолу ўзим ҳайрон.
Менга жабру ситамингдан
Кўзим ёшли, дилим вайрон.

Гоҳи қаймоқли сут бўлсанг,
Гоҳи сенсан аччиқ айрон.
Гоҳи қаргаб, гоҳ ўргилсанг
Мендан бошқа ҳамма ҳайрон.

Фазаб оти асовинг бор,
Калта илгай асойинг бор.

Ургут оҳанглари

Мени уйдан қувмоқ учун
Узун тандир касовинг бор.

Раҳм қилгин бу ҳолимга,
Қолма бир кун уволимга.
Дегандирман сени абад
Ўзга ёр йўқ хаёлимда.


Дур айлайин сени токи
Қўша-қўша ўғил кўргин.
Менга сурма пойинг хоки,
Чолингни шоҳ каби кўргин.

Бир ёстикда икки бошнинг
Бири сенсан, бири менман.
Келин-куёв - икки ёшнинг
Бири сенсан, бири менман.

Чилдирмада қасноғ-тери
Қасноғи - сен, тери менман.
Битта никоҳ китобининг
Хотини - сен, эри - менман.

ОВЧИ ҚИЗГА

Кўрганимда аклим хайрон айладинг,
Шахло кўз-ла меҳринг дилга жойладинг.
Чилвир сочинг тузоқ айлаб ноз ила
Ширин сўзинг билан кўнглим овладинг.
Қалбим қушдай питирлайди, қўймайсан,
Айтгин, нега юрак билан ўйнайсан?
Бир гап бўлса ёш қалбимга мабодо,
Қалбинг бериб, унга тоvon тўлайсан.





Тошканбой НОСИРОВ

Тошканбой Носиров 1949 йилда Ғўс қишлоғида туғилган. У 1973 йилда Душанбе давлат педагогика институтининг филология факультетини, 1980 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини битирган. Шундан буён халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тошканбой Носиров «Агар аёл бўлмаса» (1993), «Яхшилик» (1995), «Ургутийман» (1997), «Рубоийлар» (1999) ва «Сизни эсоним, унутолмасман» (2002) асарлари муаллифи.

ЎЛДИРДИНГИЗ-КУ

Соғинтириб эркатош, ўлдирдингиз-ку,
Тезроқ келмай бағритош ўлдирдингиз-ку.

Ҳар кун йўлингиз пойлаб сочим оқарди,
Сиз кун сайин бўлиб ёш ўлдирдингиз-ку.

Туну куним қоронғу сизни йўқотиб,
Шафкат қилмай ой куёшга ўлдирдингиз-ку.

Элу улусдан севгим пинҳон тутардим,
Сиз сирларим қилиб фош ўлдирдингиз-ку.

Сизни деб минг жароҳат олгандир таним,
Таним қилиб хом талаш ўлдирдингиз-ку.

Хузур ҳаловатим йўқ, тинчим йўқолган.
Заҳар бўлар есам ош, ўлдирдингиз-ку.

Мен бир назардан қолган, шаклу сиймом йўқ,
Сиз чиройли қалам қош ўлдирдингиз-ку.

Ургут оҳанглари

Уйкумда роҳатим йўк, кундуз оромим.
Қолмади сабру бардош, ўлдирдингиз-ку.

Тошканбойнинг хаёли сиз томон шошар,
Сарвинозим қотти бош, ўлдирдингиз-ку.

НОМАРДГА МУҲТОЖ ҚИЛМА


Майлига жанда кийдир,
Майли очликдан ўлдир,
Қизил юзимни сўлдир,
Номардга муҳтож қилма.

Кул қил мардларга майли,
Миннатсиз мардлар хайри,
На қилсанг қилгин майли,
Номардга муҳтож қилма.

Сирдош қил мардонага,
Жон берай жононага,
Мени бу замонага,
Номардга муҳтож қилма.

Майли осдиргин дорга,
Дуч қилма игвогарга,
Тонгла маҳшар борарга,
Номардга муҳтож қилма.

Номарддан куйган дийдам,
Бошлардаги минг хил ғам,
Тошканбойни қилган хам,
Номардга муҳтож қилма.



Ургут оҳанглари

Уйкумда роҳатим йўқ, кундуз оромим.
Қолмади сабру бардош, ўлдирдингиз-ку.

Тошканбойнинг хаёли сиз томон шошар,
Сарвинозим қотти бош, ўлдирдингиз-ку.

НОМАРДГА МУҲТОЖ ҚИЛМА


Майлига жанда кийдир,
Майли очликдан ўлдир,
Қизил юзимни сўлдир,
Номардга муҳтож қилма.

Кул қил мардларга майли,
Миннатсиз мардлар хайри,
На қилсанг қилгин майли,
Номардга муҳтож қилма.

Сирдош қил мардонага,
Жон берай жононага,
Мени бу замонага,
Номардга муҳтож қилма.

Майли осдиргин дорга,
Дуч қилма иғвогарга,
Тонгла маҳшар борарга,
Номардга муҳтож қилма.

Номарддан куйган дийдам,
Бошлардаги минг хил ғам,
Тошканбойни қилган хам,
Номардга муҳтож қилма.



КИБРУ ҲАВОЛИ БЎЛМА!

Меҳру вафоли бўлгин,
Ҳар дам ҳаёли бўлгин,
Хокзор зиёли бўлгин,
Кибру ҳаволи бўлма!

Осмондан тушганинг йўк,
Ерга килавер қуллуғ,
Ҳаммага бир хил буйруқ,
Кибру ҳаволи бўлма!

Ер чўкмайди тўғри юр,
Атрофда кўп сендан зўр,
Ҳаммамизга бир гўр,
Кибру ҳаволи бўлма!

Кибр бўлса мош донадай,
Жаннат юзин кўрмагай,
Ҳақ сўзи бу ўргилай,
Кибру ҳаволи бўлма!

Ҳажга юз бор зиёрат,
Қилсанг қанча ибодат,
Қурсанг олтин иморат,
Кибру ҳаволи бўлма!

Давлатинг хўп ошса ҳам,
Дарё бўлиб тошса ҳам,
Бари бир нимангдир кам,
Кибру ҳаволи бўлма!

Мақтасалар бўлгин паст,
Хажара бўл мисли хас,
Барчага тенг бўлиб кас,
Кибру ҳаволи бўлма!

Тошканбой сўзин ўкиб,
Эл оёғини ўпиб,
Тавба қил сахар туриб.
Кибру ҳаволи бўлма!

ИЧУВЧИ, ЧЕКУВЧИ ЭРГА ХОТИНИНИНГ ШИКОЯТИ

Куйдим сени ҳар кун ичмоқларингдан,
Кунда, тунда саёқ юрмоқларингдан.
Бу кетишда тез кунда айриласан,
Уйингдаги эчки, улоқларингдан.

Болаларинг безор бўлди, инсоф қил!
Кундуз ёққан найча чирокларингдан.
Ичкиликдан гап бошланса диккайган,
Лаънат сенинг шалпанг кулоқларингдан.

Соғлом эдинг ҳам топарман зўр йиғит,
Овкатингдир бир печени ё курут.
Бундай бўлса тез кунда айриласан,
Ичингдаги ичак-чавоқларингдан.

Егуликка бир бурда нон йўқ уйда,
Айрилдинг сен қозон-товоқларингдан.
Кийимларинг ҳид беради, сасиган,
Қайга қочай сенинг шалтоқларингдан.

Маҳрумдурсан барча нозу-неъматдан,
Ҳурматинг йўқ, қолдинг бугун ҳурматдан,
Ҳеч фарқинг йўқ сенинг бир дайди итдан,
Ҳамма ҳазар қилар ялоқларингдан.

Қасам ичиб лоф урасан имонсиз,
Юролмайман сендан доим гумонсиз,
Қўшниларга шармандаман, шармисор,
Сени қилган ҳар кун талокларингдан.

Ургут оҳанглари


Сенга қилдим ҳар кун минг бор насихат,
Болаларим ҳаққи, эрим деб ҳурмат,
Ёғдирдинг ҳар кун бошимга кулфат,
Таним касал урган шаллоқларингдан.

Кўринишинг касал, рангинг сап-сарик,
Ошқозонда овқат йўқ куп-қурук,
Тутун, ароқ рангингни қилган сўлик,
Айриласан жигар, талокларингдан.

Лакабинг бор бу кишлоқда “герасан”,
Охир бир кун қамаласан, ўласан,
Бир чекимга ҳатто мендан тонасан,
Бўшолмайман сенинг сиртмоқларингдан.

Сенга инсоф тилайман мен оллохдан,
Илтимосим қутил сен бу балодан,
Кўнглинг совут ҳаром кайфу сафодан,
Қутулайин сенинг қийноқларингдан.

Айб айламанг бироз дардимни ёйдим,
Гоҳ севиндим, гоҳи тутакиб ёндим,
Оз бўлса-да ором олдим, қувондим,
Тошканбойдек шоир чўлоқларингдан.




Сенга қилдим ҳар кун минг бор насиҳат,
Болаларим ҳақси, эрим деб ҳурмат,
Ёғдирдинг ҳар кун бошимга кулфат,
Таним касал урган шаллоқларингдан.

Кўринишинг касал, рангинг сап-сарик,
Ошқозонда овқат йўқ куп-қуруқ,
Тутун, ароқ рангингни қилган сўлик,
Айриласан жигар, талоқларингдан.

Лақабинг бор бу кишлоқда “герасан”,
Охир бир кун қамаласан, ўласан,
Бир чекимга ҳатто мендан тонасан,
Бўшолмайман сенинг сиртмоқларингдан.

Сенга инсоф тилайман мен оллоҳдан,
Илтимосим қутил сен бу балодан,
Кўнглинг совут ҳаром кайфу сафодан,
Қутулайин сенинг кийноқларингдан.

Айб айламанг бироз дардимни ёйдим,
Гоҳ севиндим, гоҳи тутакиб ёндим,
Оз бўлса-да ором олдим, қувондим,
Тошканбойдек шоир чўлоқларингдан.





Мурод ҚУРБОНЗОДА

Мурод Қурбонзода (Қурбонов) 1949 йилда Камонгарон қишлоғида туғилган. Самарқанд давлат педагогика институтининг тожик тили ва адабиёти факультетини битирган.

Кўп йиллар давомида 49-ўрта мактабда дарс бериб келмоқда.

“Чинори Ургут” номли тўплами нашр этилган.

ТАҚДИР ШУ ЭКАН, АММО...

Туғилган куни яқинлашиб келаётганини эслаб, кўлимда бир даста гул билан Мавжуданинг уйига йўл олдим. У каравот устида икки биқинига юмшоққина ёстиклар қўйилган ҳолда ёнбошлаб ётар, атрофида турмуш ўртоғи, фарзандлари, келину набираларини олиб ўтган ёшлик йилларидан, ишлаб юрган вақтларидан ҳикоя қилиб бераётган экан.

Мени кўрдию, бундан ўн беш йиллар илгари бирга ишлаб юрган пайтларимизни эслади шекилли, салом-алик ва сўрашувдан сўнг кўзлари атрофида ёш ҳалқаланди.

Мавжуда Эргашева асли туманимиз марказидан бўлиб, 1-ўрта мактабни аъло баҳолар билан битиргандан сўнг марҳума онаси Ҳамидовадек ўқитувчи бўлиш орзусида Самарқанд педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факултетига ўқишга кирди.


Ҳаёт тақозоси билан Мавжуда Эргашева камонгаронлик Амри Раҳматовга турмушга чиқиб, 1972 йилдан бошлаб у билан бирга қишлоғимиздаги 49-ўрта мактабда дарс бера бошлади. Мавжуда бахтли аёл эди. Ҳаммага бир хилда илиқ муомалали, ширин сўзли сифатида жамоа ва қишлоқдошлар орасида иззат-обрўга эришди. Яхши муаллима сифатида ўқувчилар ҳам, ҳамкасблар ҳам, оналар ҳам у ҳақда доим яхши фикрлар билдиришарди.

Энг бахтли оила эди улар: эр ва хотин ҳаётда ҳам, ишда ҳам бирга, кизикишлар ва интилишлар, орзу ва мақсадлар ҳам бир хил. Аммо...

1988-1989 йиллар эди. Мавжуда бирдан оёқдан қолди. Турмуш ўртоғи уни олиб бормаган касалхона-ю санаториялар, кўрсатмаган шифокорлар қолмади. Кўп уринишлардан сўнг у қўлтиқ таёқ билан юра оладиган бўлди. Мана, ўн беш йилдирки, Мавжуда ногиронлик нафақасида юрибди...

Турмуш ўртоғига, фарзандларига, келинларига Мавжуданинг меҳри битмас-туганмас. Мен ҳар доим дўстим Амрининг уйига борсам, унинг илиқ сўзларидан, ҳаётга муҳаббатидан, юксак иродасидан катта сабоқ оламан.

Меҳр ва мурувват йилидаги суҳбатларимиздан бирида Мавжуда шундай деди: -“Оилам тинч, маҳаллам тинч. Ҳаммадан миннатдорман. Фақат, не қилайки, тақдир шу экан...”



Мавлуда МИРСАИДОВА



1950 йилда Ургут шаҳрида тузилган. 1974 йилда Самарқанд Давлат педагогика институтини битирган. Тумандаги 86-мактабда она тили ва адабиётдан дарс берган. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

"Меҳрим гули" тўплами нашр этилган. "Нон азиз, инсон азиз" драмаси ижодкор ўқитувчилар танловида драматургия йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ топилган. 2001 йилда М.Мирсаидова "Мустақилликнинг 10 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган.

ФАРЗАНД БЎЛИБ НИМА ҚИЛОЛДИМ?

Тоғларнинг ортидан мўралар куёш
Менга кўринишдан хурккандек гўё.
Сизга муштокдирман, кўтармайсиз бош,
Нечун жим ётибсиз, эй меҳри зиё?
Оташ меҳрингизга нахот қонолдим,
Фарзанд бўлиб Сизга нима қилолдим?

Нечун ранггинангиз бунча заъфарон,
Қора сочларингиз ҳар ён паришон.
Саргайтирдимикин сиёқингизни
Болангиз ўртага ташлаган ҳижрон?
Тўёлмай қолишим қачон билолдим,
Фарзанд бўлиб Сизга нима қилолдим?

Не қилай, ортмадим ташвишларимдан,
Сиз ортик эдингиз юмушларимдан.
Сўнгги дам интизор термулиб бир оз,
Койинибсиз сергалва ишларимдан.
Жон чиқар чоғингиз мен бўлолмадим,
Фарзандлик бурчимни бажаролмадим.

Энди чаён бўлиб чақар бу армон,
Мангу юрагимни ёқар бу армон.
Изларингизни ҳам тополмагайман,
Онажон, бошимни урсам-да ҳар ён.
Сизга етмоқ учун қанча ичикдим,
Бир томчи сув томизмоққа кечикдим.

Тилакларингизни бажарсам у кун,
Орзуларингиз ҳам айласа парвоз.
Сиз мамнун қаршимга чиқсангиз дердим
Бошимга кўтариб айласам эъзоз...
Афсус, ярим йўлда толди бу орзу,
Сўнгсиз армон бўлиб қолди бу орзу.

Барвакт кетаяпсиз, шошманг, Онажон!
Юракда ҳисларим туғён уради.
Сиз айтгандай бўлсам баркамол инсон,
Ўшанда ҳузурим кимлар кўради?
Бевакт ажралишим қачон туёлдим,
Фарзанд бўлиб Сизга нима қилолдим?

Сизсиз хувиллайди бу юрак абгор,
Она деб туну кун кезгум интизор.
Факат юрагимга битта юпанч бор,
Азиз хотирангиз - энг буюк ёдгор,
Номингизга муносиб бўла олгум,
Фарзанд бўлиб бошқа нима қилолгум?

ОҲУЖОН


Тоғларни кўмсайди бу юрак,
Дилим ғаш, шаҳарга сигмайман.
Қоялар бағридан саргардон,
Оҳужон, мен сени излайман.
Дардли кўзларингга термулмоқ учун.

Сен каби маъюсдир кўкдаги ҳилол,
Мен каби саргардон кезади шамол,

Ургут оханглари

Етти кат осмонда термулар висол.
Охужон, мен сени излайман,
Дўстлик қаршисида тиз чўкмоқ учун.

Покликни асра, деб Ҳакка сиғиндим,
Ғамгин кўзларингни жуда соғиндим.
Охужон, мен сени шеъримга солдим.
Болалик дўстингман, шаддод тоғ қизи.
Тоғлар, айтинг, кани Охумнинг изи?
Бегубор дунёмга қайтмоқ истайман.



Моҳира ЖУМАЕВА



1952 йилда Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битириб, Гиждувон туманидаги «Гиждувон ҳақиқати» газетаси муҳарририясида мусахҳиҳ бўлиб ишлаган. Ургутга келин бўлиб тушгач, туман радиозашитириши муҳарририяси-

да суҳандон ва кўп йиллар «Ургут садоси» рўномасида адабий ходим бўлиб ишлаган.

Моҳира Жумаева айни пайтда Ургут шаҳар «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини котиби сифатида фаолият кўрсатмоқда.

ОНАМГА

Узун-узун йўллардан узолиб келган онам,
Эгри-эгри йўллардан эгилиб келган онам.
Узун йўлинг бўлойин, эгри йўлинг бўлойин,
Она, сенинг эгилган бўйингдан ўргилайин.

Узун йўлинг бўлай деб узолиб боролмадим,
Эгри йўлинг бўлай деб эгилиб боролмадим.
Кўп соғиндим соғинчдан хаста бўлди юрагим,
Тузалсам-да нечундир тузолиб боролмадим.

Шошиб бордим қай кун кеч, зумда қайтиб ортимга,
Шу рўзгор, шу болам деб, кўп арзим қолиб кетди,
Фарзанд бўлиб Сизга мен нима ҳам қилолдим,
Сизга хизмат қилишдан кўп қарзим қолиб кетди.
Узун-узун йўллардан узолиб келган онам...

АЁЛ

Аёл, дунё сендан бошланар,
Сен бўлмасанг кўнгил гашланар.
Сен дилларнинг сарваридирсан,
Қалб дарёсининг гавҳаридирсан.


Алла айтсанг, боғлар ухлайди,
Сукут сақлаб тоғлар ухлайди.
Кўшигингдан ором топгай жон,
Болаларинг бордур бир жаҳон.

Бешик кучган кўлинг толмасин,
Сен хурлардан яралганмисан.
Шайтон асло йўлга солмасин,
Парилардан таралганмисан.

Сен мунисим, меҳрибонимсан,
Кўнглим яйрар кулишларингдан.
Худойимга шукур қиламан,
Гулгун ёниб келишларингдан.

Сен куёшдай нурли оламсан,
Бир дунё бахт кафтингда турар.
Сочлари оқ мушфик онамсан,
Меҳринг билан фарзанд кўкарар.

Кулсанг, дунё кулгандек бўлар,
Келсанг, дунё келгандек бўлар.
Сен, эй, аёл қадим маъвосан,
Одам Ато кучган Ҳавосан.



ЧИРОҒИНГ ЎЧМАДИ

Бу кеча чироғинг ўчмади,
Бир энлик нур ташлаб хонамга.
Кўзимга уйқу ҳам кўчмади,
Мен сиғмай қолдим-ку оламга.


Тун бўйи неларни ўйлайсан,
Тун бўйи бир хаёл эзди.
Менинг ҳам бошимда ишқ ўти,
Шу ҳолат қанча тонг бўзарди.

Шу ҳолат ҳар кеча ўйлайман,
Кўзларим сен ёққан чирокда.
Дардимни шу нурга сўйлайман,
Сен унда мен бунда фирокда.
Тонггача чироғинг ўчмади...

* * *

Дунё, менга севгини бергил,
Мен севгини соғиниб яшай.
Дунё, менга соғинчини бергил,
Мен соғинчга сиғиниб яшай.

Соғинганим, сиғинганим - ишқ,
Юрагимда энг кутлуг калом.
Шу дунёда кутганим ҳам ишқ,
Ва покиза муҳаббат тамом.





Очилди ҚЎЙСУН

1952 йилда Ғўс қишлоғида туғилган. Касби – деҳқон. Шеърлари вақтли матбуотда эълон қилинган. "Соғинч" тўплами нашр этилган.

ШУКРОНА

Кўзим қаросига тунаган соғинч,
Фақат сени истаб нидо қилади.
Алдамчи туйғулар қалбимни нотинч -
Айлаб, орзуйимдан жудо қилади.

Ёлғиз қолганимда дил ноласини
Қалам-ла қоғозга тўкиб соламан.
Синдириб қоғознинг қовурғасини,
Ғолиб паҳлавондек нафас оламан.

Бу - кураш майдони, йиқилган тўймас,
Кимдир ушатади ўз армонини.
Ҳеч кимни бу ҳаёт яйратиб қўймас,
Кимдир топа олмас бурда нонини.

Мен эса суяниб муҳаббатимга,
Ёруғ кунларимга шукр айтаман.
Исмингни ёзганча дил дафтаримга,
Севги кўчасидан шодмон кайтаман.

СОГИНДИМ

Узоқ кетсам йўлларимга қараган,
"Қайда қолдинг, болам?" дея сўраган,
Ўз меҳрини юрагимга ўраган,
Меҳрибоним отажоним, соғиндим.

Онам ўлиб кўлингизда қолибмиз,
Баъзан Сиздан хафа бўлиб нолибмиз,
Пандингизни гоҳо оғир олибмиз,
Меҳрибоним отажоним, соғиндим.

Бу ҳаётдан насибангиз узилди,
Кўздан ёшим маржон каби тизилди,
Бугун эслаб Сизни, бағрим эзилди,
Меҳрибоним отажоним, соғиндим.


Бокий эмас, келган бир-бир кетади,
Кутмаганда ажал дасти тутади,
Одам зоти алам билан ўтади,
Меҳрибоним отажоним, соғиндим.

АДОЛАТ

Аждар мисол домига тортган
Қора кунлар орқада қолди.
Шукур, дилда тош бўлиб қотган
Ғам туманлар бир-бир йўқолди.
Ёвузликнинг остонасидан
Босиб ўтар Адолат бу кун.
Ҳақиқатнинг кошонасида
Ечилади ҳар битта тугун.
Ватанимнинг хур фуқароси
Кўнгилдагин очик айтмоқда.
Ўтган кунлар дўқ-пўписаси
Аста-аста ортга қайтмоқда...

Ургут оҳанглари

Хуш кайфият этса маҳлиё,
Шодлигингни қилади калта.
Тугамаган юзсизлик - риё,
Истиклолга уради болта.
Гапларимга эй кулиб турган,
Сўзларимни ўйла, мағзин чак.
"Дўстингман" деб сафингда юрган
Баттоллар бор, хушёр бўл ҳар чоқ.
Бир кам дунё. Лекин ҳаётда,
Эзгу йўлда юрганлар ҳам кўп,
Шундайларни топсанг албатта,
Тортинмагин, изларини ўп!



Матлаб ҲАСАНОВ



Матлаб Ҳасанов 1953 йилда Почвон кишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетида таҳсил олган.

«Ургут сандоси» газетаси муҳарририясида ишлаб келмоқда. Унинг кўплаб публицистик мақолалари, лавҳа ва очерклари, ҳажвийлари вақтли матбуотда эълон қилинган. «Ургутнинг Соли буваси» унинг қаламига мансуб ижод намуналаридан биридир.

УРГУТНИНГ СОЛИ БУВАСИ

Соли бува уйкудан турганида соат мили 6 га бонг урганди. У ювиниб, турмуш ўртоғи Қўйсин опа томонидан ёз ноз-неъматлари билан тўлдирилган дастурхон бошида тиз чўкди.

Буванинг қизиқ одати бор. Иши ҳар қанча зарур бўлса ҳам уйдан нонуштасиз чиқмайди. Дастурхон атрофида Қўйсин опага ҳазил отади. Бўрсилдоқ нон тайёрлаган кўлларини оғзидан мой томғудай бўлиб мақтайди.

— Сенга уйланиб адашмабман, - деди бир куни Соли бува кампирини эркалаш мақсадида, - бирор марта кўнглимни оғритганимни эслолмайман. Тилингдан мой томади. Фақат сен билан ўзимни бахтиёр ҳис етаман.

— Мен ҳам сиз туфайли бахтиёрман, - Қўйсин опа мийиғида кулиб қўйди. — Эл-юртнинг обрўсини қозонган чолнинг кампири бўлиш...

— Асло бўш келмайди, - кўнглидан ўтказди Соли бува, - жавобини қаранг. Қаранг, бало. Кексайганимда назарингда кампиринг улкан тоққа ўхшаб кўринади. Унга суянмасдан яшолмайсан...

Соли бува эшик олдидан тошойнага юзланди. У яқин орада кўзгуга қарамаган эди. Ҳозир ўз аксини танитай қолаёзди. Сочлари анча сийраклашган, оқарган, қовоклари хиёл осилган. Пешонасида, томоқлари остида ажинлар қуюклашган. Кўзлари вазмин, ўйчан боқадди.

Ургут оҳанглари

– Анча чўкиб қолдик, - Соли бува секин уф тортди. – Етмишни ҳам қораладик.

– Умр икки хил бўлади, - деди Қўйсин опа, - биров ҳаётини ерга битта таёқ сукмай ўтказади. Бундай кишилар ҳар қанча афсусланса арзийди. Баъзи кишилар эса ҳаётини, куч-ғайратини ўз элига хизмат қилишга сарфлайди. Бундай кишиларнинг афсусланишига асло ҳожат қолмайди. Сиз ҳам жонингизни жабборга бериб ишладингиз. Эллик йилдан буён эл-юрт ғамига тинчимайсиз. Умр беҳуда ўтмади. Энди афсусланманг, аксинча фахрланинг.

– Балосан, кўнглимни тоғдек кўтариб юбординг, кампир. Сендай кампири бўлган одам ҳали-бери қаримайди.

Чоли-кампир бараварига кулиб юборишди. Қўйсин опа яна чой дамлагани ҳовлига чиқди.

– Ташқарига чиқинг, дадаси, - деди Қўйсин опа тезда қайтиб кираркан, - дарвоза олдида машина тўхтади.

Соли бува дарвозага чиқиб қувониб кетди. Колхоз раиси, партком секретари, яна бир неча киши бир дастадан гул кўтариб келишарди.

– Келинглари, ичкарига киринглари, кампир иссиқ чой дамлаётувди...

– Сизни қутлагани келдик, - раис Соли бувага яқинлашди. Қўлидаги гулни унга тутқазди. – Соли Мўминович 70 ёшингиз муборак бўлсин! Эртага туғилган кунингизнинг 70 йиллиги, меҳнат фаолиятингизнинг 50 йиллигини тантанали нишонлаймиз. Зўр тўй қиламиз. Онадан қайта туғилгандек бўласиз.

Соли буванинг ўйчан кўзлари бирдан чараклади. Пешонаси, чўзинчок ияги остидаги чизиклар хиёл сийраклашгандай бўлди. Йўғон кўм-кўк томирлари бўртиб турган бармоқлари билан раиснинг кўлини маҳкам сиқди.

– Овора бўлибсизлар, раҳмат сизларга. Ҳаммангизга раҳмат!

Меҳмонлар хайрлашишди. Соли бува ҳаяжонланганча ҳовлига кирди.

– Бу гулларнинг ҳаммаси сенга кампир, - деди Соли бува энтикиб, - боя тўғри айтибсан. Биз бахтлимиз. Бизни унутишмабди.

Соли буванинг сийрак киприклари намланди. Юзини кампири нигоҳидан олиб қочди.

-Севинчдан йиғлаяписизми?- Кўйсин опа чолига меҳр билан тикилди. – Арзийди. Чекилган заҳматнинг, меҳнатнинг роҳатини кўриш, мевасини тотиш...

Соли бува ёшлиги билан бир умр хайрлашганини энди ҳис қилди. Болалик ортда қолди. У ҳам бир пайтлар тенгдошлари билан собиқ Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Ишчан қишлоғи кўчаларини тўлдириб, чопиб юрарди. Ёз ойлари ой ёруғида бедазорларда чалқанча ётиб, хаёлга чўмарди. Югуришда, сакрашда қишлоқда ҳеч ким унинг олдига ўтолмасди. Курашга тушганда ҳам у кўпинча жўраларини доғда қолдирарди. Энди эса... Энди чол бўлиб қолди. Соч-соқолига оқ оралади. Гавдаси ҳам хиёл олдинга эгилди. Пешонаси ва юзидаги ажинлар қуюклашди.

У мамлакатимиз истиклолининг дастлабки йилларига етказганига шукроналар қилди. Мустақиллик йилларининг ёшларига тан берди. У болалигида қорни тўйиб нон емасди. Усти кийимга ёлчимасди. Айни навқирон даврида коллективлаштириш бошланди. У колхозга кирди. Қишлоқда биринчилар қаторида Самарканддаги икки йиллик агрономлар тайёрлайдиган курсда ўқиди. Деярли кунора шаҳарга пиёда катнардди. Оёқлари қавариб кетарди. Баъзилар кийинчилик-ларга дош беролмай ўқишдан воз кечишди. Лекин у ҳамма азобларга чидади. Қишлоқ хўжалигининг малакали мутахассиси бўлиб Ургутга қайтди. Машина-трактор станцияси МТСда ишлади. У бу ерга 10 йил агрономлик қилди. Катта ташкилотчилик ишларини амалга оширди. Туман хўжаликларида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш билан тинмай шуғулланди.

Соли бува ишчанлиги, ўз вазифасига масъулият билан қараши туфайли раҳбарлар назарига тушди ва партия сафига кирди. 1942 йилга келиб Ишчан (ҳозирги Охунбобоев номли агрофирма) жамоа хўжалигининг раиси этиб сайланди. Бу даврда хўжалик “ўтириб” қолган эди. У узоқни кўзлаб иш кўрди, “Етти ўлчаб бир кесди”. Атрофига тажрибали, кўпни кўрган кишиларни тўплади. Уларнинг кўмагида жамоада ишлар аста-секин изга тушди. Иқтисодий кўрсаткичларда катта ўзгаришлар рўй берди.

1948 йилнинг охирларида Соли Мўминов ҳаётида яна бир муҳим янгилик бўлди. У масъулиятли вазифага – туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди. Бу даврда туман иқтисодиётини кўтариш, қишлоқ хўжалиги экинлари


Ургут оҳанглари

ҳосилдорлигини ошириш, янги ерларни ўзлаштириш унинг сеvimли шиорига айланди. Кейинчалик собиқ "Ленинград", Карл Маркс номли жамоа хўжаликларида раис, туман бўрдокичилик базасида директор бўлиб ишлади. Бутун куч-ғайратини, ақл-идрокини эл-юрт ишига сарфлади. Меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун елиб югурди. У Карл Маркс номли жамоа хўжалигини бошқарган йилларда Жартепа кишлоғи чиройли шаҳарча тусини олди. Янги мактаблар, замонавий ҳашаматли клуб, шифохона, савдо дўконлари, ошхоналар, кооператив усулдаги турар жойлар, жамоа хўжалигининг маъмурий биноси ва бошқа кўплаб иншоотлар қад кўтарди. Янги боғ-роғлар барпо этилди. Жартепа шаҳарчасининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Соли буванинг узок йиллик меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унинг кўксини бир неча орден ва медаллар безади. У бир неча чакириқ туман ва вилоят кенгашлари депутатлигига сайланди.

Ишбилармон ва тажрибали раҳбар Соли бува умрининг охиригача ҳам жамоат ишларидан четда қолмади. У кишлоқ хўжалиги мутахассисларига экинлар ҳосилдорлигини оширишда амалий маслаҳатлар берди. Ободончиликка катта эътибор қаратди. Қурулишлар бошида бўлди. Лекин на илож. Умр бокий эмас. У бахтиёр кексалик даврини сураётганда ҳаётдан кўз юмди.

Ўзининг ҳайрли ва эзгу ишлари билан танилган, бутун Ургут туманига меҳнати сингган Соли Мўминовдек ишчан, ташаббускор, ишбилармон кишининг хотираси қалбларимизда мангу яшашига аминмиз.





Роҳила ТУЙГУНОВА

1953 йилда Гулистон маҳалласида туғилган. 62-сон мактабгача таълим муассасаси мудираси бўлиб ишлайди. Р.Туйгунова серқирра ижодкор. Шеърлар ёзади, уларга ўзи куй басталаб, кўшиқлар яратади. Унинг моҳир рассом сифатидаги изланишлари ҳам эътиборга моликдир.

Р.Туйгунованинг шеърлари, чизган расмлари вақтли нашрларда чоп этилган.

АЁЛЛАР

Ёрларининг кўксини тоғ этарлар,
Хур Ватаннинг даласин боғ этарлар,
Фарзандларин вақтларин чоғ этарлар,
Мўътабар-у муқаддас бу аёллар.

Қадам ташлар, қадамлари мардона,
Дуо айлар дуолари - дурдона.
Ватанига, фарзандига парвона
Меҳри дарё, ўзи порсо аёллар.

Ҳар дамига шукр айлар Оллоҳ деб,
Жони ҳалак фарзандларин ғамин еб,
Топганини кам демасдан қилар эб,
Тадбиркору тежамкор бу аёллар.

Юрагимга яқин кўшиқ, аллангиз,
Яшнаб кетар ҳар ўтирган даврангиз,
Хуш ёқади сиз куйлаган аллангиз,
Сухандону, ширинзабон аёллар.

Жоним сизнинг жонингизга пайваста,
Тутай сизга гул боғимдан гулдаста,
Онажоним, кўшиқ бошлайин аста,
Мўътабару муқаддасиз аёллар.


НАВРЎЗИ ОЛАМ

Такрор безанибди Она табиат,
Гулларга бурканиб бунча мухташам.
Дилларга кўчгувчи мусаффо зийнат,
Бугун Наврўз эрур, Наврўзи олам!

Қушларнинг нағмаю сози ўзгача,
Қизларнинг рафтори, нози ўзгача.
Ошуфта дилларнинг рози ўзгача,
Бугун Наврўз эрур, Наврўзи олам!

Ҳарир зиё билан бу тонг нурафшон,
Ҳамал неъмат-ла муаттар ҳар ён.
Қирларда лолалар тўшаги алвон,
Бугун Наврўз эрур, Наврўзи олам!

Тилагим: Она халқ, доим бўл омон,
Тинч бўлсин, она юрт, тинч бўлсин осмон.
Янги кун-ла бахтга чўмсин ҳар инсон,
Бугун Наврўз эрур, Наврўзи олам!



Очилди БЕГАЛИЕВ



1953 йилда тугилган. Собиқ Мулла қишлоғида яшайди. Тошкент давлат университетининг филология факультетини тугатган. "Занжирбанд муҳаббат" номли шеърлар тўплами нашр этилган. Ҳозир Ургут шаҳар соғломлаштириш интернат мактабида она тили ва адабиётдан дарс беради.

МУСТАЗОД

Моҳ келадур, роҳ ёнадур, ул моҳми оловгул
ё сарвари дилбар?

Дема: Фақат роҳ бўйида бир куйгани кўнгил,
ҳеч қолмади қишвар.

Парвона сифат ўтга уриб ўзини ҳар дам
ўт олди юраклар,
Жунунига қасд айлади дор сочларин ул гул
ҳам киприги наштар.

Қошлар камони кипригидан ўқини отгай
бул хаста жигарга,
Минг-мингта бағир топди шикаст вайрона буткул,
кел, соғини ахтар.

Ҳар неча ошиқ бўлса агар барчаси бемор,
фарёди санамдан,
Матлаби - ўт, орзуси - чўғ, лек шубҳалари қул
ёр васлини истар.

Лол қолди боқиб кўргани бир аҳли шеърнинг
вах, офати жон деб,
Кўнгилни бериб хуснига дил боғлади зех дил
ишқ бошида чамбар.

Ургут оҳанглари

Ўлган кишига жон киради, бунга ажаб йўк,
сен қолма сира тонг,
Ёнган танангга гул битади лаҳзада, Очил,
лутф айласа пайкар.

ҚОШ

Ҳар саҳарда зеб беродур қошига қошимда қош.
Зеб бериб ороланур, жим... Сабру бардошимда қош.

Биз баҳор ёшда эдик у бошлади машшоталик,
Тарки одат айлаёлмас бу кузак ёшимда қош.

Мен шу қошнинг ҳукмига зид чикмадим тоғлар сари,
Айлади фармонларин гоҳ чойхўрак ошимда қош.

Бор жиҳозин номларин айтмоққа кийналгай тилим,
Янги қилгай дастурин ҳар галги маошимда қош.

Гар кезар бўлсам шаҳар ёлғиз ўзим бул қошсиз,
Мисли шамшир ўйнагайдир чимрилиб бошимда қош.

Қош қалин қил қорақошлар қошидан қошим қуюқ,
Ойда йўқ, юлдузда йўқ, бор шу қуёшимда қош.

Сувратин ўйдинг юракка, манглайингдан жой бериб,
Фаҳр эт, Очил, Ҳувайдодек ичу тошингда қош.

ЭЛГА ХИЗМАТ

Элга хизмат айлаганнинг бешак ортар ҳурмати.
Ҳурмати юксакка чорлар бўлмаса ҳеч миннати.

Миннати ҳар кимсанинг обрўсига солгай соя,
Қадри кетиб бетайин елларга учгай иззати.

Иззату ҳурматни доим нафс балоси ямлагай,
Четда қолгай ул назардан кимки, йўқдур ҳурмати.

Ҳиммати олий кишини Ҳотами Той дейдилар,
Хайру эҳсон аҳли доим аҳли мискин қуввати.

Қуввати миллат дегайлар маърифатни ҳар қачон,
Маърифат бирла буюк жамъи миллат қудрати.

Қудрати халқнинг улуғ, сен хизматидан қочмагил,
Эй Очил, шу хизматинг бўлсин ҳаётинг лаззати.

ШОИРНИНГ ТИЛИ ТОЛМАЙДИ

Ватан мадҳини куйлашдан тили шоирни толмайди,
Юракдан айласа хониш унга булбул етолмайди.


Таваллуд топган элимни не хил тавсиф этай бул дам,
Қизикқон куйчидирман бир, етук шоир битолмайди.

Сахарлар даштларини кезсам дилимда мавж урар туйғу,
Жаҳонда ҳар не эзгулик бу туйғудан ўтолмайди.

Туғилган юрти инсонга азал жаннат бўлиб келди,
Магар музлик қумлик, сира ташлаб кетолмайди.

Сўрарсан: Кетгани кимлар ва недир муддао бундан?
Дегайман: Боиси хўрлик эди, хокин тутолмайди.

Танангда токи жонинг бор Ватанга айлагил хизмат,
Очил, сўзлашни бас этгил, сира фурсат кутолмайди.





Худойберди КОМИЛОВ

1956 йилда Испанза қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат педагогика университетини битириб, кўп йиллардан буён ўқитувчилик касбини ардоқлаб келмоқда. Ҳозирги вақтда туман-даги 97-умумтаълим мактаби директори.

Х.Комиловнинг шеър, ҳикоя ҳамда публицистик мақолалари матбуотда мунтазам чоп этиб келинмоқда. Унинг вилоят "Зарафшон" газетаси сиёсий шарҳловчиси сифатидаги мазкур нашрда мунтазам иштирок этиб туриши диққатга сазовордир.

Х.Комилов бир неча илмий-услубий ҳамда адабий рисоалар муаллифидир.

ТЎРТЛИКЛАР

Бу - ўйин, ҳар бир жон, ютаман, дейди,
Нафсимиз беомон, ютаман дейди.
Ҳовликма, бир қара лаҳад оғзига,
Ҳар замон ва ҳар он ютаман дейди.

Биз бу кун англадик ҳаёт шевасин,
Тўғри жойи йўқдир замон теvasин.
Ким аччиқ данакни экиб ундирар,
Кимлардир теради ширин мевасин.

Фалакнинг чархида дарбадар бўлдик,
Беватан, бекафан, бепадар бўлдик.
Минг бора ўлдигу, минг бор тирилиб,
Куйиб-куйиб охир самандар бўлдик.

Бир тоғ деб ўйласанг дунё гамини,
Ундаги чашма де кўзинг намини.
Не эрсанг ўзингдан ортик эмассан,
Шукур, деб кабул эт кўпу камини.

Тотдик, оби ҳаёт тахирдан тахир,
Осмон йироқ, замин тақирдан-тақир.
Жаннатдан мосуво қилди, ерда ҳам
Иблисдан омонлик топмадик ахир.

* * *

Таъзимкор бандалар, бокма, қай ёнга,
Менимча ҳожат йўқ изох-баёнга.
Савлат, тилу ақл берганда эди,
Таъзим қилар эдик ҳатто чаёнга.

* * *

Юзига солмагил тошнинг камини,
Камситма олмосдай бўлсанг ҳам уни.
Тиг тортсанг, қиличинг синдирар шаксиз,
Силасанг тезлайди тигинг дамини.

* * *

Дарёлар бетиним елгани елган,
Тоғлар битта манзил қилгани қилган.
Қай бири бахтлироқ, билмадим, аммо,
Уларга ҳавасим келгани келган.

* * *

Сахрога интилган дарё жим бўлди,
Денгизга ёндашиб лиммо-лим бўлди.
Доно бўлмасанг-да, доно бирла бўл,
Офтобга эргашиб, ой тўлин бўлди.

* * *

Она ер бағрида бир дон бўламиз,
То пишгунча думбул - нодон бўламиз.
Тегирмонга тушиб, ўтда тоблангач,
Мағзи-мағзи пишик, бийрон бўламиз.

* * *

Биз чунон мағрурмиз, тўрт йўл шеър тузиб,
Юз бора тўқиймиз, юз бора бузиб,
Гарчанд бу мевалар бизнинг қўлдадир,
Бедилу Хайёмдан олганмиз узиб.



Мавлон МАМАДАМИНОВ

1956 йилда Мангитобод қишлоғида тугилган.
Тошкент давлат университетининг
журналистика факультетини битирган.

М.Мамадаминов кўп йшлардан буён
тумандаги 84-мактабда ёшларга она тили ва
адабиёт фанларидан дарс бериб келмоқда.

ЁШЛИК ҚАЙТИБ КЕЛМАС

Душанба, сешанба, чоршанба...
Кунлар шошиб шу йўсин ўтар.
Такрорланар неча минг бора,
Улардан сўнг яна тонг отар.

Умримиз ҳам ўтиб боради,
Етти кунни санаб ҳар ҳафта.
Менга жуда алам қилади:
Ёшлик қайтиб келмас, бир марта.

Ёшлигимда бор эди отам
Ва меҳрибон мунис онам ҳам.
Жуда кувноқ шод эдим шунда,
Яшар эдим ҳаётда бекам.

Мени алдаб уйқаш у кунлар,
Олиб кетди ота-онамни.
Юрагимга огир жароҳат
Солиб кетди эгиб танамни.

Бугун ўзим отаман, шукур,
Фарзандларим жуда бахтиёр.
Аммо сезгум: ўша етти кун
Уларни ҳам алдайди такрор...

ЗАМИН ПОЛАСИ

Ишқ деган илоҳий осмонга тушди,
Муз қотган ҳижрони имконга тушди,
Музлатди. Азоби бу жонга тушди.
Кўкларга ўрлади афғоним,
Сенга етолмасман, Осмоним!


Гир-гир айланмоқдан айланди бошим,
Мехру-муҳаббатсиз Ойим, Қуёшим.
Тош қотган юлдузлар - тоғдай бардошим,
Зор-интизор боқмоқ - ёлғиз аъмолим,
Сенга етолмасман, Осмоним.

Қалбимни соғинчли ҳисга тўлдирдим,
Сенга деб бағримда гуллар ундирдим.
Азалий қисматга ўзни кўндирдим,
Дилим оҳидаги мангу армоним,
Сенга етолмасман, Осмоним!

Билсанг шодлигимдан ғамларим кўпроқ,
Кўлларим қалтироқ, қалбимда титроқ.
Ўз номим ўзим-ла, мен қора тупроқ,
Соғинчдан куяру, ёнар бу жоним,

Сенга етолмасман, Осмоним.

Заминман, елкамда доимо зил юк,
Бир юзим суюқдир, бир юзим куюк.
Нима бўлганда ҳам мақсадим буюк,
Сен боримсан, ёруғ жаҳоним,
Сенга гард кўнмасин, Осмоним!





Илҳом ЖАЛОЛОВ

1956 йилда Юқориравот қишлоғида туғилган. Самарқанд Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. 36-мактабда дарс беради. Ҳазал, рубоий ва мухаммаслари матбуотда чоп этилган.

ҲАЗАЛ

Кел-кел, санам, эй кўзлари жаллод,
Бир ишва билан айла мани шод.

Ҳажрингда етар жонима озор,
Васлинг ила қил дилимни обод.

Ҳар дам чекибон оху фиғонким,
Фарёд этаман, дод этаман, дод.

Аслинг ким эрур, менга аён қил,
Ё насли башарсан, ё паризод?

Сарсон ўлмади Мажнун менингдек,
Ҳам зор ўлмади мен каби Фарҳод.

Ошиқ бу Ҳилолийга раҳм қил,
Хуснингни тилаб, ул қиладур ёд.

КОМРОН МИРЗО ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС


Бандаи жонона бўлсам, не ажаб,
Ҳажрида гирёна бўлсам, не ажаб,
Ҳам дили вайрона бўлсам не ажаб,
Ишқ аро девона бўлсам, не ажаб,
Аклдан бегона бўлсам, не ажаб.

Истарам лутфу карам дилдордин,
Юзи гул ҳам лаъли шаккарбордин,
Васли дийдор истарам ул ёрдин,
Холи ўлмиш хилватим ағёрдин,
Ёр ила ҳамхона бўлсам, не ажаб,

Аклу хушум олди ул қадди камол,
Фитна кўнглумга солур лаб узра хол,
Ёди васли бирла банд эмди хаёл,
Ёритур кулбамни ул шамъи жамол,
Болиға парвона бўлсам, не ажаб.

Англамас ул ёр менинг шайдолиғим,
Ҳар қадамда йўлида пайдолиғим,
Зорлиғим, бедорлиғим, ошнолиғим,
Зохир ўлди кўйида расволиғим,
Шаҳр аро афсона бўлсам, не ажаб.

Сухбатидур ушбу дамда муддао,
Ҳар нафасда айладим они дуо,
Даҳр аро бўлдум, Хилолий, бенаво,
Ул паривашга бўлубмен ошно,
Комрон, девона бўлсам, не ажаб.





Қўлдоши МЕЛИЕВ

1957 йилда Ёшизмачит маҳалласида туғилган. Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетини, сўнгра рус филологияси факультетини битирган. Меҳнат фаолиятини ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, 1980-1987 йилларда матбуот нашрларида ишлаган. Ҳозирги вақтда Самарқанд Давлат университети Нашр-матбаа маркази директори. "Шеърый роман жанрининг туғилиши ва шаклланиши" номли рисоласи нашр этилган.

МУАЛЛИМ

Илк бора қаламнинг тафтини сезиб,
Қўлларим илк ҳарфни битган чоғида
Дунёга сиз берган нигоҳла боқдим -
Навнихол қадалди устоз боғида.

Бўй тортган ниҳоллар салмоғи озмас,
Ҳар бири меҳрингиз нуридан қониб,
Кўкка интиларкан, ўғитлар ўчмас,
Сиз-чи, кузатасиз зимдан қувониб.

Устозлик касб эмас, эмасдир мансаб,
Умргузаронлик эрмак эмасдир.
У меҳнат, у заҳмат, у ширин азоб,
Интилиб яшашга чоғланган тақдир.

Устозлик шон эмас, шуҳрат ҳам эмас,
Эмасдир бойликка бурканган ором.
Шогирдлари - унинг шуҳрати ўчмас,
Бойлиги - уйкусиз тунлар беором.

Оддийлик буюкликнинг дояси эрур,
Камтарлик камолот зинаси шаксиз.
Неки буюкликлар бўлса дунёда
Барига мураббий сабаб, шубҳасиз!

Дунёни ларзага солган Темур ҳам
Шеърият куйчиси порлоқ Алишер
Устозлар қошида айлаб эҳтиром,
Касб этди улуғлик, бўлди назаргир.

Ҳа, устоз дуоси - умр чароғи,
Поклик-эзгуликлар ибтидосидир.
Илму одобларнинг олий унвони -
Муаллим борлиқнинг жонфидосидир.

ДЎСТИМ ХУДОЙБЕРДИ ЗИЁТОВНИНГ 40 ЁШИГА АТАБ

Эндигина кўрдинг тўрт ўн баҳорни
Ва энди бошланур ижод наҳори-
Санъат майдонида сен энди от сур,
Қизикман деганни улоқда қолдир,
Худойберди қизик қирқ ёшда бугун.

Эл суйган ўғлонсан - ўзбек ўғлони,
Элнинг суйганлиги чин бўлсин, дўстим.
Ўзбекнинг тўйлари сенла тўлғони
Сир эмас, ҳақиқат, эл айтсин, дўстим,
Худойберди қизик қирқ ёшда бугун.

Сен - куёш қошингда ҳиллолой ёринг,
Гул қизлар тегрангда жим-жимир юлдуз.
Бугун дастурхонда - топганинг, боринг,
Муслимбек улғаяюр сенга изма-из,
Худойберди қизик қирқ ёшда бугун.


Ургут оханглари

Халкимнинг севгани - аския, кулгу,
Туганмас бойлиги - табассум, қаҳ-қаҳ
Кизиклар ўлмайди, зеро бу туйғу
Дилларга таратар жушқинлик, фараҳ
Худойберди кизик қирқ ёшда бугун.

Ҳавас қилса арзир - дўсти ёр бисёр,
Дўстлар табассуми - тенгсиз тўёна.
Шериклик севинчнинг қиммати минг бор,
Шул боис олтиндан қиммат остона,
Худойберди кизик қирқ ёшда бугун.

Келинг, қулишайлик бугун беармон,
Ғам-андуҳ диллардан қувилсин буткул.
Қаҳ-қаҳа авж олсин, янгрисин осмон,
Кулдириб қуйласин ҳаттоки булбул,
Худойберди кизик қирқ ёшда бугун.

Эй менинг хуш қомат, хуш мўйлов дўстим,
Ўзбекнинг ғамида кўп ўйлов дўстим,
Мустақил юртимга бўй бўйлов дўстим,
Қутлуг кун муборак, ўт-олов дўстим,
Худойберди кизик қирқ ёшда бугун!



Раҳмонберди РАҲИМОВ



1957 йилда Сетала мавзеида тугилган. Самарқанд Давлат педагогика институтининг тожик тили ва адабиёти факултетида таҳсил олган. 1978-1980 йилларда Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 51-мактабда, сўнг Ургут туманидаги 5 ва 49-мактабларда ёшларга сабоқ берди. Р.Раҳимов 1988-1992 йилларда туман "Ургут садоси" газетаси тожик бўлими мудири сифатида ишлади.

Ҳозир Торинжаск қишлоғида 122-мактабда дарс бермоқда.

"Тўфони рўзгор" тўплами нашр этилган.

АҚЛИМИЗ КЕЧИКИБ КИРМАСИН

Етти ўлчаб, бир кес.

(Халқ мақоли)

Тинчликсевар диёримизда "Обод маҳалла йили" деган яхши удум юзага келдию ташвишларга тўла бу ажиб ҳаётимизнинг ёрқин келажаги нечук бўлмоғи даркор? - деган савол мени фикрлашга ундади.

Хўш, биз маърака ва маросимларни ўтказишда машаққат ила ҳосил қилинган миллионлаб сўмларимизни тез фурсатда беҳуда сарфлаб, ишнинг оқибатини ўйламай, яратган Эгамнинг безавол маърифатидан бебаҳра қолиб келмоқдамизки, бундай иллат умримизнинг иқтисодий ва маънавий томонлардан ҳамда ахлоқ жиҳатидан таназзулга юз тутишига сабаб бўлмоқда.

Айтайлик, биз гофиллигимиз туфайли бидъат (яъни оқибатсиз анъаналар. Р.Р.) боши берк кўчасига кириб қолган бўлсак, нега илм ва савод аҳли халқни зулматдан ёруғликка олиб чиқишда раҳнамо бўлишмайди? Яъни улар бидъатни хушламанглар, оқибати ёмон бўлади, деб маҳкам туришмайди. Ахир оқилона фикрларга ундайдиган давр келди-ку! Аслини олганда маҳаллаларнинг зоҳирий ободончилигини фуқаролар юксак маънавий-ахлоқий тараққиётсиз тасаввур этиш мумкинми?

Илму ирфонимиз дурдонаси бўлмиш ишончли "Қуръон" 14 асрдан буён башариятни тўғри йўлга бошлаш мақсади борлиги

Ургут оҳанглари

сабабли улкан аҳамиятга моликдир. Зеро бу илоҳий китоб 114 сурадан иборат бўлиб, ахлоқ илми сифатида эътироф этиб келинмоқда. "Қуръон"да жумладан шундай дейилади: *"Эй одам болалари, ҳар бир сажда чоғида тоза либосда бўлинглар ҳамда еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар. Зотан, У (Оллоҳ) исроф қилувчи кимсаларни севмас"* ("Аъроф" сураси, 31-оят. Алоуддин Мансур таржимаси. Тошкент, 1992 йил. 126-бет.)

Демак, юқорида зикр қилинган тўғри фикрларга асосланиб айтиш лозимки, биз ислом динига тўлиқ амал қилмаган ҳолда маърака ва йиғинларимизни ақлга сиғмайдиган тарз: бетартиб, одобсиз ва исрофни қўллайдиган мантиқсиз равишда юргизиб келмоқдамиз. Иқтисоддонлик, камхаржлик, тежамкорлик шохкўчасига кадам босмасдан, дунёқарашимиз пастлиги, билим ва тушунчаларимиз сустлиги натижасида пушаймонлик офатига йўлиққанмиз. Биз пулни қанчалар ранж-заҳматлар эвазига топсакда, аммо қилган меҳнатимизнинг кадрига бормаслигимиз таассуфли ва ачинарли ҳолдир. Таъкидлаш жоизки, инсон ўз саҳву хатоларидан ибрат олур. Ва у тажриба хирмонини ана шу иқтисодий-маърифий томондан адашишлар заминидан ҳосил қилур.

Файласуфлар айтганларидек: *"Биз неъматнинг каддини у йўқолгандан сўнг биламиз, ҳатто одамзоднинг кадр-қийматини ҳам"*. Афсус!..

Филхақиқат, бидъат ботқоғидан нажот топиш учун биз аввало қалбимизни макр-хийла, ёлгон, ҳасаддан поклаб, инсоф ва иймонни унутмай, ақлимиз ила яратган Эгам розилигича иш тутиб, бизнинг йўлимизга тўскин бўлаётган илму ақийдаси саёз айрим тонфаларга қарши курашмоғимиз даркор. Аксинча эса, бесарусомонликдан надомат бармоғини тишлаб қолишимиз аниқ.

Ўтган асрларда яшаб, яхши асарлар ёзиб, бизга буюк мерос қолдирган улуғ алломалар инсоният дардини дармони бўлмиш ахлоқ илмини асосли тарғиб этиб келганлар. Зеро жаҳолат - қоронғилик қамалидан чикиб, мунаввар яхшилик тонгига пешвоз чиқиш ҳаққоний ижодкор инсонлар асарларида ўз аксини топиши ҳозирда бизнинг кўнглимизда келажакка умид учқунини ёқади.

"Қуръон"дан беҳабар кишиларни исрофгарчилик ва ислом шариятига тўғри келмайдиган номарғуб амаллардан қайтариш илм аҳлининг вазифаси эрур, токи ундай бидъат маслакдан тезроқ юз ўгиришимизга имкон яратур.

Исроф баёнида маърифатпарвар олим Мирзо Хайрулло Хўкандий (1880, Қўқон - 1943, Тошкент) "Ахлоқи замима" (Бузук хулқлар) рисоласида ёзмишлар: "Исроф деб керак эмас ўринларга ақча ва ғайр нарсаларни сарф қилмоққа дерлар. Исроф қатъан ҳаром ва кўп мазмун (ёмон) ишдур. Исроф қилгувчини шайтоннинг қариндоши дебдурлар. Исрофнинг ҳаром бўлишининг ҳикмати шулки, Оллоҳ Таолонинг берган неъматини иккидунёнинг саодати учундир. Мол билан дунё ишлари тартибга келур..."

Ва лекин, юқоридаги кўрсатмаларга ҳеч ким амал қилмай келаётир. Тўй куни ичкиликбозликдан эс-хушини йўқотиб, мотам пайти фотиҳахонликни бир ёққа суриб, зиёфатхўрликдан завқланиш, маблағни игна билан топиб, шоха билан совуриш, гул ва навнихолдай тоза келин-куёвни неча юзлаб маст-аласт кишиларнинг кўз ўнгида ўтказиб қўйиш, то ярим кечагача ёлланма ўйинчию ҳофизларни олиб келиб, санъатларини кўрсатиш воситасида, меҳнаткаш кишиларнинг осойишига ҳалал бериш, ўлик чиккан ночор хонадонда йил бўйи нокерак ортиқча маъракалар (хайротли дабдабали дафн маросими, худойи, етти, йигирма, қирк, аза очди, ифтор, йил оши...) уюштириб, оила иқтисодини издан чиқариш, йигинларни ўтказишда камбағал одамларнинг ўзига тўқ бадавлат кишиларга таклид қилиши... шариатга ҳилоф бўлган оқибатсиз ишлардан ҳисобланади. Жумладан, аза очди маъракаси узоқ юртда дунёдан кўз юмган кишининг хотираси учун унинг ҳақиқий ватанида ўтказилиши жоиздир. Бунинг сабаби баъзи кишиларнинг боролмаслигидир. Шу боис, яқин масофалар ичида бу маъракани ўтказишнинг асло ҳожати йўқ деб ўйлаймиз.

Ноз-неъмат, пулнинг қадрига етмай, вақт ва умрни зое кетказиш, ҳовли, маҳалла ободончилигига, дунё илмларини ўрганишга асқотиши мумкин бўлган ақчаларни бекорга сарфлаш, бидъат қаерида хотин, бола-чақаларнинг эҳтиётини ризқларини кийиш, қайси йўл билан бўлмасин, пул топиб тўй ва аза йигинларида қозон-қозон ош дамлаб, обрў орттираман деган ниятда исрофнинг қулига айланиш каби кечириб бўлмайдиган нуқсонлар "тўқликка шўхлик" қабилидаги ношукурчиликнинг ўзгинасидир. Биз қайси неъмат, нарсанинг қадрига бормаган бўлсак, ўша мол, ашёга бир кун муҳтож бўлиб қолишимиз ҳам мумкин. Фаровонлик пайтида исрофдан воз кечмай, танглик вақтида йўқчиликдан нола қилишимиз бизнинг билим савиямиз юқори даражада эмаслигига

Ургут оҳанглари

далилдур. Исроф бизни юксакка эмас, нодонлик жарлигига равона килур!

Бас, шундай экан, биз маъракаларни ўтказишда, таъбир жоиз бўлса, ўз кўрпамизга қараб оёқ узатсак, фақат шу бугунни эмас, эртаминини ҳам обдон фикр қилсак, фарзандларимизнинг касб-камолотини ўйласак, ҳамиша аклимиз билан иш юргизсак, яъни тирикчилик машаққатларини енгишда меҳнатдан юз ўгирмай, Парвардигор маърифатини ҳосил қилсак, баҳордай кўркам, нозанин, нотаниш қизу аёлларга шахват кўзи билан эмас, шафқат назари ила боқсак, ҳалол касб-ҳунар кетидан инсондай бўлиб яшаб, ҳаром-ҳариш нарсалардан ҳазар қилсак, мудом уй шароитини яхшилаш учун жон қойитсак, бу азиз умрни беҳуда ўтказмасликка одатлансак, атрофимиздагиларни ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳилликка чорлаб, ёшларни илм ва ҳунар эгаллашга йўллаб, халқ хизматиға асқотадиган тарзда тарбиялаб ва яхши хулқ-атвори орқали элнинг таҳсинига сазовор этиш бахтиға эриштириш... мақсадға мувофиқ ишлардандир. Зотан, бу муҳим вазифаларимизни бажариб бориш билан умид манзилиға етишиш мушкilotини осон ҳал этган бўлурмиз.

Донолар айтганларидек:

Оқибатин ўйламасдан иш қилган ҳақир бўлур,
Даромадни ҳисобламай харж этган фақир бўлур.

Хулоса ўрнида. Биз ўз иқтисод, маърифат ва ахлоқ дунёқарашимизга катта шикаст етказаётган, ўтказилиши шариятда буюрилмаган маъракаю маросимлардан нега юз ўгирмаймиз? Тоғларимиз юксак бўлса ҳам, нега дунёқарашимиз паст? Журъатимиз, балки хоҳишимиз етишмаслиги сабабли маъракаю йиғинларни (хоҳ тўй, хоҳ аза бўлсин) ўтказишда Парвардигорнинг розилигини эмас, кимларнингдир юзаки маслаҳату йўл-йўриқларини инобатға оламиз. "Ўзимиздан ўтди, кўлимиздан кетди" дегандай, мудом ўз зараримизға ишлаб, ўз оёғимизға ўзимиз болта уриб келмоқдамиз. Шунинг учун ҳаётимизнинг таназзулиға сабаб бўлувчи жоҳилона анъаналардан воз кечиб, ҳақиқий, ихчам, камхарж, оқилона удумларни келгусида рўёбға чиқарсак, адашмаган бўламиз!

Сайёра САИДМУРОДОВА



1957 йилда тугилган. Самарқанд Давлат университети ўзбек филологияси факультетини битирди. 36-мактабда кўп йиллар ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Ургут иқтисодиёт коллежсида ишлади. Ҳозир тумандаги тиббиёт коллежсида фаолият кўрсатмоқда.

Сайёра Саидмуродованинг шеърлари республикамиз газета ва журналларида чоп

этилган.

СЕВМАС МЕНДЕК

Ҳаёт борки, инсон азим,
Билсангиз, эй азизим!
Дилда борин айтиш қарзим,
Мендек Сизни севмас ҳеч ким.

Сизни севса гар бошқалар,
Қирмиз юзли, оқ билақлар,
Дилдораю хуштилақлар,
Мендек лекин, севмас ҳеч ким.

Атрофингизда парвона -
Бўлиб деса, мен ягона,
Ишонмангиз, жоним яна,
Мендек Сизни севмас ҳеч ким.

Кутадирман меҳр, садоқат,
Такрорланмас ҳис, туйғу, бахт,
Садоқатда чин муҳаббат,
Мендек Сизни севмас ҳеч ким.

Кўксим узра ишқ туғғени,
Пўртанадир маъшук қони,
Билинг, қалбим - ишқ ошғени,
Мендек сизни севмас ҳеч ким.

Ургут оҳанглари

Билинг, севгим эмас ҳавас,
У ҳеч қачон бўлмас абас,
Сизсиз дунё менга қафас,
Мендек Сизни севмас ҳеч ким.

ИНТИЗОРЛИК

Кел, тўшадим ишқ дастурхонин,
Косасида лиммо-лим соғинч.
Пиёлада оловли ўпич,
Атрофида кўйдим тўрт ишонч.

Кел, тўшадим ишқ дастурхонин,
Ёзиб кўйдим, этмагил хумор.
Ногоҳ унга меҳмон бўлмасанг,
Оғу кўмар, шишаси синар.

Барбод этма ишқ дастурхонин,
Заҳарга қон қилма юрагим.
Унга кўйдим покиза севгим,
Бахтинг мен-ла бир баҳам кўргин.

Кутиш сеҳри - сархуш капалак,
Қафасида юрагим асир.
Деразада бир жуфт кўз ҳалак,
Бири висолингга мунтазир.

ГАР ЁНИМДА БЎЛСАНГИЗ


Чайқалса гар алвон лолазор,
Дилда бўлиб туйғулар бисёр,
Гулхан янглиғ ёниб кетгим бор
Сиз ёнимда бўлсангиз доим.

Яшнаб кетар бу кўҳна олам,
Гул баргида тургандек шабнам
Қорачўгда йилтирайди нам
Сиз ёнимда бўлсангиз, жоним.

Изларимни майсалар силар,
Ундан еллар бўсалар тилар,
Фаришталар дўстим деб билар
Сиз ёнимда бўлсангиз, жоним.

Хонам узра бўйланганда тонг,
Урганича ишқ юракда бонг,
Чор атрофни қолдираман донг,
Сиз ёнимда бўлсангиз жоним.

Сайёра дер: садоқатдир бахт,
Севганимда муҳаббатдир тахт,
Тарк этмайди бахт мени ҳеч вақт,
Сиз ёнимда бўлсангиз, шоҳим.





Ҳусниддин ФАЙЁЗОВ

1959 йилда Мерганча қишлоғида туғилган. Самарқанд Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таълим олган. Тумандаги 56-мактабда ўқитувчи, Сирдарё вилоят Ш.Рашидов туман халқ таълими бўлими методисти, мазкур вилоят халқ таълими бўлими инспектори, СТВ телекомпанияси дубляж студияси таржимони вазифаларида ишлаган. Ҳозир "Ургут садоси" газетасида фаолият кўрсатмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

КУЙЛА

Куйла завқ оромижон, тошқин дилинг дарё бўлиб,
Ул менинг кемамни элтиб, бул менга маъво бўлиб.

Ҳар сўзи ушбу кўшиқнинг минг бир оҳангнинг ўзи,
Тилгинанг шоиру қалб машшоқ уларга то бўлиб.

Соз унинг ҳар битта торин дил - машом мушки татор
Деб атаб чертсин-да бўй берсинки руҳафзо бўлиб.

Топсин иқбол қувваи сомиъа, шомма, босира,
Ҳар садоинг, мушкингу қаддингга лол, шайдо бўлиб.

Бастакор хаттоти бўлсин шу замон ошиқ юрак
Беш чизикли дафтар ичра олти сезги жо бўлиб.

То Нисорий ҳисси ҳусну ишқу савтинг ҳарфма-ҳарф
Этсин идрок зеб мулку ганжингга ошно бўлиб.

ЮЗИНГ НУРИ

Юзларинг мулки - шуодан кўкда ожиз офтоб,
Пурзиё чехранг билан оламга тухфанг беҳисоб.

Сўзларинг мумтоз ҳар мусиқага куй басталар,
Сен келиб ожиз муғанний, жим қолур танбур, рубоб...

Ҳар нигоҳинг кенг, теран Ором Уқёнусидан,
Лек иши тўфонки, этгай икки дунёни хароб.

Ишқ саҳросин Ипакйўл билдиму гар ташнаман,
Васл - умид, манзил, дегум, дарёмидир ёким сароб?

Кўз таратган шодам ул барҳанда қолган из терар,
Музтар ул карвоним ортган юк фараҳлиг изтироб.

Кўзларим селоб - тошқин, дардларим - найсон, десам,
Сен куларсан, йўқ хавотир, меҳр ўзи моҳир мироб.

Қатли жон чехранг, десам, дерсан: бу кўркимдан улуш,
Эт, Нисорий, шукр, раҳм этдим тутиб парда, никоб.

ЛАҲЗА

Қаро сочлиг осмон зулфига
Тақиб боқар забаржад ойни.
Калит солиб кўнглим кулфига
Ёдга солар ақиқ чиройни.

Кўз ўнгига юзланса бу юз
Ҳар дафъада юз қатла кўҳлик.
Оромингдан, эй дил, умид уз,
Дерким, ҳалок этгай бу муҳлик.

Жисму жоним чўлгаб ларзаси,
Борлиғимни қамрар зилзила.
Синоатнинг пайдо лаҳзасин
Исканжаси - занжир, силсила.

Гул шуъласин тажаллосида
Киприklarнинг эгилган ёйи

Ургут оҳанглари


Тола-тола сочлар созидан
Наво аро сингмоқ-ла гойиб.

Бонг уради борлик: Кўҳинур
Қатрасидир бу дам баҳосин!
Жило аро дурахшон бир дур
Қамаштирар қуёш қиёсин.

* * *

Қалам хаёлимни ўраб-чирмаган,
Қўлга олсам аччиқ қилар ҳар дафъа.
Ҳали ҳеч ким бир бор ўкиб кўрмаган
Ғазалларим мендан жуда ҳам ҳафа.

Гарчи қирк иккини уриб қўйган илк
Шеърим тутиб турар шошқир вақтни.
Ўткинчи умрда кетмас болалик
Дийдоридек берар азобу бахтни.



Қаҳрамон СУЯРОВ



1959 йилда Жартепа қишлоғида туғилган.
Тошкент миллий университетининг
филология факультетини битирган.

Қаҳрамон Суяровнинг "Тўқнашув" (1991)
ҳикоялар, "Юрагимда гуллайди умид" (1992),
"Ғафлатдан уйғонди юрагим" (1999) шеърий
тўпламлари нашр этилган.

ШУКРОНА

Келинг, париларим, келинг, орларим,
Кўкдан тилаганим, менинг зорларим,
Кўпдан тилаганим, гўзал баҳорим,
Сизни кутиб олдим кўз ёшлар билан,
Оллоҳ ато этган бардошлар билан.

Эриди кўксимнинг қотган тошлари,
Бугун кўзларимда қувонч ёшлари,
Энди севмоқ мумкин қалам қошларни,
Сизни кутиб олдим кўз ёшлар билан,
Оллоҳ ато этган бардошлар билан.

Сиз менга яқинсиз энди, одамлар.
Руҳим осмонидан қувилма ғамлар,
Бу қандай фароғат, бу қандай дамлар!
Сизни кутиб олдим кўз ёшлар билан,
Оллоҳ ато этган бардошлар билан.

Қарғалар кўринар кўзимга гўзал,
Митти чумолига ёзаман ғазал,
Шоирлар ошиқдир азалдан азал,
Сизни кутиб олдим кўз ёшлар билан,
Оллоҳ ато этган бардошлар билан.

Ургут оҳанглари


Мен бугун илоҳий ишққа ташнаман,
Мен бугун юлдузга, ойга ошнаман,
Ҳаммани яхшилик сари бошлайман,
Сизни кутиб олдим кўз ёшлар билан,
Оллоҳ ато этган бардошлар билан.

Юракнинг ҳайрати чегара билмас,
Ҳеч кимса бугундан ёмонлик қилмас,
Эзгулик дарёси билгилки, тинмас,
Сизни кутиб олдим кўз ёшлар билан,
Оллоҳ ато этган бардошлар билан.

* * *

Севсанг агар ўз Ватанингни
Тоблан албат саратонида.
Севсанг агар ўз Ватанингни
Синал унинг қаҳратонида.

Ватан меҳри билмас чегара,
Қаҳри эса жуда ҳам қаттиқ.
Унга фарзанд бўлолмас сира
Уни жондан севмаган ортиқ.



Раъно АҲМЕДОВА



1960 йилда Сўфи қишлоғида тугилган. Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. 1980 йилдан 78-мактабда она тили ва адабиёт фанларидан дарс бериб келади. Билим даргоҳида адабий тўғарак ташкил этиб, ҳудуддаги ижодкор ўқувчилар билан мунтазам машғулотлар олиб бормоқда.

СЕВМОҒИМ ИСТАЙСАН СЕВГАНИМ САЙИН...

Хонани ютади юҳо сукунат,
Соатнинг миллари озор чиқиллар.
Кўзларим кўзингдан кутар мурувват,
Кўксимга сиғмаган юрак дукуллар.

Бепарво тутасан ўзингни атай,
Ёндирмоқ истайсан ёнганим сайин.
Кўйингда минг қадок дилимни нетай,
Эҳ, кийин бўлди-ку, ўшанга қийин.

Қалбим-ку юз очмай қўйган севинчга,
Ишқингда ёниб-ку битди, нетаман?
Бир сўзга... осилиб, битта илинжга,
Мен сени чор-ночор ташлаб кетаман.

Ортингга бокма, қўй, илинж умидвор,
У мағрур тош қотган, ортдан чопмайди.
Кетамиз, у бизни ахтариб минг бор,
Ҳатто тушларида энди топмайди.
Юр, умид, кетамиз бу ердан...

ЗАЙНАБНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Мен юзи қораман, толеи қора,
Севиб, севилмаган шўрлик ожиза.
Ишқнинг зарбларидан дилгинам яра,
Кўзларим ҳам ожиз - кўз ёшлар сизар.


Бегим табассуми, ўтли нигоҳи,
Кўйида умидвор мен - бир девона.
Самога туташди дилимнинг оҳи,
Кўзида бир сиймо кўргач ягона.

Совуқ тун қоп-қора бағрига олар,
Ёлғиз болишлар ҳам кўз ёшимдан ҳўл.
Ёлғизлик дилимга муз кўлин солар,
Таппа-тахт бекилар толе томон йўл.

Интиқиб кўл чўзган ишқ жоним-ку бўш!
Ишққа ташна лабим қотиб қолди муз.
Қалбимда жон берди умид номли қуш,
Адоват сас берди: "У ишқ ипин уз!"

Заҳри қотил тутган кўлларим титраб,
Бегим хоки-пойин сийпалар пинҳон...
Қанчалар "бегимлаб" титрамасин лаб,
Улушим баҳормас, о фасли хазон!

Йиллар ўтса ҳамки хотирда қайта,
Мозийдан бир инграб бераман товуш.
Ўзим ҳам ишониб, бегимга қайта,
Ёлбориб боқаман: "Мен - ўша Кумуш..."



Асқар ЛАТИПОВ



1960 йилда Ғўс қишлоғида туғилган. 1983 йилда Самарқанд тиббиёт институтини битирган. 1983 - 1987 йилларда Қашқадарё вилояти Кўкдала туманидаги шифохонада фаолият кўрсатган. Ҳозирда Ғўс қишлоқ шифохонасида ишлайди.

А.Латиповнинг шеър ва газаллари туман ва вилоят вақтли нашрларида тез-тез босилиб туради.

БИР ПАРИ

Кўзларимга бир нигорим, бир пари этмиш макон,
Кетмагин, кайтсанг агар у ҳам этар тарки макон.

Ёнига бормоқ илож йўқ, гирдида навкарлари,
Бирма-бир айтса нетай, ўқ кипригу қоши камон.

Кўзларим куйдирса ҳам парвоси йўқдур, юзига
Кўзларим окин рўмол, қошим қилибдур соябон.

Дамбадам унда қабоқлар тўқнашиб ваъз айтадур,
Истаса кўз ёшидан гоҳ май ичар, гоҳида қон.

Кечаю кундуз бўйи сендан бўлакка йўқ назар,
Ногаҳон кетсанг кетар, кулсанг бўлур хандон чунон.

Кўзларимдан узма кўз, жоним узилгай, этма айб,
Риштаси ёр сендаму ё ул парида бу замон?

Аскаринг ёнинда ўлтир, бирга қилсак сабрини,
Раҳми этар-да бир куни, бизни қилар деб меҳмон.

САВОБИ БОР

Ўтиб кайтдинг қиё боқмай, ҳали бир кун жавоби бор,
Ёзарлар ҳар гуноҳингни қиё боқсанг савоби бор.

Қора икки юзимнингки ажаб рангин гулобини
Оқар тинмай каро кўздан дема ашкнинг хуноби бор.


Агар оҳим тутунидин эниб муз бўлса-да Жайхун,
Ўчирмоққа кучи етмас юрак бағрим кабоби бор.

Юзинг офтобини кўргач куйиб тупроқ сори кетсам,
Келар Мажнуну Фарҳодларки тупроғим тавоби бор.

Не топдинг, ёр, ўкиб тинмай ўшал Вомику Узрони?
Менинг кўксим очиб кўргин, муҳаббатнинг китоби бор.

Муҳаббат мулкида ҳар ким жафо байроғини тутса,
Бориб айтурмикан зоҳид: у дунёда азоби бор.

Кулиб ишқингда эл, Асқар ўтар умри бўлиб гофил,
Яна ишқдан ғазал битдинг, на ишқингнинг ҳижоби бор.



Абдукарим РАҲИМОВ



1962 йилда Мерганча қишлоғида туғилган. 1985 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг гидрометеорология факультетини битирди.

Қурилиш соҳаларида фаолият кўрсатиб келди. Ҳозир Мерганча маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Шеърлари, ҳикоялари матбуотда эълон қилинган.

ЎФИЛ

(Ҳикоя)

- Ўқишга бораманми, ота?

- Ўқишга бораман-а, ота?

- Муаллимлар, сен яхши ўқияпсан, ўқишга кир, дейишяпти.

Бундай сўровлар кейинги вақтларда қишлоқдаги Мўмин чолнинг уйида тез-тез такрорланиб қолди. Мўмин чол ўйда қолган. Ўғлига бирор нарса дейишга кўнгли бўлмади. Бу бола ўқийман дейишини кўймаса! Ўқишга кириш осон бўптими? Устига устак қизлар чиқиб унга суяниб қолишган. Чолу кампир меровланиб қолишмасмикан?

Мўмин чол ўйлай-ўйлай Ражаббой муаллимникига борди. Маслаҳатга.

- Тўғриси айтайми? - деди лойга ботиб ошхонасини суваб ётган Ражаббой муаллим у уйга киришга кўнмагач, - Равшан ўқиса эплайди, калласида бор. Мактабни олтин медал билан бўлмасаям кумушга битиради. Лекин ўқишга киришига кўзим етмайдида. Энди ўқишга олишни биласизку, ё белингиз бақувват бўлсин, ё танишингиз.

- Шунга хайрон бўлиб қолдим-да.

- Энди бундай киласиз. Рухсат беринг, борсин. Қайтиб келгандаям кўнгли ўзидан қолади.

- Шундай қиламиз-да бўлмаса.

Ургут оҳанглари

Ўғли мактаб тамом бўлди деб икки-уч кун уйда уймалашиб юрдию кейин кунора районга катнаб қолди. Ўқишга қогоз тайёрлармиш. Ўша кунлари камрпири гап чиқариб қолди:

- Равшанингиз Тошкентга бориб ўқирмиш, газетчиликка.

- Бекор айтибди-е! Унинг жаҳли чиқиб кетди, - Шу ерларда қуриб кетдими ўқиш. Раъйига қараган сари талтайиб кетяпти.

- Тошкент эмиш-а! Булар қишлоқдан чиқмаган тўнкўз болалар бўлса. Тошкент катта шаҳар. Яхши бор, ёмон бор. Буларни ўйламайди-да!

Кечқурун ўғлини ёнига чақириб олиб ўзининг ахволидан, кексалигидан анча гапирди. Ўғли мик этмади! Ерга тикилганча ўтираверди. Нимани сўраса "билмасам"дан нарига ўтмайди. Кўринишидан Тошкентга жуда орзуманддай.

"Ўқисанг ўзимизнинг Самарқандга бориб ўқи. Бўлмаса ўқимай қўяқол, катта одам бўлмасанг, мундайроқ бўларсан. Ўқиганнинг нони ҳолвадан бўлмайдику", - дёмокчи бўлдию индамади, кўнгли бўлмади. Хай, Тошкентниям кўрса кўриб келсин. Барибир ўқишга қиролмайдику.

- Неча киши борасизлар?

- Орзикул шопирнинг ўғли Собир иккаламиз. У политехникага қирмокчи. Отаси икковимизни қўйиб келаркан.

Хуллас, бугдой ўрар пайтида жўнаб кетишди. Уччаласи: Равшан, Орзикул, Собир. Жўнаш пайти ўғлининг қўлига пул тутқазди:

- Буни бирор ерингга эҳтиётла.

Ўғли илжайди:

- Кўп-ку?

- Ишинг бўлмасин.

"Етмай қолмасин дейди-да, Шаҳарда ичадиган сувгача сотиб олинади, деб эшитади". Ўғлига тайинлади:

- Шаҳар тамоша экан деб сандироклаб юрманглар. Китобларингни ўқиб уйда ўтиринглар. Кўчага чиқсанглар машиналардан хушёр бўлинглар, хўпми?

- Хўп, энамам шундай деган.

- Орзикулжон, энди буларга биронта яхшироқ жой топиб берасизда.

- Албатта. Ётоқхонадан жой олишади.

Мана, энди ўтиришибди чолу кампир бир-бирининг бетига термулиб. Икки ҳаёллари шаҳарда. Телевизор кўрмайдиган одам - ўзи "Ахборот"ни охиригача кўради, у ёқларда об-хаво қандай экан деб.

Кундузлари кўпам сезилмайди-ю кеч тушгач, жуда билиниб туради. Томокларидан овкат ҳам ўтмайди. Бугун ҳам кампири сузиб келган хўрдадан аранг икки қошиқ ичди. Кампири кўзи ўтмаса ҳам нимадир чатиб ўтирибди. Сезаяпти. Ўзини овутмоқчи.

- Кетганига қанча бўлди ўғлингнинг?

- Душанбада жўнашувди, - кампири бармоқларини букиб ўзича алланималарни ҳисоблади. - Эрта душанба келса олти ҳафта тўлади. Бирон марта хабар ҳам олмадингиз. Бошқа оталар ҳафтасига хабар олишади.

- Гапирасан-да сенам. Йўл-йўриқни билсам экан ўзиям қоғозларимизни топширдик деб хабар қилганидан бўлак хат ҳам ёзмади. Ўқишга киролмаган бўлса, келаверса-ку бўлади.

- Имтихондан йиқилган бўлса, қайтиб келишга уялиб юрибдими?..

- Э, ўқишга киролмасликнинг уяти бор эканми? - кампирини уришган бўлди-ю бирдан ичида: "Киролмай қолсаям кўнгли ўқсийди-да, минг бўлгандаям ўғил бола. Ноумид бўлиб қайтиши яхшимас-да".

Ўрнидан турди:

- Мен боққача бир бориб келай.

У колхознинг боғига қарайди. Кечаги сувдан уч-тўрт жўяси қолган экан. Ўшаларни суғормоқчи. Кетмонни елкасига ташлаб, аста-секин жарарикдан сув очиб келди-да, жўякларга бошқариб кўйди. Қоронғуда кўрмай қолибди, жўяклардан бир суғорилган экан, оёғи тиззасигача лойга ботиб кетди:

- Э-э, савил!

Негадир оёғининг лойини ювгиси келмади. Уватга ёнбошлади. Сувнинг жилдирашига кулок солиб ётди. Кун чиқар томонидан шом еган ой баландлаб, атроф ёришди. Бир пайт сўкмок йўлдан бировнинг қораси унга яқинлаша бошлади. Қараса - кампири. Кўнгли бир нарсани сезди. Шошиб ўрнидан турди:

- Равшан келдими?!

- Йўқ, катта кизингиз, куёвингиз билан, - деди кампири ва югурган шекилли ҳарсиллаб, - Куёвингиз телпон қипти. Ўғлингиз ўқишга кирган эмиш.

- Ия?! - Мўмин чол сувни шалоплатиб ўзини ариққа урди.



Дилшода БЎТАЕВА

1964 йилда Узун қишлоғида туғилган. 1980 йилда мактабни битирган. Уй бекаси. Шеърлари матбуотда эълон қилинган.

УРГУТ

Яшаб бағрингда мен шодон, қилурман ифтихор, Ургут,
Жаҳонда сен каби ҳеч юрт тополмас эътибор, Ургут

Тиник сойлар оқар жўшқин, мусаффо хуш хаводурсан,
Баланд тоғу чинорлар сенда кўпдир сервикор, Ургут.

Ўриб сочларни қирқ кокил келинлар қизларинг дилбар,
Жасур ўғлонларинг тургай, бўлиб кўксингда нор Ургут.

Боқиб кўз тўймагай сенга, жамолинг таърифи йўқдур,
Кучок бағрингда ўзга бир чирой очмиш баҳор, Ургут.

Яшар халқинг фаровон, тўқ, гўдақлар кулгуси шодон,
Шифобахшдир гиёҳлар, ҳар меванг танга мадор, Ургут.

Булоғинг сувини ичган киши борки, унутмайди.
Яна қайта ҳузурунгга келар умиди бор, Ургут.

Очиб дўстга кучоғингни, ганимлардан йироқ бўлгин.
Кучоғинг тўлдириб турсин ҳамиша дўсту ёр, Ургут.

Бўлиб Дилшода чин фарзанд, гурурга тўлдириб қалбим,
Сенинг-чун қанча ёзсам кам газал, байт, ашъор, Ургут.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Жаҳонга тенги йўқ ягона диёр,
Сувларинг шифобахш, еринг ҳосилдор.
Бағрингда эрурман мудом бахтиёр,
Эй менинг бағри боғ Ўзбекистоним,
Истиклолинг куйлаб ўтар ҳар оним.

Қанча йиллар бўлдинг ёвларга асир,
Бошингда ханжар у тарихинг таҳқир,
Ниҳоят кулди-ку сенга ҳам тақдир.
Эй менинг кўкси тоғ Ўзбекистоним,
Истиклолинг куйлаб ўтар ҳар оним.

Сенда яшаб ўтган не буюк зотлар,
Номини йўқ қилмоқ бўлдилар ётлар.
Уларнинг нияти бўлди барбодлар,
Қолмади дилда доғ, Ўзбекистоним,
Истиклолинг куйлаб ўтар ҳар оним.

Бугун руҳинг баланд, бошингда Ҳумо,
Ўктам йўлбошчинг бор, фидокор, доно.
Равон йўлга бошлар сени доимо,
Эй менинг йўли оқ Ўзбекистоним,
Истиклолинг куйлаб ўтар ҳар оним.

Бахтинг бўлсин омон, Ватан жонажон,
Қуёшинг нур сочсин, соф бўлсин осмон.
Ҳамиша тинч бўлсин юрт, халқ фаровон,
Орзулари оппоқ Ўзбекистоним,
Истиклолинг куйлаб ўтар ҳар оним.

ҚАНЧА-ҚАНЧА

Бу оламга келганлар, кетганлар қанча-қанча,
Мақсадига етмаган, етганлар қанча-қанча.

Излаб роҳат-фароғат, тушиб бошга маломат,
Адоват ёқасини тутганлар қанча-қанча.

Бу дунёдур ғанимат, келар бир кун қиёмат,
Топай деб молу давлат ўтганлар қанча-қанча.


Қалбида ҳасад қат-қат ортингдан қилиб ғийбат,
"Дўстлик" ниқобин юзга тутганлар қанча-қанча.

Учиб кибру ҳавога, тўкиб каддини ерга,
Тупрокни ҳассаси-ла титганлар қанча-қанча.

Ёшлик ўтиб кетганин, билмай умр ўтганин
Ғафлатнинг уйкусида ётганлар қанча-қанча.

Бойлиги илму Куръон, юзида нури имон
Оллоҳ йўлида эҳсон этганлар қанча-қанча.

Дилшода, ёз ашъоринг, тўкиб кўнгилда боринг,
Тўколмай дил ғиғонинг, ботганлар қанча-қанча.



ҚАНЧА-ҚАНЧА

Бу оламга келганлар, кетганлар қанча-қанча,
Мақсадига етмаган, етганлар қанча-қанча.

Излаб роҳат-фароғат, тушиб бошга маломат,
Адоват ёқасини тутганлар қанча-қанча.

Бу дунёдур ғанимат, келар бир кун қиёмат,
Топай деб молу давлат ўтганлар қанча-қанча.


Қалбида ҳасад қат-қат ортингдан қилиб ғийбат,
"Дўстлик" ниқобин юзга тутганлар қанча-қанча.

Учиб кибру ҳавога, тўкиб қадрини ерга,
Тупроқни ҳассаси-ла титганлар қанча-қанча.

Ёшлик ўтиб кетганин, билмай умр ўтганин
Фафлатнинг уйкусида ётганлар қанча-қанча.

Бойлиги илму Қуръон, юзида нури имон
Оллоҳ йўлида эҳсон этганлар қанча-қанча.

Дилшода, ёз ашъоринг, тўкиб кўнгилда боринг,
Тўқолмай дил фиғонинг, ботганлар қанча-қанча.



Назира ҲАМИДОВА



1967 йилда Камонгаронча маҳалласида тузилган. 1986-1989 йилларда туман ёшлар ташкилотида ишлаган. 1996-2006 йилларда туман ўлкашунослик музейига раҳбарлик қилган. 2006 йилдан буён туман қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи Ахборот-ресурс марказида фаолият кўрсатмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Азиз Ўзбекистоним, шавкатим, шоним,
Элимнинг гурури, зўр ифтихорим.
Кам эрур йўлингда бахш этсам жоним,
Янги йил муборак, Ўзбекистоним!

Бағрингни бут қилган ўғлонларинг кўп,
Тўмарис, Барчиндек суйганларинг кўп,
Меҳрингни юракдан туйганларинг кўп,
Янги йил муборак, Ўзбекистоним!

Сен ажиб бир диёр, жаннатмаконсан,
Маъданга бойдирсан, олтинга консан.
Бахтимга бахт қўшган соҳибдавронсан,
Янги йил муборак, Ўзбекистоним!

Кўйинингда яшашнинг ўзи катта бахт,
Сенгадир эҳтиром, сенга муҳаббат.
Ҳаётим қувончи ўзингсан фақат,
Янги йил муборак, Ўзбекистоним!

Таърифингга ожиз каламим маним,
Мадҳингга етишмас каломим маним,
Қувончим минг дардга малҳамим маним,
Янги йил муборак, Ўзбекистоним!

ОНАЖОН

Онажон, хузурингга гулларим тутиб келдим,
Олислардан бағрингга ел бўлиб етиб келдим.
Ўзга юртда соғиндим айтган аллаларингни,
Борлигим деб билурман бебаҳолик - борингни.
Ҳар сўзинг экан китоб, мактабдекдир ҳаётинг.
Меҳрингдир гўё офтоб, бахш этгувчи қанотинг.
Қабул эт дил розимни, кучоғим очиб келдим,
Дилдаги соғинчларим эшигин очиб келдим.

СЎРМАДИНГ ҲОЛИНГ НА ДЕБ

Сўрмадинг ҳолинг на деб, эй моҳитобоним менинг,
Ўртаниб ишинг ўтида чикса ҳам жоним менинг.

Аклу-хушдан айрилурман йўлларингга термулиб,
Боқиши жон олгучи ёй қошу мужгоним менинг.

Йўқ жаҳонда сендан ўзга бир кадрдон, ҳамдамим,
Йўқ яна зеру-забар олтин тўла коним менинг.

Ларза солган еру кўкка оху афғоним эрур,
Ёққан у ёмғир эмасдур, кўздаги қоним менинг.

Фурқатингда хаста бўлдим дардларимдир бедаво,
Раҳм этиб сўрсанг нетар ҳоли паришоним менинг.

Назира кўз ёшлари тинсин десанг олгин хабар,
Васл уйин обод кўриш билсанг шараф-шоним менинг.

Карим МАҲМУДОВ



1973 йилда Хўжабаланд маҳалласида туғилган. 1993 йилда Самарқанд тиббиёт билим юртини битирган. Карим Маҳмудов шеърлари туман газетасида чоп этиб турилади.

ВАТАН

Кимлар куйламади сенинг мадҳингни,
Нима ҳам ёзардим, содда болангман.
Қировли қишда ҳам туйдим тафтингни,
Онамсан, жўнгина айта қолмайман.

Оҳ, Ватан, бунчалар меҳринг дилкушо,
Сенсиз умрим - чўпчак, орзулар - рўё,
Ҳар қарич ерингда минг бир мўъжиза,
Баҳор, ёз, кузларинг жаннатдек гўё.

Ёримсан, ёрдан ҳам вафодорроғим,
Боримсан, бисотим, кўзим, қароғим,
Танидим шу замин дея ўзингни,
Бир куни бағрингга тайин бормоғим.

Арзимас кўксимни қалқон қилсам ҳам,
Бир нафас олганим чимдим тузингга.
Тимсолинг тополсам ноҳақ бўлсам ҳам
Саждалар қилардим босган изингга.

Оҳ, Ватан, бунчалар меҳринг дилкушо,
Қошингда сўз ожиз, ожиз куй, наво.

СИНФДОШЛАРИМ

Нималар қилмади йиллар сурони,
Умримиз оқизмиш селу бўрони,
Ҳаёт заҳматида топиб орони,
Қировлар кўндирган қалам қошларим,
Омон бормисизлар, синфдошларим?

Чорлади кўнғироқ, сеҳрли овоз,
Беғубор туйғулар, ох, қанчалар соз!
Орзу кабутарлар этмоқда парвоз,
Болаликда топган қариндошларим,
Омон бормисизлар, синфдошларим?

Илк туйғулар қалбдан қалбларга кўчган,
Орзу осмонида ёнма-ён учган,
Илк севги мулкига йўллари тушган,
Кўнгил пардозига зўр наққошларим,
Омон бормисизлар, синфдошларим?

Ўсмирлик ўтибди, ул дамлар қани?
Шижоат, шахд тўла қадамлар қани?
Мавлуда, Насиба, Ўктамлар қани?
Энди айрилиққа йўқ бардошларим,
Омон бормисизлар, синфдошларим?


ГУЛИМ

Қалбим ошёнида номинг ардоғда
Бунчалар латифсан, бунчалар сўлим,
Умрим баҳорини қолдириб доғда
Боғимга куз келиб очилган гулим.

Вактнинг қаршисида қайсарлик кетмас,
Бу замон карвони ҳеч кимни кутмас.
Чамансан, қошингга лек кўлим етмас,
Боғимга куз келиб очилган гулим.

Юрак ҳаргиз тутмас тақдирнинг кўлини,
Тан олмагай ҳеч вақт зоҳирни ботин.
Кўтарганда йиллар сувдан галвирин
Боғимга куз келиб очилган гулим

Рух тан қафасида армонга банда,
Тонг сенда мен учун кундуз очганда,
Бошдан гулбарг эмас, хазон ёғганда,
Боғимга куз келиб очилган гулим.





Хуришид АМИНОВ

Хуришид Аминов 1974 йилда Ургут шаҳрида туғилган. Самарқанд кооператив институтини битирган.

Х.Аминов ҳозир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ургут туман бўлими Кенгаши мутахассиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

СЕВДИМ СЕНИ

Севдим сени, гул юзлигим, эй кўзлари мунчоғим,
Севдим сени бир умрга бўлгин деб овунчоғим,
Севгинг жоним уммонида берар соғинч тўфонин,
Севдим, кўнглим ниҳолига сабодан бўл титроғим.

Сендан баҳор тафти келиб юрак торим чертилди,
Соғинчлардан сабрим тори таранг-таранг тортилди.
Сенга севгим уфорида, гулбарглари рангидан
Севасан деб умид боғлаб севгига байт битилди.

Юрагимни ўтда доғлаб, кўнглим бунча ўртама,
Келақолгин, босган изинг кўзларимга суртаман.
Ошиғингман, ошуфталик дардларимдек ошиқдир,
Йиллар аро интизорлик кўз ёшларим артаман.

Севдим сени, гул юзлигим, эй кўзлари мунчоғим,
Севдим сени бир умрга бўлгин деб овунчоғим.

КЕЧДИМ ДЕДИМ

Кечдим дедим.. Кеча олармикинман,
Фирок захрин ича олармикинман?
Сендан ўзга бирор паноҳ топмоқ-ла
Ҳижронингдан қоча олармикинман?

Юрагим тубига кириб олдинг-ку,
Бошгинамга Қайснинг кунин солдинг-ку,
Муҳаббат ўтида куйиб ёндим-ку,
Кечдим дедим, кеча олармикинман,
Ишқим елга соча олармикинман?

Сени дея қалбим ўртаб қўймагай,
Кўргим келиб соғинч дардин қўйлагай,
Қандоқ қилай, бошқасин дил суймагай,
Кечдим дедим, кеча олармикинман,
Ҳижронингдан қоча олармикинман?

Унга дил берганинг ногоҳ сезганман,
Сезган чоғим бағри дилим эзганман.
Сендан кечмоқлигим аҳдин тузганман,
Мен аҳдимда тура олармикинман?
Ўзгага ён бера олармикинман?

ЎЗГАЧА

Гирдим доим дўстлар билан тўлса ҳам,
Юз сўмиммас, юзта дўстим бўлса ҳам,
Бари мени дилдан ҳурмат қилса ҳам,
Бошга мушкул тушса ҳормай елса ҳам,
Бир дўстимга бўлган меҳрим ўзгача.

Самимият барқ уради сўзидан,
Олов чакнар меҳр тўла кўзидан,
Табассуми аримайди юзидан,
Меҳригиё таратади ўзидан,
Бир дўстимга тушган меҳрим ўзгача.

Оллоҳ, бергин ҳар вақт унинг омадин,
Дол қилмагин алифдай тик коматин,
Бахтин бергин, бер унинг саодатин,
Охиргача чоғ қилгин фароғатин,
Бир дўстимга бўлган меҳрим ўзгача.



Гулсара ХУРРАМОВА

1974 йилда Қулқишлоқ маҳалласида
тузилган.


ОНАМГА

Она, қадамларингдан тўкилади савоблар,
Изларингни очуннинг гули қилсин тавофлар.
Тоғлар саволларимга берсин ҳар дам жавоблар,
Сенинг бардошингчамас бардошлари тоғларнинг.
Фаришталар омонлик сенга тилаб турсинлар,
Доим фарзандларингнинг бошин силаб турсинлар,
Кунларинг ойга, ойинг йилга улаб турсинлар,
Ифори меҳринггача, айт-чи, борми тоғларнинг?
Она, қадамларингни бахт санаб турибди,
Яхши кунлар йўлингга доим қараб турибди.
Соғлигингни Оллоҳдан қизинг сўраб турибди,
Нихояси бўлмасин сен-ла ўсган чоғларинг.

БИНАФША

Тошларнинг тош бағрида,
Сабрдан сўз очдингми?
Ё севганинг дардидан
Тоғу тошга қочдингми?
Хушбўй ҳидинг - аtringни
Ҳидлайди ошиқ майса.
Билмадими кадрингни,
Майсадан ўзга кимса?
Кўзларинг ғамли, сузгун,
Самоданми ранг олган?

Ҳижроннинг туни узун,
Менинг қалбимда қолган.
Ғамзанг билан истасанг,
Ғангитасан анҳорни.
Сен учун агар билсанг,
Соғинаман баҳорни.
Ҳар баҳорда сен учун,
Қувнок шеърлар ўқийман.
Мадҳинг этиб узун тун,
Гўзал қўшиқ тўқийман.
Ўхшайсан ҳур малакка,
Гўзалсану, маъюссан.
Мен учун гўзалликка
Қўйилган бир бюстсан.





Комила ХУСЕНОВА

1975 йилда таваллуд топган. Ургут шаҳридаги Навбоз маҳалласида истиқомат қилади. 70-умумтаълим мактабining бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди.

ФАРЗАНДЛАРИМ

Чаман ичра сиз гунчалар,
Пок қалбларнинг оромисиз.
Бегуборсиз сиз бунчалар,
Дил уйининг эҳромисиз.

Оғримасин бошгинангиз,
Миттигина юрагингиз.
Чимрилмасин қошгинангиз,
Эрур юртга керагингиз.

Сиз бор уйда бозор бўлур,
Кувонч, шодлик бисёр бўлур,
Чекмағай ғам, озор кўнгил,
Фарзанд билан дил шодланур.

Кўнгилчангиз нозик бирам,
Қароғингиз кўрмасин нам.
Оллоҳимдан тилагим шу:
Бахтли умр кўринг ҳар дам.

ХАЙР, ХИЖРОН!

Қайрилиб карама ортингга энди
Кетавер бағритош сендан хафаман.
Билмайман негадир йиғлагим келди,
Юрагим бўшатай таскин топаман.

Йўллар ҳам айродир энди биргамас,
Соғинчдан энтикиб кутмайди юрак.

Энди ҳеч ким сени ортиқ тергамас,
Сўзлама беҳуда, энди не керак?

Йўлингда нигорон кўзларим толди,
Бедор тун кузатиб тонгни кутардим.
Ёлғон сўзларингдан кўнгил ҳам қолди,
Оҳ урсам, оҳларим кўкни тутарди.

Қийнамайман энди юракни ортиқ,
Чарчадим муҳаббат саробларидан,
Жонни беҳудага қилмайман тортиқ,
Қутилдим ҳижроннинг азобларидан.

Бўм-бўш юрак билан қолдим бир ўзим,
Лек энди қадримни билиб яшайман.
Қаргамайман сени, очдинг-ку кўзим,
Бевафо бўлсанг ҳам, мен бахт тилайман.

ЁШЛИГИМ

Ғамгин юрагимда ўчмас армоним,
Беғубор, мусаффо, чексиз осмоним,
Ўйин кулгуларга тўлган давроним,
Тупроқ кўчаларда қолган ёшлигим.

Ифори дилларга ёкқан райҳоним,
Қувиб етолмаган хуркак жайроним,
Хазонсиз баҳорим, боғў бўстоним,
Тупроқ кўчаларда қолган ёшлигим.

Соғиниб эслайман, озорда жоним,
Энди қайтмасмисан, йўқми имконим?
Қайдасан пошшолик даврим султоним,
Тупроқ кўчаларда қолган ёшлигим.

Сен кетгач хувиллаб қолди ошёним,
Наҳот қайтиб келмас бахтиёр оним,
Наҳот бўлмагайсан қайта меҳмоним,
Тупроқ кўчаларда қолган ёш.



Фазлиддин ҲАСАНОВ

1976 йилда туғилган. Чандара қишлоғида яшайди. Бадиий адабиётга жуда қизиқади, болалик чоғлариданоқ шеърлар ёза бошлаган.

ПАРВО ҚИЛМАЙ

Дўстлар мени душманга сотиб,
Сўнг ортимдан кулсалар қотиб,
Аламимни ичимга ютиб,
Парво қилмай яшайвераман.

Шайтон еса ошимни ялаб,
Гуноҳ қил деб айласа талаб,
Насибамни Худодан тилаб,
Парво қилмай яшайвераман.

Биров кулиб сўзласа агар,
Ичи тўла зақуму заҳар,
Тоат қилиб шомдан то саҳар,
Парво қилмай яшайвераман.

ЭРК

Мен Оловман, юрагим – оташ,
Курашларда тобланиб сара.
Азобларга бераман бардош,
Мен нурданман, сўнмайман сира,

Томиримда буюклар қони
Кўпиради денгиз мисоли.

Вужудимда шаҳидлар жони,
Муҳрланган эркнинг тимсоли.

Битта халққа биттадир султон,
Куйиб-пишар елнинг ғамида.
Кўнгли тиниқ гўёки осмон,
Барқ уради ўзбек номида.

Шукур қилай Оллоҳга минг,
Пешонамга битди Истиқлол.
Кутган эдик сени интизор,
Мустақиллик, юртда мангу қол.


Бебаҳосан, танҳосан, юртим,
Азоб чекманг, малҳам бўламан.
Мен Оловман, Эрк деб туғилдим,
Ўлмас ҳаким Эрк деб ўламан.

НОЗАНИН ДУНЁ

Кеча тиниқ, ажиб жилмаяди ой,
Юлдузчалар унга кўшади чирой.
Майсалар баргига кўниб шаббода,
Соғинч қадаҳида ичади бода.
Ойнинг чиройига бўлиб маҳлиё,
Кўзимга нозанин кўринар дунё.
Эсимда болалик. Хотира бари...
Талпиниб яшайман кетгани сари.
Аслида гўдаклик кетмади мендан,
Мен кетдим бегубор, гўзал чамандан.
Қизалоклар менга тутиб гулдаста,
Вояга етишди кейин бирпасда.
Ёшлик ҳам бир нигоҳ ташлабди секин,

Ургут оханлари

Мен эса гафлатда юрибман лекин.
Мени қанча кутиб у қилар охир
Келинчак бўлишди бари бирма-бир.
Сочимга оқ тушди, юзимга ажин,
Кўнглимга бир гўзал келмади яқин.
Хаёлга айланди у ширин чоғлар,
Аёлга айланди у кизалоклар.
Кеча тиник, ажиб жилмаяди ой,
Юлдузчалар унга қўшади чирой.
Майсалар баргига қўниб шаббода,
Соғинч кадаҳида ичади бода.



Улугбек ТОҲИРОВ



1977 йилда Ўрамас маҳалласидаги
Дўнғишлоқда тугилган. 1999 йилда Халқаро
сиёсатишунослик академияси ҳуқуқишунослик
факультетини битирган. Ҳуқуқ-тартибот
идораларида хизмат қилади.
"Илинж", "Юлдузли осмон" шеърӣй
тўплamlарӣ муаллифи.

БУВИМ ХОТИРАСИГА

Самога боқаман беун, хаёлчан,
Қоп-қора зулмат-ку, қайда кундузи?
Осмонда чакнайди, оҳ, кеча мени
Эркалаб ўтирган момо юлдузи.

Илкис ич-ичимдан унсиз йиғлайман,
Наҳот чакнаб турган момоммикан у?
Йўқ, ишонгим келмас ахир ўзи
Кеча: "Яхши одам ўлмас" девди-ку?

Самога тикилиб кўзларим толар,
Дилни янчиб ўтар оғир қадамлар.
Ерни-ку билмайман, англадим фақат,
Осмонда кўп экан яхши одамлар.

ҲАҚИҚАТ

Зулмат аро чикқандек саҳар
Сен тун ичра балкидинг гўё.
Одамлар бор диллари заҳар
Яралгандек кураш-чун дунё.

Борсан, битта ўтинчим: дилдан
Риёларни иткитиб ташла.

Ургут оҳанглари

Сен ўлмайсан, сен-да мангусан,
Кел, Ҳақиқат, кўксимда яша.

* * *

Бошимни силайди йиллар беозор,
Хаёлни тарк этмас ишқ тугёнлари.
Юракдир безовта асабий чинор,
Чиркиллар ҳижроннинг полапонлари.

Шовуллар безовта асабий чинор,
Япроқлари ерга кетар тўкилиб.
Сағир орзуларнинг бағридан, дилдор,
Кетаяпман бугун ўксиб-юкуниб.

Йиллар беозордек силар бошимни,
Бағрим хувиллаган зиндонга ўхшар.
Ўтмиш - бир ширин, туш уйғонсам агар,
Хаёлга бераман чўнг бардошимни.

* * *

Яхши дамлар ўтар, фақат рўё қолур,
Бадбин ният бўлса, изи бежо қолур.
Нафс кўмилган тупроқларга ҳаё қолур,
Биз кетармиз, яна азал дунё қолур.

Номи чикмас ҳар бир каснинг шони йўқдир,
Беиз ўтган ҳар авлоднинг номи йўқдир.
Бу дунёдан ўтар жоннинг сони йўқдир.
Биз кетармиз, яна азал дунё қолур,

Тизилишиб қатор-қатор карвон ўтар,
Галма-галдан ўкинчи бир армон ўтар.
Доро ўтган у кўприкдан пайкон ўтар,
Биз кетармиз, яна азал дунё қолур,

* * *

Тақдир айирганда йўлимиз.
Мен кечикиб келишим мумкин.


Талпинганча бир-биримизга,
Ўзга ёрни кучса кўлимиз..

Мен ичикиб қолишим мумкин
Ёришмаса ҳижрондан туним.
Сен бунда зор қолиб йиғласанг,
Тополмасам сабрдан кўним.

Мен кечикиб келишим мумкин,
Сен ўзинг-чун курашолмасанг.
Сен барига кўниб яшасанг,
Мен севолмай қолишим мумкин.

ТЎРТЛИК

Боғ аро кўйди булбул, ул гунча
лаб очмади,
Ишқингда ёндим деди ул гунча
лаб очмади,
Бул маконни тарк айлаб кетмоққа
қанотлари,
Ул гунча кўзларини юмгунча лаб
очмади.





Зухра ЭШОНҚУЛОВА

Зухра Эшонқулова Ўкрач қишлоғида туғилган. Самарқанд университети ўзбек филологияси факультетинда ўқиган. Ҳозирги кунда Самарқанд таянч тиббиёт коллежсида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

«Умид баҳори» (2007), «Севгимга битилган номалар» (2009) шеърый тўпламлари муаллифи.

ҒАМЛАРГА БОТИРМАНГ АЁЛИНГИЗНИ

Жуфти ҳалолим деб этдингизми ёр,
Эркаклар, бурмангиз хаёлингизни.
У сизга ярашган муносиб дилдор,
Хурматланг, иззатланг аёлингизни.

Дунё ташвишларин соч толаси-ла
Тарошлаб бошига ўраб туяди.
Юз мингта дард ичра юрсада аёл,
Сизга, рўзғорига жондан куяди.

Мурувват керакмас, меҳр кутади,
Фидо жонига у товон қистамас,
Битта суйиб қўйинг мунис кўнглини
У сиздан олтин-у зарлар истамас.

Табаррук шаънини булғаган, орсиз,
Номуссиз аёллар макридан қочинг.
Умрбод суянчиқ - гул ёрингизга
Чин дилдан севгингиз сирини очинг.

Меҳр-у садоқатнинг уволи ёмон,
Болангиз отага зор-хор бўлмасин.



Роҳила БОЗОРОВА

1979 йилда Катта Торинжаск қишлоғида тугилган. Ҳозир Жагалбойли қишлоғида яшайди.

Р.Бозорова "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши мутахассиси.

"Умид гунчаси" шеърӣ тўплами нашрга тайёрланган.

ОРЗУЛАР ОРАСИДА

Нур мисоли учгим келар,
Юлдуз сирич ечгим келар.
Саклаб Замин эҳтиромин,
Фазо томон кўчгим келар.

Заррин куёш жилвасининг
Тафт - олтинин тергим келар.
Тўлин ойнинг чехрасини
Кўрган сари кўргим келар.

Дил - мунажжим, фалакшунос,
Хаёлларим парвозида.
Ой-у куёш ундан киёс
Орзуларим оросида.

ИСТАГИМ

Менинг каламимдан тўкилган ҳар сўз
Баҳор ҳавосидек бегубор бўлсин.
Қудратидан дашту биёбон, чўллар
Қучоғи тикансиз гулларга тўлсин.

Менинг каламимдан тўкилган ҳар сўз
Қоғозга севинчлар изларин тўксин.

Ургут оҳанглари


Томирлардан меҳр уммони оқиб
Ҳар дилда эзгулик уругин эксин.

Менинг қаламимдан тўкилган ҳар сўз
Чиксин бағритошни инсофга чорлаб.
Бир кам дунё, сўздан ғамлилар тонсин,
Умид чироклари юлдуздек порлаб.

Мусаффо осмондек хаёл кушларим
Эртанги порлоқ кундан берар сабоқ.
Қалбим нурга чўмар, ойдин тушларим
Гўё зулмат тунни ёритган чирок.

Дарё мавжи каби дил орзуларим,
Тўрт фасл ичра ҳам гуллайди бирдек.
Пардек енгил, тиник туйғуларим-ла
Гўёки бу олам тилсимот, сирдек.

Кечалар узолмам кўзларим кўкдан,
Юлдузлар санайман, ҳислар солланар.
Эзгу ўй-ҳаваслар гулхани ёқиб,
Юрак шуъласида куёш тобланар.



Шаҳноза ОРИПОВА

1982 йилда Мерганча қишлоғида тугилган.
"Ургут садоси" газетаси таҳририятида
ишлаган.



БАХТ

Йўламаса асло қабоҳат,
Хамроҳ бўлса меҳру муҳаббат.
Куч синашса яхшию ёмон,
Голиб чиқар эзгулик томон.

Сўзлашсак гар ширин сўз билан,
Яйраб кетар мушфик дилгина.
Озор берса бесуяк тиллар,
Яраланар қанча кўнгиллар.

Синов даври эрур бу дунё,
Ўтиб кетар мисоли рўё.
Керак эмас игвою гина,
Вафо қилар яхшиликкина.

Севги ҳар дам бўлса ҳукмрон,
Олам гўзал бўлади шу он.
Бойлик эмас, балки қалб туташ,
Бахт аталур бундайин яшаш.

СОҒИНЧ

Хувиллаб қолганда менинг дил боғим,
Сўна бошлаганда умид чироғим.
Қайғудан намланса кўзим қароғим,
Сенинг кўзларингни жуда соғиндим.

Ургут оҳанглари

Соқин тунда ой-ла суҳбат курганда,
Ёлғизликда хаёл ҳамроҳ бўлганда,
Қалбимга ғашликлар соя солганда,
Сенинг сўзларингни жуда соғиндим.

Гўзал қизлар ишқ - ўт билан ёнганда,
Мард йиғитлар севгисидан тонганда,
Чин муҳаббат боғи сўлиб тўнгганда,
Сенинг ҳисларингни жуда соғиндим.

Бу замонда кўпдир Ҳомидлару лек,
Севимлилик топай Кумушбидек,
Бир бор йўқлаб келгин мени, Отабек,
Сенинг муҳаббатинг жуда соғиндим.

ТУЙҒУЛАРИМ

Кечалари кувиб солар уйкуларим,
Юрагимдан паноҳ олган туйғуларим.
Ҳисларимдан унутилар қайғуларим,
Фунча очиб гуллаётган орзуларим.

Кўзларимга кўринади олам тенгсиз,
Кўкда ой ҳам жилмаяди гўё сўнгсиз.
Юлдузчалар ёруғ айлар тунни тонгсиз,
Фунча очиб гуллаётган орзуларим.

Дунёдаги барча нарсадан фараҳли,
Етишмоқни истайдилар олам аҳли.
Ҳамроҳ бўлса бахтли бўлардим нечоғли,
Фунча очиб гуллаётган орзуларим.

Ёлғиз қўймас ўша дамда бу шеърят,
Сўзларидан уфурганча самимият.
Қалбим ором топиб сезмас ҳеч азият,
Фунча бўлиб гуллаётган орзуларим.

ДИЛНОЗА АҲРОРОВА



1984 йилда Ургут шаҳрида тугилган.
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати
етакчиси бўлиб ишлаган. Ҳозир «Эрудит»
ижодий марказида фаолият юритаяпти.

УЧИНЧИ ОДАМ

Ташвишларин елкамга ортиб
Юрак беҳол, юрак безовта.
Кимга кулфат, кимга татир ғам,
Орамизда учинчи одам.

Келгин, дўстим дардларинг сўйла,
Кўришмадик соғиндик хийла.
Қачон ҳалал бермаган ўйла,
Орамизда учинчи одам.

Юрар эдик дўстликдан масрур,
Бирга эдик енгилмас, мағрур,
Сўнгра поймол этилиб гурур,
Орамизда учинчи одам.

Қара, борлиқ қанчалар гўзал,
Истасак кел, ёзамиз ғазал,
Ошимизга солмаса заҳар,
Орамизда учинчи одам.

Сен-менга кенг, унга тор олам,
Арпасин хом ўрдикми билмам,
Йўғса нега қилади алам,
Орамизда учинчи одам.

Ургут оҳанглари

Қоғоз ёкиб, гўё ўт калар,
Билмас леки ниши бесамар,
Дўстлигимиз чин у беҳабар,
Орамизда учинчи одам.

Бўлдик тақдир ишларидан лол,
Яшаб туриб билганча ҳалол,
Қачон келдик биз унга малол,
Орамизда учинчи одам.

Қисмат бизга қўйди учта йўл:
«Борса келмас», «Хатарли», «Оқ йўл».
«Оқ йўл»дамиз, дўстим тезроқ бўл,
Ортимизда учинчи одам.

ОТАМ ЭККАН ТОК

Жилвагар сойларнинг зилол сувлари,
Кўпчиган бахт каби мавж уриб оқар,
Тоғларнинг хушнаво эпкин шамоли,
Кўксимда тентираб оҳангдек ёғар.

Қадамларим ўпиб-қучиб қаршилар,
Мажнунтоллар бахтдан эгиб бошларин,
Қучгим келар фақат гиёҳларнимас,
Ҳатто чангга ботган харсанг тошларин.

Япроқлари қарсак чалиб қутлайди,
Майсалар тебраниб шивирлай бошлар,
О, Ургут! Ватаним, туғилган гўшам,
Юрагим пойингга тўкила бошлар.


Болалигим ўтган гша тор кгча,
Босиб, тепиб, янчиб ўтибман такрор,
Билсам изларимни ўпар экансан,
Сени ўпмоғликка бугун мен тайёр.

Отам кўли теккан сўри тоқлардан
Юраги потирлаб тушар «Хусайни».
– Ол, дейди, лабларинг соғиндим эркам,
Сен суйган узумман етилдим, айни.

Кувончдан чоклари сўтилиб секин,
Сочим силар майин ёмғирли ошён.
Ё, Танграм, бундай юрт яна қайда бор,
Осмони осмонмас юраги осмон!

МАСОФА

Сен ҳамон ўшасан,
Мен ҳамон ўша.
Нигоҳлар порлайди кўрганда.
Қўллар бир-бирига улашар меҳр,
Сўзлар қовушади жуда тез...
Сен ўша-ўшасан,
Мен ҳамон ўша
Орзу-ўйларимиз кучоғлашади,
Хатто фикрлар ҳам ўртоғлашади,
Нимадир, нимадир узоғлашади,
Аммо сен ўшасан,
Аммо мен ўша
Ўртамизда эса...
Узоқ масофа.





Ҳафиза АСЛОНОВА

1985 йилда Оқдарё тумани Тўртайзир қишлоғида туғилган. Самарқанд давлат университети филология факультетини битирган. Ургутга келин бўлиб тушган.

"Қайдасан, меҳр?", "Менинг урганжим - менинг урганжим", "Сизга айтар сўзим бор", "Ҳазон бўлган умр" (драма) тўпламлари муаллифидир.

МАНГУ ЯША ЖОНИМ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Мустақил ёшинг улғаяр ҳар йил,
Мустақил ёшинг асли неча йил?
Ирмоғинг бошланар Момо Ҳаводан -
Баланд тутиб байроқ Одам Атодан.

Ишқингда куйиб ёнди Муқанна,
Балки бошлагандир Мустақил сана,
Балки араб истилосидан аввал,
Бошлангандир тарихинг даставвал.

Мустақиллик орзусида ибн Сино ҳам,
Курашдилар ал-Беруний, ал-Хоразмий ҳам,
Курашди соҳибқирон Амир Темур ҳам,
Черик тортиб юрт бошида мустаҳкам.

Балки бобом Алишер Навоий ушлаб қалам,
Ташлангандир ёвга дилда минг алам,
Истиклол учун курашди Мирзо Бобур ҳам,
Охир топмиш армонларимиз барҳам.

Тарих саҳифасин санадим бир-бир,
Ўтибди неча эра, йил, аср,
Таъриф айлай она юртим Мустақил,
Кўрамиз буюк юрт, буюк каср.

Насиб этди куйламок, айтай кўшигинг,
Ёзай назм-наво, ҳаёт жўшқиним,
Ёзай бўстоним, шоҳ дostonим,
Мангу яша жоним, ЎЗБЕКИСТОНИМ!


БИР КУНИ

Бир кун биламан, умрим тугайди,
Ерга узилгандек япроқ мисоли,
Бир кун келаман, нурлар чулғайди,
Атрофим фаришта, жаннатий ҳоли.

Бир кун биласан, ҳижрон азоби,
Ёстикда қуритар кўзинг ёшини,
Бир кун келасан, қабрим-мозори,
Узра ўй сурасан, силаб тошини.

Бир кун биледи, англари айрилиқ,
Тоабад мангуга ҳукм суришин,
Бир кун келеди, тақдирдан илиқ,
Фанолик адоғи хабар тушишин.

Бир кун биламиз, надомат уриб,
Қисматни қарғаймиз, куйиб ва куйиб,
Бир кун келамиз, маҳшарда туриб,
Меҳрни керагин олармиз укиб?!!!
Бир кун...





Исомиддин ПЎЛАТОВ

1985 йилда Сўфи қишлоғида туғилган. Ҳозир Самарқанд вилоят "Зарафшон" газетаси мухбири.

ТАНГРИНИНГ РАҲМАТИ

Раҳмим келиб кетди,
Чанг кўчадан ўтаётганда,
Кунни зулмат ютаётганда,
Раҳмим келиб кетди...
Оёқларимга...

Кимдир менга секин шипшитди,
Хиёнатнинг қоқ нуқтасини,
Ҳисларимнинг «ой болта»сини
Раҳмим келиб кетди...
Қулоқларимга...

Тунда жоним бир руҳ силкитди,
Тиним билмай ёзаётгандим,
Ўзимга гўр қазийтгандим,
Раҳмим келиб кетди...
Бармоқларимга...

Умрим хаёл каби тез ўтди,
Ётиб олдим дунё дея кенг,
Менга боқиб, кўкда Тангрининг,
Раҳми келиб кетди...
Тупроқларимга!..

ИСТАМАЙСАН

Истамайсан унутишимни,
 Истамайсан севишимни ҳам.
 Яширасан-у кулишингни,
 Яширасан севишингни ҳам...
 Шамол ҳам эмассан,
 Куй-навоҳаммас,
 Туйгуларинг англаёлмайман,
 Нозларинг дард,
 Ё давоҳаммас,
 Ўз йўлимни танлаёлмайман.
 Рўкач килиб ишинг йўқлигин,
 «Ўз ҳолимга кўйинг», дейсан гоҳ.
 Қизлар менга қилса, шўхлигин,
 Кўзларингдан сачраб кетар оҳ!..
 Гапирсам гар бурасан юзинг,
 Гапирмасам, чиқади жаҳлинг.
 Азобларга солгувчи ўзинг,
 Қачон сени киради ақлинг?
 Тушунмадим,
 Тушунолмадим.
 Истадингми, ғам ютишимни?..
 Оламдаги энг буюк ғаним,
 Қараб тургин унутишимни!..
 Шундай сени унутайинки,
 Кўзларингдан тинмасин ёшинг.
 Сенга совчи келмайди, чунки
 Шўр бўб кетар, пиширган ошинг...
 Эҳ, туйғуси телба-тескари,
 Ситамларни севиб қолган қиз,
 Энди сендан кетяпман нари,
 Хотираида қолдирмайин из.
 Хайр энди, хайр, алвидо,
 Истамадинг, сен севишимни.
 Худо шоҳид, шоҳиддир Худо—
 Истамайсан унутишимни!..



Сабоҳат РАҲИМОВА

1988 йилда Мерганча қишлоғида тугилган.
2004 йилда 56-умумтаълим мактабини
битириб, Ургут қурилиш ва миллий
ҳунармандчилик коллежсининг педагогика
бўлимида таҳсил олган.

ШЕЪРИМ

Шеърим, қалбимдаги куёшим ўзинг,
Дилимга энг яқин сирдошим ўзинг,
Умрим бўйи дўстим, кадрдонимсан,
Орзу ишларимга йўлдошим ўзинг.

Йўлимни очасан бўлиб мисли ой,
Беғубор қалбимга бағишлаб чирой.
Сен менинг орзую армонларимсан,
Сўзларинг бир олам гўзалликка бой.

Шеърим, сен қалбимда яшайсан мангу,
Ҳамиша ҳамроҳсан тилагим билан.
Фақат сен бир куни илҳомга тўлиб
Отилиб чиқасан юрагим билан.

МАЙСА


Секингина бошин силкитар
Даладаги жажжи бир майса.
Бир лаҳзада яйрайди диллар
У бегубор кўшигин айтса.

Ҳатто унга жўр бўлар қушлар
Кўшигига маҳлиё бўлиб.
Даладаги жажжи бир майса
Улғаяди кўкдан нур олиб.

ОТА-ОНА ДУОСИ

Олмасанг гар кўнглинг тўлмас,
Ота-онанг дуосини.
Олмасанг гар бахтинг кулмас
Ота-онанг дуосини.

Кувонч ила дилга олгум
Ота-онам дуосини.
Оро этиб дилга солгум
Ота-онам дуосини.





Ситорабону ҲОШИМ ҚИЗИ

Ситорабону Ҳошим қизи (Шомуродова) 1992 йилда Қуйитегана маҳалласида туғилган. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университети филология факультетида грант асосида таҳсил олмоқда. Ёш шоиранинг «Ялтизларга ошиқ қиз» номли шеърӣ тўплами нашрдан чиққан.

ОНАЖОНИМГА

Доим йўлларимда йўлдошим - ўзинг,
Дилимни ёритган куёшим - ўзинг,
Гар дард чекар бўлсам, дарддошим - ўзинг,
Муштипарим, онажонгинам.

Она, жоним тўшай босган изингга,
Борлигим бахш этай танҳо ўзингга,
Тенгсиз жавоҳирсан эрка қизингга,
Дилсеварим, онажонгинам.

Кувонсам мендан кўп сен кувонасан,
Хаста бўлсам дарддан ўтда ёнасан.
Барча хислатларда сен ягонасан,
Дилтортарим, онажонгинам.

Сен кувонган чоғинг қалбим оромда,
Фақат шундан шодман эртаю шомда.
Она сўзин ўзи энг буюк ном-да,
Мўътабарим, онажонгинам.


Юрагимдан бу дам тошиб келмоқда,
Сени тавсиф этган сўзлар қаймоқдай.
Кўнглим - булбул, ундан тилим - сайроқ най,
Сийму зарим, онажонгинам.

ЁНИМДАГИ БАХТ

Биламан: ёнимда энг катта бахтим,
Севинчим, соғинчим, дардим, шеърим.
Ёхуд бу иқболдан қоникмас пайтим,
Мени қўллагувчи яқинларим бор.

Бахтим ёғдулари ёнгинамдадир,
Олий туйғулари жонгинамдадир,
Ҳар бир табассумли дақиқамда - у,
Фараҳбахш ҳар лаҳза, онгинамдадир.

Бахтим бўлагидир у зот, азизим,
Ёнимдан жилмасин бир лаҳза, бир зум.
Саодат нашъасин сурмоғим учун,
Лозим онажоним қилган табассум.



I. МУМТОЗ АДАБИЁТИМИЗГА ДАХЛДОР	
ГУЛДАСТА МУБОРАК!	3
ХУМУЛИЙ	7
МУФТАҚИР	8
ТАСЛИМ ҚОРАТЕПАГИЙ	10
КУНЖҚОВ	12
ҚУТБИЙ	13

II. ТАНИҚЛИ АДИБЛАРИМИЗ	
Барот БОЙҚОБИЛОВ	17
Ўлмас ЖАМОЛ	21
Эркин НЕЪМАТОВ	25
Асад ДИЛМУРОД	28
Маматкул ҲАЗРАТҚУЛОВ	38
Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ	45
Ўткир РАҲМАТ	47
Абдусанн КЎЧИМОВ	51
Ўткир ЖЎРАЕВ	55
Абдуғафур МАМАТОВ	58
Холмухаммад НУРУЛЛАЕВ	60
Абдували ҚУТБИДДИН	63
Исматулла ЙЎЛДОШЕВ	66
Карим БАҲРИЕВ	69
Жумагул СУВОНОВА	71
Дилором ИСМОИЛОВА	74
Тошпўлат УРХУН	77
Исмоил ШОМУРОДОВ	80
Рустам ЖАББОРОВ	84

III. ҚАЛАМ БИЛАН ОШНО КЎНГИЛЛАР	
Адхам ҲАЙИТОВ	87
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ	91
Феруза ШОДИЕВА	94
Баходир ЖЎРАЕВ	96
Максуд ЖОНИХОНОВ	98
Мурод АҲМАДЖОНОВ	100
Латиф ШАРИФИЙ	102
Лўъбат УМАРОВА	104
Зргаш МАЖИДИЙ	106
Нарзулла ФАЙЗИЙ	108
Нажмиддин НУРМАТОВ	111
Ёркин ЙЎЛДОШЕВ	113

Феруза ХАЙРУЛЛИНА.....	116
Файзи ХАЙДАРОВ.....	118
Гайбиддин ФАЗЛИЕВ.....	122
Абдулла АБДУВАДУДОВ	126
Муртазо МУСТАФОЕВ.....	129
Мирсоат МИРСАИДОВ.....	131
Тошканбой НОСИРОВ.....	132
Мурод ҚУРБОНЗОДА.....	138
Мавлуда МИРСАИДОВА.....	140
Мохира ЖУМАЕВА.....	143
Очилди ҚЎЙСУН.....	146
Матлаб ҲАСАНОВ.....	149
Роҳила ТУЙГУНОВА.....	153
Очилди БЕГАЛИЕВ.....	155
Худойберди КОМИЛОВ.....	158
Мавлон МАМАДАМИНОВ.....	160
Илхом ЖАЛОЛОВ.....	162
Қўлдош МЕЛИЕВ.....	164
Раҳмонберди РАҲИМОВ.....	167
Сайёра САИДМУРОДОВА.....	170
Ҳусниддин ФАЙЁЗОВ.....	174
Кахрамон СУЯРОВ.....	177
Раъно АХМЕДОВА.....	179
Аскар ЛАТИПОВ.....	181
Абдукарим РАҲИМОВ.....	183
Дилшода БЎТАЕВА.....	186
Назира ҲАМИДОВА.....	189
Карим МАҲМУДОВ.....	191
Хуршид АМИНОВ.....	194
Гулсара ХУРРАМОВА.....	196
Комила ХУСЕНОВА.....	198
Фазлиддин ҲАСАНОВ.....	200
Улугбек ТОҲИРОВ.....	203
Зухра ЭШОНҚУЛОВА.....	206
Роҳила БОЗОРОВА.....	207
Шаҳноза ОРИПОВА.....	209
Дилноза АҲРОРОВА.....	211
Ҳафиза АСЛОНОВА.....	214
Исомиддин ПЎЛАТОВ.....	216
Сабоҳат РАҲИМОВА.....	218
Ситорабону ҲОШИМ ҚИЗИ.....	220

Ургут оҳанглари

УРГУТ ОҲАНГЛАРИ

Самарканд, “Zarafshon” нашриёти ДК, 2012.–224 б.

Мухаррир: Хайрулло Ҳамроев
Мусаххих: Г.Холдорова
Саҳифаловчи В.Абдусаломова

Теришга 15.04.12 да берилди. Босишга 22.05.12да имзоланди.

Бичими 60x84 1/16. Офсет босма қоғози.

“Таймс” гарнитураси. Офсет босма усули. 14,0 шарт. б. т.
12,0 ҳисоб-наш. таб. Тиражи 1000 нусха. Буюртма 06/2.

Баҳоси келишилган нархда.

“Zarafshon” нашриёти Давлат корхонаси, 140100,
Самарқанд ш. Амир Темур кўчаси, 12.

Териш ва фотоформалар “Zarafshon” нашриёти ДК
тайёрланган, 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 12.

“Optima print plus” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Самарқанд ш., кўчаси, Фарҳод кўчаси, 4.

ISBN 978-9943-379-82-4

ISBN 978-9943-379-82-4



9 789943 379824